Ўзбекистон Республикаси Олий ва
Ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент Молия институти

Наврўзова К.Н., Ортиқов О.А.

БАНКЛАРДА ҲИСОБ ВА ТЎЛОВ ТИЗИМИ

Ўқув қўлланма

Тошкент 2005 й

Банкларда ҳисоб ва тўлов тизими.
Наврўзова К.Н., Ортиқов О.А.

Т.ТМИ 2005 йил _____ бет.

Республикада тўлов тизимининг шаклланиши ва уни ишлаш принципларига бағишланган республикамизда чоп этилган дастлабки қўлланма бўлиб, унда тўлов тизими ва унинг таркиби, республикада миллий тўлов тизимининг шаклланиши, шу тизим орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ўтиши, банклараро ҳисоб-китобларнинг ўтиш технологиялари, ягона вакиллик ҳисобварақлари орқали тўловларнинг ўтишини ташкил этилиши, шунингдек, ягона банк технологияларининг турлари кўрсатиб берилган.

Ўқув қўлланма Тошкент Молия институти қошидаги Олий ўқув юртлараро илмий-услубий Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

Тақризчилар: Минтақавий банк ўқув маркази
раиси и.ф.н., доц. З.Холмахмадов

и.ф.д., проф. А.Вахобов

Тошкент Молия институти - 2005

КИРИШ

Иқтисодиёт ривожланишининг ҳозирги босқичида республикамизда фаолият юритаётган банкларнинг роли тобора ортиб бормоқда. Чунки хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳеч бири банк хизматини четлаб ўтиб фаолият юрита олмайди, ўзаро ҳисоб-китобларини банк ёрдамисиз ўтказа олмайди. Шу сабабли банк тизимини мустахкамлаш, уларнинг эркинлигини ошириш йўлида ислохотларга хукумат миқёсида эътибор бериб келмоқда. Чунки банк тизимида ўтказилаётган ислоҳотлар нафақат банкларнинг, балки бутун иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлашга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши республикада фаолият юритаётган банкларнинг ривожланишига катта ҳисса қўшади. Ушбу қарорда тижорат банкларнинг ташкил этишга қўйиладиган талаблари, уларнинг операциялари, имтиёзлар, кредитлаш билан боғлиқ муаммоларга алоҳида ўрин ажратилган. Ҳозирги кунда банк тизими ривожланиб борар экан, банклар ўртасидаги ўзаро алоқалар, ҳисоб-китобларни ўтказиш механизмини такомиллаштириш талаб этилади. Ушбу қўлланма «Банк иши» йўналиши бўйича магистратурадаги бир қатор мутазассисликларда, жумладан, «Кредит», «Банк аудити», «Халқаро банк иши», «Халқаро валюта-кредит муносабатлари», «Банк қимматли қоғозлари», «Банк рисклари» мутахассисликлар талаблари учун мўлжалланган. Ўқув қўлланма ушбу фан бўйича ишлаб чиқилган намунавий дастур ва ишчи-ўқув дастурлари асосида ёзилган. Ўқув қўлланмада тўлов тизимининг мазмуни, унинг таркиби, республикада миллий тўлов тизимининг шаклланиши, электрон тўлов тизимини ташкил этишнинг зарурати ва шартлари, принцип ва функциялари ўз ифодасини топган. Шу билан бирга иқтисодиётдаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, давлат бюджетининг касса ижроси бўйича операциялар, банклар тизимидан ўтганини ҳисобга олган ҳолда юқоридагилар ўқув қўлланмада батафсил ёритиб берилган. Ўқув қўлланмада янги банк технологиялари, уларнинг қўлланилиши ҳам ўз ифодасини топган.

Мазкур ўқув қўлланмадан – «Банк иши» йўналиши бўйича ўқиётган барча олий ўқув юртларининг бакалавриат ва магистратура бўлимлари талабалари, коллежлар, бизнес мактаб талабалари, шунингдек банк мутахассислари ва банк фаолияти билан қизиқувчилар фойдаланиши мумкин.

«Банкларда ҳисоб ва тўлов тизими» ўқув қўлланмаси республикада биринчи марта ўзбек тилида чоп қилинган. Шу сабабли уни ёзиш давомида баъзи бир камчиликларга йўл қўйилган бўлиши мумкин. Ушбу камчиликлар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларингиз ва таклифларингизни билдиришингизни сўраймиз ва олдиндан миннатдорчилик билдирамиз.

1 Боб. Тўлов тизими ва унинг элементлари

1§. Тўлов тизими тушунчаси ва унинг элементлари.

Республикамизда банк тизими ва унинг фаолияти жаҳон андозаларига тобора яқинлашиб бормоқда. Банк тизимини эркинлаштириш ва эркин рақобат шароитига мослаштириш кўзда тутилган бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва уни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги» Фармони чиқарилиб, унда «Молия-банк тизимини ислоҳ қилиш сиёсатини такомиллаштириш, унинг кўпроқ аниқ-ойдинлигини таъминлаш, иқтисодиётда тўловлар ва хисоб-китоблар механизмини мустахкамлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши» лозимлиги белгилаб берилган эди. Бу вазифанинг бажарилиши айнан тўлов тизими билан боғлиқдир. Шунинг учун, аввало, тўлов тизими тушунчасини кўриб чиқамиз.

Иқтисодиётда турли мулкчилик шаклларига тегишли бўлган компания ва фирмалар фаолият кўрсатиб, улар доимо бир-бири билан узвий боғлиқдир. Чунки корхона ва ташкилотлар бир-бирлари билан олди-сотти муносабатларини ўрнатадилар, бу муносабатлар ўзаро ҳисоб-китоблар орқали ҳал қилинади. Бу ҳисоб-китобларни ўтказиш учун маълум бир тизим мавжуд бўлиши лозим. Агар ўзаро ҳисоб-китоб қилаётган фирмага битта банк хизмат кўрсатса, тўловлар жуда тез ва содда схемада ўтказилади, яъни ҳисоб-китоблар бир банкнинг ичида бажарилиб, бир корхона ҳисобварағидан иккинчи корхона ҳисобварағига маълум бир суммани ўтказиш орқали бажарилади. Агар ҳисоб-китоб қилаётган фирмалар турли банк хизматидан фойдалансалар, у ҳолда тўловни бир банкдан иккинчи банкка ўтказиш учун маълум бир тўлов тизимидаи фойдаланишга тўғри келади. Бу тўлов тизими арзон, қулай шу билан бирга хавфсиз ҳам бўлиши лозим. Агар тўлов тизими ривожланган бўлса, ундан фойдаланиш суръати ҳам ошиб боради.

Тўлов тизимлари турли шаклларда ташкил этилади, лекин уларнинг мақсади доимо битта, яъни аҳолига ва хўжалик субъектларига ўз пул маблағларини бир банкдаги ҳисобварақдан бошқа банк ҳисобварағига тез ўтказиб беришни таъминлашдир. Тўловчи ва тўловни олувчи учун муқобил йўл бўлиб нақд пул орқали ҳисоб-китоб қилиш ёки бартер бўлиши мумкин. Лекин бундай ҳисоб-китоблар кўп ҳолларда чекланган бўлади.

Тўлов тизимидан банклар ҳам фойдаланадилар. Банклар тўлов тизимидан ўз фаолиятлари билан боғлиқ операциялар бўйича пул ўтказишда, шу билан бирга мижозларнинг операциялари бўйича пул ўтказишда фойдаланадилар.

Қандай шаклда фойдаланишдан қатъий назар тўлов тизими ўз ичига 4 босқични олади.

1-босқич - тўловнинг бошланиши, яъни тўловчи ўз банкига пулни ўтказиб бериш тўғрисида топшириқ беради.

2-босқич - тўлов тизимининг иштирокчи банклари ўртасида тўлов ҳужжатларининг алмашиши, кўпинча бу операция клиринг деб юритилади.

3-босқич - тўлов тизимининг иштирокчи банклари ўртасида ҳисоб-китоб ўтказиш, яъни тўловчи банки пул ўтказиб бериши лозим. Бундан

ташқари, банклар учинчи иштирокчи орқали, унда ўз ҳисобварақларини очиш орқали ҳисоб-китоб қилишлари мумкин. Бу ҳолда кўпинча учинчи томон ролини Марказий банк бажаради.

4-босқич – тўловларни қабул билан боғлиқ операцияларни якунлаш.

Тўлов тизими турли олимлар томонидан турлича талқин қилинади. Масалан, Брюс Саммерс фикрича, иқтисодий фаолиятни ташкил этиш натижасида пайдо бўлган мажбуриятларни ушлаб туриш учун пулли тўловларни ўтказишда ишлатиладиган маблағлар йиғиндисига тўлов тизими дейилади.

Бу талқинда асосий ўрин маблағларга берилаяпти, бунинг учун нақд ҳамда нақдсиз пуллардан фойдаланилади. Юқоридаги талқиндан яна шундай хулосага келиш мумкинки, тўлов тизими мажбуриятларни ушлаб туриш имкониятини беради. Нақдсиз пуллардан фойдаланиладиган тўлов тизимида маълум бир тўлов воситалари ишлатилади, яъни маблағларни ўтказиш учун қоғоз ҳужжатлар ёки электрон ҳужжатлар ишлатилади. Жаҳон банки мутахассисларидан яна бири О.Маргарет тўлов тизимига қуйидагича таъриф берган. «Тўлов тизими бу - пул маблағларини ўтказиш механизмидир». Тўлов тизимига яна бир таъриф Россиянинг иқтисодчиси М.П. Берёзина томонидан берилган бўлиб, унга кўра «мамлакатнинг тўлов тизими - бу иқтисодий фаолият натижасида юзага келувчи қарз мажбуриятларининг бажарилишини таъминловчи, қонуний бошқарилувчи элементлар йиғиндиси». Бу таъриф мазмунан Брюс Саммерс таърифига яқинроқ эканлигини кўриш мумкин, яъни бу икки таърифда «... юзага келган мажбуриятлар...» деган тушунча ишлатилган. Демак, бу таърифларда товар ва хизматлар қийматини тўлаш билан боғлиқ бўлган мажбуриятлар, шу билан бирга молиявий мажбуриятлар ҳам кўзда тутилган. Молиявий мажбуриятлар давлат бюджети олдидаги юридик ва жисмоний шахсларнинг мажбуриятларидир деб қарайдиган бўлсак, унда барча нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, жумладан, банкларнинг давлат бюджетини кассавий ижро этиш операцияларининг бажарилишини тўлов тизими орқали амалга оширилишини кўришимиз мумкин.

Бир қатор таърифларни кўриб, улар тўғрисида мушоҳада юритиш натижасида тўлов тизимига умумий қилиб қуйидаги таърифни берамиз: «Тўлов тизими - иқтисодий фаолият натижасида юзага келадиган мажбуриятлар бўйича субъектлар ўртасида пул маблағларининг қонун-қоидалар асосида ҳаракатланишини таъминловчи дастур ёки механизмдир».

Бизнинг фикримизча, бу механизмни ҳаракатга келтириш учун иштирокчилар, механизм олдига қўйилган ҳуқуқий талаблар, тўлов воситалари ёки қуроллари керак бўлади.

Тўлов тизимининг иштирокчилари бўлиб жисмоний шахслар, юридик шахслар, ҳукумат, банклар ва бошқа молиявий институтлар бўлиши мумкин.

Жисмоний шахслар тўлов тизимини бошқариб турувчи Марказий банк билан бевосита алоқада бўлмасаларда улар тўлов тизимида қатнашадилар. Бу қатнашув билвосита бўлади, яъни юридик ва жисмоний шахслар ўзларига хизмат кўрсатувчи банкка ўз ҳисобварақаларидаги пул маблағларини бошқа банкка ўтказиб бериш бўйича топшириқ берадилар. Бу топшириқни бажариш

учун тижорат банклари тўлов тизимига боғланади. Агар ушбу иштирокчилар бўлмаганда эди тижорат банкларининг ўзи тўлов тизимининг тўлақонли иштирокчилари бўлиши мумкин эмас эди.

Шу билан биргаликда ҳукумат ҳамда турли молиявий институтлар ҳам тўлов тизимида қатнашадилар. Бу қатнашув ҳам тижорат банклари орқали бўлади. Чунки уларнинг ҳисобварақаларини тижорат банклари юритадилар.

Демак, ҳозирги кунда республикамиз тўлов тизимининг асосий ва бевосита иштирокчилари тижорат банкларидир. Бу ҳақда батафсил қуйироқда тўхталиб ўтамиз.

Тўлов гизимига механизм сифатида қараб унинг олдига қўйилган бир қатор талабларни кўриб чиқамиз.

Биринчидан, тўловчи ва пул олувчиларнинг ҳуқуқлари аниқ белгиланган бўлиши керак;

Иккинчидан, пул маблағларининг ўтказилиши ҳуқуқий томондан белгиланган бўлиши лозим, яъни қонун билан мустаҳкамланган тартиблар амалиётга тўла тадбиқ этилиши лозим;

Учинчидан, кўпчилик томонидан қабул қилинган бўлиши керак;

Тўртинчидан, кам харажатли бўлиши, таннарх ҳисобга олиниши лозим;

Бешинчидан, йўқотишлар ва қонунбузарликларнинг олдини олиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Агар юқоридаги санаб чиқилган талабларга жавоб берса, бундай тўлов тизими муваффақиятли фаолият кўрсатиши мумкин.

Тўлов тизимини механизм сифатида қараганимизда унинг яна бир ҳаракатга келтирувчи элементи сифатида тўлов воситаси ёки тўлов қуролларини кўришимиз мумкин. Тўловни ўтказишни бошлаш айнан тўлов воситаларини танлашдан бошланади. Тўлов воситаларига кредит инструментлари сифатида тўлов талабномаси, тўлов топшириқномаси, инкассо топшириқномаси, аккредитив очиш учун ариза, дебет инструментлари сифатида эса чекларни киритиш мумкин. Ҳозирги кунда магнит, пластик карточкалар ҳам тўлов воситалари сифатида кенг ишлатилмоқда.

Кўпгина чет давлатларда тўлов инструментларини танлашдан аввал бир қатор саволлар ўйлаб кўрилади. Ҳар бир конкрет операция бўйича алоҳида саволлар ечими топилади.

Масалан:

1. Бу операция шу ернинг ўзида (дўкон, супермаркет) бажариладими ёки операцияни якунлаш учун маълум вақт керак бўладими?
2. Тўлов суммасининг миқдори катта ёки кичикми?
3. Тўлов маҳаллийми, шаҳарлараро ёки халқароми?
4. Бу операция доимийми (1 ой, квартал, йил) ёки бир марталикми?
5. Бу операция муддатлими? Шу куни якунланадими ёки бир неча кундан сўнгми?
6. Ҳар бир конкрет тўлов инструментининг таннархи қандай?

7. Тўлов кафолати қандай?

Бундай саволларни ҳар бир конкрет операция бўйича иштирокчилар ўйлаб, вазиятни таҳлил қилиб ўзларига қулай бўлган вариантни, ўзларига қулай бўлган тўлов инструментини танлайдилар. Бу эса шартномада мустаҳкамлаб қўйилган..

Кўп йиллар давомида тўлов тизимининг иши Марказий банкнинг актив қизиқиш соҳасига кирмас эди. Унга «кўзга кўринмас» фаолият тури сифатида қаралиб, банк сиёсатининг асосий масалаларига тегишли эмасдек бўлиб ҳисобланарди. ҳозирги кунда бундай эътибор тубдан ўзгарди. Охирги 15-20 йил ичида кўп давлатлар, асосан бозор иқтисоди ривожланган давлатлар иқтисодиётида қуйидаги ҳолатларни кузатиш мумкин:

Биринчидан, банк ўтказмаларининг сони ва ўтказилаётган маблағларнинг ҳажми ортиб бориши натижасида тўлов тизими оборотининг беқиёс даражада ўсиши. Бу эса, биринчи навбатда бутун дунёда моливий бозор активлигининг ўсишига ва тўловларнинг тезлашувига ёрдам берди.

Иккинчидан, тўлов тизими ичида пул маблағларининг бир жойдан иккинчи жойга тез ўтишини таъминловчи техника ва технология тизимидаги катта муваффақиятларнинг қўлга киритилиши. Тўлов тизимидаги янги технологияларнинг яратилиши ва уларнинг амалиётга тадбиқ этилиши тўловларнинг бир неча дақиқада бир худуддан иккинчи ҳудудга ўтказиб бериши учун шароит яратди.

Бу эса, ҳозирги тўлов тизимининг бозор иқтисодиётини ривожлантиришдаги ролининг беқиёс эканлигини кўрсатади. Умумий қилиб айтганда, тўлов тизими иқтисодиёт молиявий инфратузилмасининг ҳаётий муҳим элементи, иқтисодиёт самарадорлигига таъсир этувчи омил бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга пул-кредит сиёсати орқали иқтисодиётни самарали бошқаришни таъминловчи зарурий восита бўлиб ҳисобланади.

Тўлов тизимининг иқтисодиётда тутган ўрни Марказий банк фаолияти билан чамбарчас боғлиқ, чунки Марказий банкнинг асосий мақсади мамлакатда пул-кредит ва молиявий барқарорликни таъминлашдан иборат.

Марказий банк тўлов тизимига нисбатан унинг ривожланиши ва шу орқали ўз мақсадига эришишни таъминлаш борасида қандай таъсир ўтказиши мумкин? Бу саволга жавоб бериш учун қуйидагиларга эътибор бериш лозим.

Биринчидан, Марказий банкни тўлов тизимининг фойдаланувчиси сифатида кўриб чиқамиз. Марказий банк пул ўтказиш билан боғлиқ бўлган ўз фаолиятига тегишли бўлган операцияларни ўтказади. Бунга пул-кредит сиёсатини ўтказиш учун расмий очиқ бозоридаги операциялари, давлат қимматли қоғозлари билан бўладиган расмий операциялари, жумладан янги қимматли қоғозларни чиқариш, эскиларини тўлаш операциялари, чет эл валюта операциялари бўйича миллий валютада ҳисоб-китобларнинг тўлов тизими орқали ўтказиши мисол бўлади. Бундан ташқари, бошқа барча корхоналар қатори Марказий банк ҳам ўз ишчи хизматчиларига иш ҳақи, турли нафақалар, командировка харажатлари, мукофотлар тўлаши лозим бўлади, бундай тўловлар ҳам аксарият ҳалларда тўлов тизимини четлаб ўтмайди.

Иккинчидан, Марказий банкни тўлов тизимининг иштирокчиси

сифатида кўриб чиқамиз. Тўлов тизимининг иштирокчиси сифатида Марказий банкни ўз мижозлари номидан пул ўтказиш ёки тўловни олиш операцияларини бажариш жараёнида кузатишимиз мумкин. Масалан, Марказий банк ҳукумат ёки бошқа ҳудудий Марказий банклар каби ўз мижозларининг операцияларини бажариш жараёнида тўлов тизимининг иштирокчисига айланиши мумкин.

Учинчидан, Марказий банкнинг тўлов хизматларини кўрсатувчи юридик шахс сифатидаги ролини кўришимиз мумкин. Бундай хизматлар тўлов тизими доирасида ишловчи тижорат банклари учун ҳисоб марказларини ташкил қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш билан белгиланади. Бундан ташқари, тўлов тизими учун ўз маблағлари ёки тижорат банклари, шу билан бирга бошқа тижорат ташкилотларининг маблағларини қўшиш эвазига техник воситалар, программалар, инструкциялар, коммуникациялар билан таъминлаш жараёнидаҳам Марказий банкнинг тўлов тизими орқали тўлов хизматларини бажарувчи ролини кўришимиз мумкин.

Ва ниҳоят тўртинчидан, Марказий банкнинг давлат қизиқишларини ҳимояловчиси сифатидаги ролини кўриб чиқамиз. Марказий банкнинг бу роли анча кенг характерга эга бўлиб, ўз ичига қуйидаги қирраларни олади.

- тўлов тизимини ҳаракатга келтирувчи вазифасини бажаради;
- тўлов тизими қатнашчилари устидан назорат ўрнатади;
- тўлов тизими ишини бошқаради ва режалаштиради;
- даъволар билдирилганда арбитраж функциясини бажаради;
- техник стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш билан шуғулланади ва ҳоказо.

Санаб ўтилган Марказий банкнинг тўлов тизими билан боғлиқ жиҳатларига яна тўлов тизими орқали ўтадиган кундалик тўловларнинг кафолатланишини таъминлашни ҳам киритиш мумкин. Лекин бу фақат Марказий банкка эмас, бир вақтнинг ўзида тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварақ-ларининг ҳам ҳолатига боғлиқ.

Ривожланган давлатлар иқтисодиётини кузатар эканмиз, Марказий банкларнинг тўлов тизимидаги иштироки турлича эканлигини кўриш мумкин. Бу ҳар хиллик турли давлатларнинг турли иқтисодиё, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий шарт-шароитлари билан белгиланади. Баъзи давлатларнинг Марказий банклари тўлов тизимини яратиш ва уни эксплуатация қилиш масалаларига чуқур киришиб кетганлар. Бундай давлатларга Германия, Франция, Италия ва Испанияни киритиш мумкин. Баъзи давлатларнинг Марказий банклари қонунчилик билан белгилаб қўйилган специфик мажбуриятлар билан боғлиқ бўлган мувофиқлаштирувчи ролини бажаради. Баъзи давлатлардаги Марказий банклар ўз мижозлари номидан тўловларни бажариш бўйича актив фаолият олиб боришни афзал кўрадилар Америка қўшма Штатидаги Марказий банклари ўз фаолиятини кўпроқ тўлов хизматларини тижорат асосида олиб боришга ҳаракат қилади.

Тўлов тизимида Марказий банкларнинг иштироки турлича бўлишига

қарамай, уларнинг мақсадлари деярли ўхшаш, хусусан, камроқ харажат қилиб минимал таваккалчилик асосида фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондирувчи тизимни таъминлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси тўлов тизими ҳам Марказий банк томонидан ташкил қилиниб, тизимнинг ҳаракати ҳисоб-китоб марказлари орқали амалга оширилади. Республика Марказий банки ҳисоб-китоб маркази фаолиятини мувофиқлаштириб, назорат олиб боради.

2§. Ўзбекистон Республикаси тўлов тизими ва унинг шаклланиши.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгунга қадар тўлов тизими асосан қоғоз кўринишидаги почта ҳисоб-китобларни амалга ошириб берадиган тизим эди. 1990 йилларгача собиқ Иттифоқ иқтисодиёти «Банклараро ҳисоб-китоблар» термини ишлатилмас эди. Банклараро ҳисоб-китоблар давлат банкида очилган марказлашган тартибдаги вакиллик ҳисобварағи орқали олиб борилган. Банк муассасалари ўз филиалларибилан 1933 йилда киритилган МФО (филиаллараро оборотлар) бўйича ички ҳисоб-китобларни олиб борганлар. Шунга мувофиқ банк ходимларининг асосий эътибори филиаллараро ҳисоб-китобларга қаратилган эди. Бундай ҳисоб-китоблар бўйича тўловларни амалга ошириш учун банкнинг маблағи бўлмаса ҳам чекланишлар йўқ эди. Филиаллараро ҳисоб-китоблар йил охирида марказда якунланарди. Йил давомида эса филиаллараро оборотлар юритиладиган ҳисобварақлар орқали пул ўтказиш операциялари почта ёки телеграф авизолари орқали амалга оширилар эди. Кредит ресурслари марказдан ҳисобга олиниб, режалаштириб бориларди.

1991 йилдан бошлаб бу камчиликларни тугатиш мақсадида Ўзбекистонда банклараро ҳисоб-китобларга ўзгаришлар киритила бошланди. Бу даврда Ўзбекистоннинг бошқа республикалар билан амалга ошириладиган ҳисоб-китоблари қалбаки авизолар ҳисобига бузилди ва тўлов тизими издан чиқди.

Мавжуд тизим талабга жавоб бермай қолгани боис, Республика Марказий банки янги электрон тўловлар концепциясини ишлаб чиқди. Ушбу концепцияга биноан электрон ҳужжатлар кўринишида ишлаб чиқилган тўлов тизими талаб ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич амалга оширилиши лозим эди ва бу вазифа кўзлангандек бажарилди. Ҳозирги вақтда яратилган электрон тўлов тизимига мувофиқ, тўлов ҳужжатларини республика миқёсида 15-20 дақиқада, вилоят ичида 3-5 дақиқада амалга ошириладиган бўлди.

Марказий банк маълумотларига қараганда, янги тизим кунига 60 миллиард сўмлик 60 мингта ҳужжат айланиш имконини беради. Бу тўлов тизими бундан беш баробар ҳажмдаги операцияларни амалга оширишга қурби етади.

Лекин бундай муваффақиятга етгунга қадар миллий тўлов тизими бир неча босқични босиб ўтди.

Биринчи босқич 1991-1994 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда тўлов тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида ижобий ишлар амалга

оширилди. Хусусан 1991-92 йилларда Марказий банкнинг Бош ахборотлаштириш Марказида банклараро ҳисоб-китобларда электрон почта усулини яратиш устида ишланди. Шунингдек банк операцион иш кунини компьютер воситасида бажаришнинг амалий дастурини яратиш ва уларни банкларда тадбиқ этиш бўйича иш олиб борилди. 1993 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун ижросини таъминлаш мақсадида Марказий банкда ва унинг ҳудудий бошқармалари ва бўлимлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси банклараро тўловлар тизимини такомиллаштириш мақсадида Жаҳон банки томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан самарали фойдаланиш мақсадида халқаро танлов-тендер эълон қилинди.

1995 йил апрел ойидан бошлаб тўлов тизимини такомиллаштиришнинг иккинчи босқичи бошланди. Бу босқич 1998 йилгача давом этди. Ушбу босқичда тўлов тизими ўз олдига қўйган вазифани уддалади дейиш мумкин. Агар 1996 йилда ҳисоб-китоблар республика ичида 1 кунда, вилоят ичида 1 соатда якунланган бўлса, бу вақт борган сари қисқариб борди. 1997-98 йиллардан бошлаб ҳудудлараро тўловларнинг ўтиши 15-20 дақиқани, ҳудуд ичидаги тўловларнинг ўтиши 3-5 дақиқани ташкил қилишига эришилди.

1998 йилдан бошлаб 2001 йилгача миллий тўлов тизимини такомиллаштиришнинг III босқичи амалга оширилди. 2002 йилдан республика тўлов тизимини такомиллаштиришнинг IV босқичи бошланди. Бу даврда тўлов тизимини такомиллаштириш ва бошқарув учун ахборот тизимини яратиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Тўловларни реал вақтда ўтишини таъминлаш ва тижорат банкларига ягона вакиллик ҳисобварағи орқали хизмат кўрсатиш бўйича танланган технология ҳамда ишлаб чиқилган техник топшириқ бўйича банклараро тўловларни ягона вакиллик ҳисобварағи орқали ўтказиш бўйича яратилаётган дастурларни ишлашга тайёрлигини текшириш мақсадида 2002 йилнинг 27 апрел куни синовдан ўтказилди. Бундан ташқари, ягона вакиллик ҳисобварағи орқали реал вақтда амалга ошираётган банкларни ўзаро узлуксиз ишлашни таъминлайдиган дастур ишга туширилди. Янги тизимга барча тижорат банклари бир йўла ўтказилмади. Аввал бир қатор банклар ушбу тизим бўйича ишлаб синаб кўрилди. Ягона вакиллик ҳисобварағи тизими орқали ишлашга АТ Саноатқурилишбанки 2002 йилнинг 15 июлида, АТ Тадбиркорбанки 20 июлида, ДАТ Асака банки 21 октябрда ўтказилди ва уларга ҳар томонлама ёрдам берилди. Ягона вакиллик ҳисобварағи бўйича бошқарув ахборот тизимига ўтиш 2003 йилнинг сентябрь ойида ниҳояга етказилди. Янги тизимга ўтишни ДТ Халқ банки ҳамда Алп Жамол хусусий банки якунлади. Натижада қуйидаги натижаларга эришилди:

- кунлик тўловларни ўтказиш учун банд бўлган маблағларнинг бир қисмини бўшашига, шу билан бирга бўшаган маблағларни тегишли активларга жойлаштириш имкони яратилди;
- банк филиалларида бутун кун давомида пайдо бўладиган таваккалчиликларни кузатиб, уни ўз вақтида бартараф этиш мумкин

бўлди;

- банкнинг юқоридан пастга, пастдан юқорига бўлган ҳар бир жараённи тизим орқали кузатиш мумкин бўлди;
- банк филиалларининг қай бири заиф, қай бири мустаҳкамлигини таҳлил қилиш ва тез, оператив равишда чоралар кўриш имкони яратилди;
- банкнинг ягона кундалик баланси унинг ликвидлиги, таваккалчиликлари, мажбурияти, капитали қандай даражада эканлиги аниқ кўриш ва таҳлил қилиш имконияти яратилди.

Тўлов тизимининг ҳозирги даражага етишида бир неча омиллар хизмат қилган. Бу омиллар қуйидагилардир:

1. Бухгалтерия ҳисобининг жаҳон андозаларига мос келувчи Банк Депозиторлари Миллий Ахборот Базаси ташкил этилди.
2. Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари асосида солиқдан озод этилган маблағлар ҳисобига банк тизими тўлиқ компьютерлаштирилди.
3. Банклар ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда «Фидо-Бизнес» фирмаси томонидан яратилган дастурий таъминоти билан тўлиқ таъминланди ва имконияти етадиган банкларга, жумладан, Миллий банк, Асака банк, DAEWOO банк ва ABN-AMRO банкларга дастурий таъминот яратишга доир техник талаблар қўйилди.

Тўловларнинг электрон усулда амалга оширилиши ҳам мижоз учун тез амалга ошириш қуввати жиҳатидан жуда ҳам қулай, ҳам банк учун харажат камлиги учун жуда фойдалидир. Шунинг учун Ўзбекистонда яратилган электрон тўловлар тизими миллий тўлов тизимининг асоси бўлиб, уни ривожлантириш умуммиллий аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда, республикада тўлов тизимини мукаммаллаштириш, тўлов воситаларини ривожлантириш ва мижозларга қулай бўлган тўлиқ автоматлаштирилган тизимни ишлаб чиқиш асосий мақсад қилиб белгиланган. «Электрон ҳамён» сифатида машҳур бўлган пластик карточкалар тўловларнинг барча туридан хам энг қулай тўлов воситаси сифатида тан олинган. Шунинг учун республикада бир қатор йирик банклар пластик карточкалар бозорини шакллантиришда актив фаолият кўрсатмоқдалар. Пластик карточкалар бозорини ривожлантиришда бир қанча банкоматлар ўрнатилиши, миллий валюта барқарорлиги ва мустаҳкам муҳофаза тизими каби мураккаб ишлар амалга оширилгандан кейингина маълум ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Ҳозирги кунда республикада «Банк-Мижоз» тизими амалиётга кенг тадбиқ этилмоқда. Бу тизимда банк мижозлари тўғридан-тўғри офис ёки уйидан туриб тўловларни амалга оширилиши кўзланган. Банк хизматининг бу янги кўриниши пул-маблағларининг бошқарилишини фаоллаштириш билан бирга банк мижозлари сонининг ошишига, банк ва мижоз ўртасидаги молиявий фаолиятни янада ривожлантиришга олиб келади.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда жаҳон талабларига жавоб берадиган электрон усулда тўловларни амалга оширадиган

миллий тўлов тизими яратилди. Электрон тўлов тизимининг ишлаш принциплари, тўлов тизими орқали ҳисоб-китобларнинг ўтказиш тартиби, пластик карточкаларнинг турлари, уларнинг амалиётда қўлланилиши, «Банк-Мижоз» дастурий таъминотининг мазмуни ва иш фаолияти кейинги мавзуларда батафсил кўриб чиқилади.

3§. Тўлов обороти ва унинг тузилиши

Эркин рақобатга асосланган бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларидан бири давлат мулки ягона бўлмаган ҳолда ривожланаётган турли мулкчилик шаклларига асосланган товар ишлаб чиқариш ва товар муомаласининг мавжудлигидир. Товар муомаласи мавжуд экан, у ўз навбатида корхона ва ташкилотлар ўртасида пулли муносабатларни, яъни ҳисоб-китобларни келтириб чиқаради.

Товар муомаласи ва товар айирбошлаш жараёни доимо пул ҳаракатини тақозо этади. Товар обороти пул оборотининг моддий асоси бўлиб ҳисобланади, лекин пул оборотининг ҳажми товар оборотининг ҳажмидан доимо катта бўлади, чунки пул обороти ўз ичига товар айирбошлашдан ташқари бошқа муносабатларни ҳам олади. Масалан, пулли муносабатлар ва пулли ҳисоб-китоблар қуйидаги ҳолларда юзага келади:

- банк муассасалари, аҳоли ва турли мулкчилик шаклларига тегишли бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги кредит муносабатларида;
- халқ хўжалиги тармоқларини молиялаштиришда;
- суғурта фондлари, компаниялари билан муносабатларда;
- жамғарма фондлари билан муносабатларда;
- аҳоли группалари ўртасидаги муносабатларда;
- давлат бюджети билан муносабатларда ва ҳоказо.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда пул оборотига қуйидагича тавсиф берамиз:

«Пул обороти - бу жамиятда содир бўладиган иқтисодий муносабатлардаги пул маблағларининг ҳар хил шакллардаги ҳаракатидир».

Пул оборотидан ташқари тўлов обороти деган тушунча ҳам мавжуддир. Тўлов обороти пул оборотига нисбатан чекланган, яъни тўлов обороти пул оборотининг бир қисмини ташкил этади.

Тўлов обороти пул оборотининг бир қисмини ташкил этади. Тўлов обороти асосан халқ хўжалигида ўтказиладиган турли тўловлар билан боғлиқ. Шунинг учун тўлов обороти бу - пулнинг тўлов воситаси функциясини бажарувчи пул оборотидир. Ҳозирги кунда пул функцияларининг классик таърифи ўзгартилиб пулнинг муомала ва тўлов воситаси функциялари бирлаштирилиб, пулнинг «тўлов воситаси» функцияси деб юритилмоқда. Шу билан бу иккита функция ўртасидаги чегара олиб ташланиб, пулнинг тўлов воситаси функциясини бажаришда нақдсиз пуллар билан бир қаторда нақд пулларнинг ишлатилиши кўрсатиб

берилди. Шундан келиб чиққан, ҳолда тўлов оборотининг тузилиши ҳақида фикр юритиб кўрамиз.


Тўлов обороти пулли муносабатларда пул формаларидан фойдаланиш хусусиятлари ва тўлов усулига кўра иккига бўлинади:

1. Нақд пулли тўлов обороти;
2. Нақд пулсиз тўлов обороти.

Буни ушбу схемада яққол кўриш мумкин:

1-схема

Тўлов оборотининг таркибий тузилиши



Тўлов оборотининг асосий қисми нақд пулсиз тўлов оборотидан ташкил топади. Бу тўлов обороти нақд пулсиз ҳисоб-китоблар асосида амалга оширилади. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар деганда, корхона ва ташкилотларнинг товар айирбошлаш, хизматлар кўрсатиш ва товарсиз операциялар бўйича бир-бирига бўлган талаб ва мажбуриятларни пул маблағларини нақд пул ишлатмасдан бир ҳисобварақдан иккинчи ҳисобварақка ўтказиш орқали бажарилиши тушунилади.

Иқтисодиёт ривожланиб борган сари тўлов оборотида нақд пулсиз тўлов оборотининг улуши ортиб боради. Чунки иқтисодий тараққиётни белгиловчи омиллар нақдсиз тўлов оборотининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади. Иқтисодий тараққиётни белгиловчи омиллар қуйидагилар:

а) саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши;

б) товар айланиши ва миллий даромад ҳажмининг ўсиши;

в) банк кредитининг айирбошлаш жараёнидаги ролининг ортиб бориши;

г) мулкчилик шаклларининг ва улар ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиши;

д) иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда ҳисоб-китоб ишларида электрон тўлов тизимидан кенг кўламда фойдаланиш ва бошқалар.

Ҳозирги кунда нафақат хўжалик юритувчи субъектлар хаттоки аҳолининг ҳам накд пулсиз тўлов тизимидаги иштироки ортиб бормоқда. Илгари Халқ банки орқали аҳолига таклиф қилинган накд пулсиз ҳисоб-китобларининг турли шакллари билан бир қаторда пластик ва магнит карточкалардан фойдаланиш ҳам ривожланиб бормоқда. Айниқса, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки томонидан чет эл валютаси ва миллий валютада чиқарилган пластик карточкалар аҳоли ўртасида кенг ишлатилмоқда. Шу билан бирга ҳозирги кунда Асака банки, Саноат қурилиш банки ҳамда Халқ банки ва бошқа қатор банклар томонидан пластик карточкалар чиқарилиб, аҳолига таклиф қилинмоқда.

Тўлов оборотининг иккинчи қисми накд пулли тўлов оборотидир. Накд пулли тўлов обороти деганда товар айирбошлаш ва хизмат кўрсатиш жараёнида субъектлар ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг накд пул ёрдамида амалга оширилиши тушунилади. Накд пулли тўлов оборотининг ишлатиш кўлами накд пулсиз тўлов оборотига нисбатан чегараланган.

Накд пул оборoти давлат ва аҳоли, турли мулкчилик шаклларига тегишли бўлган корхона ва ташкилотлар билан аҳоли ҳамда аҳоли группалари ўртасидаги муносабатларда намоён бўлади.

Масалан, корхона ва ташкилотлар ўз ишчи ва хизматчиларига иш ҳақи, мукофот, командировка харажатларини тўлайди, нафақахўрлар пенсия, талабалар стипендия оладилар. Бу накд пуллар савдо дўконларида, бозорларда ишлатилади, шу билан бирга турли молиявий мажбуриятлар ва хизматлар юзасидан тўловлар ўтказилади.

Чет давлатларда накд пулларнинг ишлатилиши билан банд бўлганларнинг 10 фоиздан камроғи ўз иш ҳақларини накд пулда оладилар. Англияда ҳам накд пулда иш ҳақи оладиганлар барча ишловчиларнинг 10 фоизи атрофини ташкил этади. Германия ва Канадада 5 фоизи, АҚШда эса тахминан 1-2 фоизни ташкил этади. Чунки бу давлатларда иш ҳақи пластик, кредит карточкалари ёки чекларга ўтказиб берилади.

Накд пул ёрдамида амалга ошириладиган тўлов обороти қуйидаги ҳолларда юзага келади:

а) аҳоли томонидан давлат, хусусий, қўшма, кооператив чакани ва майда улгуржи савдо ташкилотларидан маҳсулот ҳарид қилиниши;

б) аҳоли томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг деҳқон бозорларида сотиб олиниши;

в) аҳоли томонидан озиқ-овқат ва буюм бозорларида тижоратчилардан, хунармандлардан ва бошқа тадбиркорлардан товарларни сотиб олиниши;

г) турли транспорт турларидан ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари хизматидан фойдаланиш;

д) ишчи-хизматчилар иш ҳақининг тўланиши;

е) стипендия ва турли нафақаларнинг тўланиши;

ж) акциялар бўйича дивидентлар тўланганда;

з) лотереялар бўйича ютуқлар тўланганда;

и) суғурта тўловлари тўланганда;

й) аҳоли томонидан коммунал ва бошқа тўловлар тўланганда;

к) газета ва журналларга обуна бўлиш ёки жорий даврда сотиш олинганда;


л) аҳоли томонидан ер, мулк ва бошқа солиқлар нақд пул ёрдамида тўланганда.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, аҳоли томонидан нақд пул ёрдамида турли хил тўловлар тўлаганда нақд пулли тўлов обороти юзага келади.

Лекин нақд пул доимо нақдсиз пулга, нақдсиз пул эса нақд пулга айланиб туради. Пулнинг бундай ҳаракатини қуйидаги схемада кўришимиз мумкин.

2-схема

Тўлов оборотида пулнинг ҳаракати.



1. Ҳар бир корхона ўз ишчи-хизматчиларига иш ҳақи ва шунга тенглаштирилган тўловларни тўлаш учун банкдан нақд пул олади. Банкдаги ҳисобварақда турган нақдсиз пул нақд пулга айланади.

2. Корхона ва ташкилотлар бу пулларни иш ҳақи ва бошқа тўловлар кўринишида аҳолига тарқатади.

3.-4.-5. Иш ҳақи, пенсия стипендия, мукофот ва бошқа тўловларни олган аҳолининг турли қатламлари бу пулни ўз эҳтиёжларини қондириш учун бозорда, савдо, маиший хизмат кўрсатиш, маданият ташкилотларида сарфлайдилар, турли тўловлар газ, электр энергияси, телефон, солиқлар, жарималар ва ҳоказо тўловларни тўлайдилар. Деҳқонлар, ҳунармандлар ҳам ўзлари меҳнат қилиб топган пулларни ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида сарфлайдилар

6. Аҳолининг турли қатламларидан келиб тушган нақд пуллар дўкон ва нақд пул билан ишлайдиган бошқа ташкилотлар томонидан банкка топширилиши лозим. Чунки ҳар бир корхона ва ташкилотга ўз оборот кассасида накд пулни ушлаб туриш учун лимит ўрнатилади. Ушбу лимитдан ортиқча қисми албатта банкка топширилиши шарт қилиб белгиланган. Бу ҳолда ҳам биз нақд пулнинг нақдсиз пулга айланганини кўрамиз, яъни банк

кассасига топширилган нақд пуллар нақд пулни топширган корхонанинг хисобварағига ёзиб қўйилади.

Шундай қилиб, биз тўлов оборотининг нақд ва нақдсиз шаклларини ва уни ишлатиш доираларини кўриб чиқдик.

Тўлов оборотининг бошқа хусусиятларига кўра ҳам таснифлаш мумкин. Тўлов обороти ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида содир бўладиган ҳар хил муносабатларни ўзида акс эттиришга кўра 2 га бўлинади:

Биринчидан, товарларни сотиш жараёнидаги капитал кўринишдаги ҳисоб-китобларни акс эттирувчи тўлов обороти. Бундай тўлов обороти, бошқача қилиб айтганда, товарли ёки товар операциялари бўйича тўлов обороти дейилади. Бунда тўловлар нақд пул кўринишда ҳам, нақдсиз пул кўринишда ҳам амалга оширилади. Корхона ва ташкилотлар ўртасидаги товар айирбошлаш ва қурилиш-монтаж ишлари жараёнидаги пулли ҳисоб-китоблар асосан нақдсиз пул кўчириш асосида бажарилади. Аҳоли группалари ўртасида корхона ва аҳоли ўртасидаги товар айирбошлашда нақд пул иштирок этиб, нақд пулли тўлов обороти юзага келади.

Иккинчидан, товар характерига эга бўлмаган пулли ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнида содир бўладиган тўлов обороти. Бундай тўлов обороти товарсиз операцияларда юзага келадиган тўлов обороти ёки молиявий мажбуриятлар бўйича юзага келадиган тўлов обороти бўлиб ҳисобланади. Бу тўлов обороти ҳам нақд пул кўриниши билан биргаликда навдсиз пул кўринишида бўлиши мумкин. Корхона ва ташкилотлар банк кредитини қайтарганларида, кредит учун фоиз тўлаганларида корхона фаолиятини суғурталаш билан боғлиқ тўловларда, солиқлар ва бюджетдан ташқари фондларга турли тушумлар тўлаганларида нақд пулсиз тўлов обороти юзага келади. Аҳолининг турли бадаллари ва солиқларнинг иш ҳақидан олиб қолиб, керакли ташкилотларга ўтказилиши ҳам нақдсиз тўлов оборотига мисол бўлади. Республика ва маҳаллий бюджетга нақд пул ёрдамида солиқларнинг тўланиши эса нақд пулли тўлов оборотини вужудга келтиради.

Тўлов оборотини яна иштирокчилар ва иштирокчиларнинг жойлашувига кўра ҳам таснифлаш мумкин. Тўлов оборотининг иштирокчилари бўлиб марказий ва тижорат банклари, турли мулкчилик шаклига тегишли бўлган корхона ва ташкилотлар, аҳолининг турли қатламлари ҳисобланади. Мана шу иштирокчилар бир-бири билан турли операциялар бўйича муносабатда бўлади. Бу муносабат жараёнида улар бир шаҳар ичида ёки турли шаҳарларда жойлашган бўлиши мумкин. Агар тўлов оборотида қатнашган иштирокчилар битта шаҳар ичида жойлашган бўлса, бу оборот бир шаҳар ичидаги тўлов обороти дейилади. Агар иштирокчилар турли шаҳарларда, масалан, бири Андижонда, иккинчиси Самарқандда бўлса бундай тўлов обороти шаҳарлараро тўлов обороти дейилади. Лекин ҳозирги даврда тўлов обороти электрон тўлов тизими орқали жуда тез содир этилмоқца. Шу сабабли тўлов оборотини бундай бўлиш, бизнинг фикримизча, қандайдир чегарада ўз кучини йўқотмоқда.

Умуман, тўлов обороти маълум тўлов тизими орқали содир этилади, яъни тўловларни ўтказиш орқали ҳар бир давлатда нақд ва нақдсиз пуллар

бошқариб борилади. Бизнинг давлатимизда тўлов тизими 90-йилларнинг ўрталаридан бошлаб шаклланиб борган бўлиб, асосан нақд пулсиз ўтказмалар мана шу тизим орқали олиб борилади. Бу тизим электрон тўлов тизими бўлиб тўлов обороти билан чамбарчас боғлиқдир.

Таянч иборалар

Банк тизими
Тўлов
Тизим
Хавфсиз
Ҳисоб-Китоб
Тўлов тизими
Тўлов тизими элементлари
Механизм
Тўлов кафолати
Тўлов суммаси
Тўлов воситаси
Пул обороти
Тўлов оброти
Тизим иштирокчиси
Тизимдан фойдаланиш
Марказий банк
Тижорат банки

Назорат саволлар

1. Тўлов тизими деганда нимани тушунасиз?
2. Тўлов тизими кандай элементлардан ташкил топган?
3. Қандай тўлов воситаларини биласиз ?
4. Тўлов обороти деганда нимани тушунасиз?
5. Тўлов тизимининг иштирокчилари ва фойдаланувчилари кимлар?
6. Ўзбекистон Республикаси тўлов тизимини шаклланишининг боскичларини гапириб беринг?
7. Марказий банкнинг тўлов тизимидаги ўрни қандай?

2 Боб. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва нотўловлар муаммоси.

1§. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими.

Иқтисодиётда юзага келадиган пулли муносабатларда пул шаклларидан фойдаланиш хусусиятлари ва тўлов усулларига кўра пул айланиши нақд пулсиз айланишга ва нақд пулли айланишга бўлинади. Чакана савдо ва аҳолиги пуллик хизмат кўрсатиш асосан нақд пулда амалга оширилади. Бундан ташқари, нақд пулли айланишга коммунал хизматлар учун тўловлар, ишчи-хизматчиларга иш ҳақи ва шунга тенглаштирилган тўловларни тўлаш, суғурта ташкилотларига бадаллар тўлаш, уй-жой қурилиши ва бошқа мақсадлар учун аҳоли томонидан олинган кредитни нақд пул кўринишида қайтариш билан боғлиқ тўловларнинг тўланиши киради.

Иқтисодиётда бўладиган пул айланишининг 80-90 фоизини нақдсиз пул айланиши ташкил этади. Нақдсиз пул айланиши нақд пулсиз хисоб-китоб шакллари асосида олиб борилади. Нақд пулсиз ҳисоб китобларнинг кенг ишлатилишига кўп тармоқли банк тизимининг ривожланиши, давлат томонидан макроиқтисодий жараёнларни ўрганиш ва уни тартибга солиш нуқтаи-назаридан давлатнинг қизиқиши, мулкчилик шаклларининг кўпайиши ва турли мулкчилик муносабатларининг кенгайиб бориши асос бўлади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар деганда, турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларнинг товар айрибошлаш, хизмат кўрсатиш ва товарсиз операциялар бўйича бир-бирига бўлган талаб ва мажбуриятларни нақд пул ишлатмасдан пул маблағларини бир ҳисобварағдан иккинчи ҳисобварағга ўтказиш орқали амалга оширилиши тушунилади.

Иқтисодиётда нақд пулсиз хисоб-китоблар маълум тизим асосида олиб борилади. Нақд пулсиз хисоб-китоблар тизими ўз ичига ҳисоб-китобларни ташкил қилиш тамойиллари, шакллари, усуллари ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш олдида қўйилган талабларни олади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимининг элементларининг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқамиз.

1930-1932 йилларда ўтказилган кредит реформаси даврида киритилган ва собиқ иттифоқ даврида мавжуд бўлган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларига асосланган эди. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими биринчи навбатда ишлаб чиқариш ва реализация қилиш режаларини бажариш нуқтаи назаридан маҳсулот сотувчи корхона қизиқишларига хизмат қилар эди. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш тамойиллари корхоналарнинг шартнома мажбуриятларини бажариш учун иқтисодий қизиқишлар ва жавобгарлиги чегараланган, қатъий қилиб белгиланган эди.

Бу тамойиллар қуйидагича белгиланган:

1. Банк нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилади ва уларнинг бажарилиши устидан назорат қилади;

2. Тўлов вақти қатъий белгиланган$_г$ яъни барча тўловлар товар жўнатилгандан ёки хизмат бажарилгандан сўнгина ўтказилади, аванс тўловлари, тижорат кредитига рухсат этилмас эди;

3. Тўловчининг розилиги - тўлов ўтказилишининг асоси сифатида тан олинади;

4. Қайси соҳада, қайси ҳолларда нақд пулсиз хисоб-китоб шаклларини ишлатилиши олдиндан белгилаб қўйилган, банк у ёки бу ҳисоб-китоб шаклларини танлашга аралашар эди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш тамойиллари тўловчининг тўловга ва кредитга лаёқатлилик қобилиятини ҳисобга олмас эди.

Ҳозирги кунда нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг биринчи тамойили мулкчилик шаклидан қатий назар, хўжалик юритувчи субъектлар ўз маблағларини банкдаги ҳисоб варақларида сақлашлари ва барча операцияларни банк орқали ўтказишлари лозимлигини билдиради. Бозор муносабатлари шароитида ҳисоб-китобларнинг банк орқали ўтказилиши бозор иштирокчиларининг иқтисодий мустақиллиги билан қўшиб олиб борилиши керак.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилишнинг иккинчи тамойили шундан иборатки, мижозларнинг ҳисобварақларидан пул маблағларини кўчириш$_г$ уларнинг топшириғи ёки розилигига асосан ҳисобварақдаги маблағлар чегарасида бажарилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши муносабати билан Марказий банк томонидан мижозларнинг ҳисобрақамлари бўйича операциялар ўтказиш тартиби белгиланган. Ҳисобварақлардан маблағларни ўтказиш, ҳисобварақ эгасининг топшириғи асосида бажарилади, мижозларнинг буйруғисиз ҳисобварақлардаги пул маблағлари фақат суд қарорига биноан, қонунда белгиланган тартибда банк ва мижоз ўртасидаги шартномага асосан кўчирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқоролик кодексига асосан мижозларнинг ҳисобварақларида барча талабларни бажаришга пул маблағлари етарли бўлган ҳолларда пул кўчирилиши бўйича мижознинг топшириғи ва бошқа ҳужжатларнинг келиб тушиши тартибида ҳужжатлар тўланиши лозим. Мижоз ҳисобварағида барча талабларни тўлашга маблағлар етарли бўлмаган тақдирда ҳужжатларнинг тўланиши Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1999 йил 22 январдаги «хўжалик субъектларининг банкдаги» ҳисобварақларидан пул маблағларни кўчириш тўғрисидаги 104-В сонли қарори билан тасдиқланган йўриқномага асосан олиб борилади. Агар мижоз билан банк ўртасидаги кредит шартномаси тузилган бўлса тўловлар банк кредити ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилишнинг учинчи тамойили шундан иборатки, маблағлар тўловчининг ҳисобварағидан ўчирилгандан сўнг олучининг ҳисобварағига ўтказилади. Тижорат банкларининг ҳисоб чеклари бўйича пул ўтказиш бундан мустасно.

Ҳисоб-китоблар бўйича хўжалик юритувчи субъектлар орасидаги ўзаро эътирозлар белгиланган тартибда банк иштирокисиз кўриб чиқилиши ҳисоб-китобларни ташкил қилишнинг тўртинчи тамойилидир. Банклар ўз вақтида тўланмаган хужжатлар бўйича пеняларни ҳисоблаш ва ундиришга жавобгар эмас. Тўловчи юклаб жўнатилган маҳсулотлар учун ўз вақтида тўланмаган суммага ҳисобланган пеняни тўловчи ва маҳсулот етказиб берувчи ўртасидаги тузилган хўжалик шартномасида кўзда тутилган тартибда тўлайди. Агар банк билан мижоз ўртасидаги пеня ҳисоблаш ва ундириш кўзда тутилган бўлса, бу ҳолда банк ўз вақтида тўланмаган ҳужжатлар бўйича пеня ҳисоблаш ва маҳсулот сотувчи корхона фойдасига ундириб бериши мумкин.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни олиб боришнинг бешинчи тамойили хисоб-китоб шаклларини танлаш билан боғлиқ. Мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги ҳамда товар пул муносабатлари ривожланиши шароитида хўжалик юрутувчи субъектларнинг фаолияти нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш хўжалик идоралари томонидан ҳисоб-китоб шаклларини эркин танлаш тамойилидан келиб чиқади ва улар хўжалик шартномасида мустаҳкамланади. Хўжалик органларининг шартномавий муносабатларига банк аралашмайди. Бу тамойил ҳисоб-китоб иштирокчиларининг ўзаро муносабатларининг ижобий натижалари учун моддий жавобгарлигини оширишга, ҳисоб-китоб ва шартномавий муносабатларни ташкил қилишда иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг олтинчи тамойили тўловнинг муддатлилигидир. Бу тамойил катта амалий аҳамиятга эгадир. Хўжалик юритувчи субъектлар тўловнинг қандай муддатда келиб тушиши тўғрисидаги ахборотга эга бўлган ҳолда ўз маблағларининг айланишини рационал ташкил қилиш$_г$ қарз маблағларига бўлган заруратни ҳисоблаб кўриши$_г$ шу билан бирга ўз балансининг ликвидлигини бошқариб бориши мумкин бўлади. Маҳсулот сотувчи ва олувчи томонлар келишувига кўра тўловлар муддатли, муддатдан олдин ҳамда муддатли кечиктирилган бўлиши мумкин.

Муддатли тўловлар қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- Товар жўнатилмасдан ёки хизматлар бажарилмасдан олдин, бундай тўловлар аванс тўловлари ёки олдиндан тўлов кўринишида амалга оширилади.

- Товар жўнатилгандан кейин, яъни товарни бевосита акцепт қилиш йўли билан.

- Йирик суммага тузилган шартномаларда кўрсатилган суммаларни бўлиб-бўлиб тўлаш йўли билан амалга оширилади.

Муддати узайтирилган тўловлар белгиланган муддатда тўловни амалга оширолмай қолган ҳолларда, тўлов муддатини қандайдир муддатга чўзиш$_г$ яъни янги тўлов муддатини белгилашни билдиради. Муддати узайтирилган тўловлар томонларнинг молиявий аҳволига зарар етказмаган ҳолда шартномавий муносабатлар доирасида бўлиши лозим.

Муддати кечиктирилган тўловлар тўловчи корхонанинг ҳисобварағидан ҳужжатда кўрсатилган суммани тўлаш учун пул маблағлари бўлмаган

ҳолатда юзага келади. Агар корхона банкдан кредит олиш ҳуқуқига эга бўлмаса ҳужжат корхона ҳисобварағига пул келиб тушгандан сўнгина белгилан тартибда тўланади.

Юқорида биз корхона ва ташкилотлар ўз маблағларини банкдаги ҳисобварақларида сақлашлари лозимлиги таъкидлаган эдик. Банкларда мижозларга бир қатор ҳисобварақлар очилади. Булар талаб қилингунча сақланадиган депозитлар бўйича ҳисобварақлар, жамғармали депозитлар ва муддатли депозитлар бўйича ҳисобварақлардир. Талаб қилунгунчага сақланадиган депозитлар бўйича ҳисобварақлар илгариги ҳисоб-китоб ҳисобварақларга тенглаштирилган бўлиб, хўжаликларнинг барча операциялари айнан мана шу ҳисобварақлардан ўтказилади. Жамғармали ва муддатли депозитлар бўйича ҳисобварақлар хўжаликлар томонидан қўшимча даромад олиш ёки пул маблағларини аста-секин кўпайтириб бориш мақсадида очилади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бир неча шаклларда олиб борилади ва бу шакллар вақт ўтиши билан ўзгариб бориши мумкин. Ҳозирги кунда республикада нақд пулсиз ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган ва ҳалқаро амалиётда қабул қилинган шаклларда ташкил этилади. Ҳисоб-китоб шакллари дейилганда ҳуқуқий меъёрларда кўзда тутилган, пул маблағларининг маҳсулот етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларнинг ҳисобварағига ёзиш усули$_г$ ҳисоб-китоб ҳужжатининг тури ва ҳужжатлар айланиши тартиби билан фарқ қилувчи ҳисоб-китоб турлари тушунилади.

Корхоналар ўзларига қулай бўлган ҳисоб-китоб шаклини эркин танлайдилар ва уни ўзаро шартномада мустаҳкамлаб қўядилар. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳозирги кунда қуйидаги шакллар орқали амалга оширилади:

- Тўлов топшириқномаси;
- Тўлов талабномаси;
- Аккредитив;
- Инкассо топшириқномаси;
- Ҳисоб-китоб чеки;
- Мемориал ордер;
- Пластик карточкалар.

Ҳисоб-китоб шаклларининг ҳар бирини кейинги параграфларда батафсил кўриб чиқамиз.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар олдига бир қатор талаблар қўйилади. Ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнларида уларга амал қилиш талаб қилинади. Бу талаблар қуйидагилар :

Биринчидан, айланма маблағларнинг айланишининг узлуксизлигини таъминлаш лозим$_г$ яъни хўжаликда ишлаб чиқаришнинг ривожланишига тўсиқ бўлмаслиги керак. Хўжалик юритувчи субъектларга тегишли бўлган маблағлар доимий ҳаракатда бўлиши керак. Уларнинг доимий равишда доиравий айланишда бўлиши нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ижобий таъсири натижасида бўлади.

Иккинчидан, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг

муддатлилиги деб қараш мумкин. Бу талабнинг моҳияти шундан иборатки, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш вақт жиҳатидан уларнинг маълум бир даврда ёки маълум бир муддатда амалга оширилишини тақоза қилади. Уларни амалга ошириш вақти қанчалик кам бўладиган бўлса$_г$ нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шунчалик тез амалга оширилса, хўжалик юритувчи субъектлар бўлган мол етказиб берувчилар, хизмат кўрсатувчилар ва истеъмолчилар ўртасида молни етказиб бериш ва уларнинг пулини ундириб олиш шунчалик қисқа ва тез муддатларда амалга оширилса, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг самарадорлиги шунча юқори бўлади.

Учинчидан, тўловларни амалга оширишдаги жавобгарлик масаласи ҳисобланади. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг амалга оширишнинг олдига қўйилган бу талаб ҳам нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг моҳиятини очиб беришга хизмат қилади. Бу талабнинг мавжуд бўлиши юқоридаги икки талабнинг бажарилишида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда жавобгарликнинг бўлиши пул маблағларининг доиравий айланишига ижобий таъсир кўрсатади. Жавобгарликнинг бўлмаслиги аксинча, маблағларнинг кунларда айланишини секинлаштиради. Маблағлардан етарли даражада самарали фойдаланмаслик оқибатида нотўловларнинг ҳаддан ташқари ошиб кетишига, пировардида мамлакат иқтисодиётининг издан чиқишига олиб келади.

Тўртинчидан, мажбуриятларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш. Бу талаб нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг амалга оширилишида мажбурият шартининг яъни шартнома шартларининг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш имкониятининг мавжуд эканлигидир.

Шу нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўловларни ўз вақтида ўтказилиши ва тижорат банклари вакиллик варақалари ҳолати бўйича назорат ўрнатган. Банк вакиллик варақаларида маблағнинг етарли бўлмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра ўз мижозлари талабини бажара олмаса тижорат банкларига нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда чора кўрилади.

Бизнинг мамлакатимизда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибини Марказий банк белгилайди ва ушбу тартибнинг бажарилиши бўйича назорат олиб боради. Амалиётда бундай тартибнинг жорий этилиши бутун республика миқиёсида ҳисоб-китобларнинг узлуксизлигини таъминлаш имкониятини яратади.

2§. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги Низом ва унинг мазмуни.

Банкларда бажариладиган барча операциялар маълум бир меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борилади. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилишда асосий меъерий ҳужжат бу – «нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида»ги Низомдир. Лекин бу низом доимий бўлмай вақти ўтиши билан ўзгариб боради. Иқтисодий ўзгаришлар, шунингдек, банк тизимидаги ўзгаришлар барча қонун-қоидаларнинг шунга мос равишда ўзгартирилишига сабаб бўлади. Масалан$_г$ Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг$_г$

кредит, ҳисоб-китоб ва бошқа операцияларни олиб бориш тартиб қоидалари бир неча маротаба ўзгартирилди. Жумладан, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича 1993, 1995 ва ниҳоят 1998 йилларда қонун-қоидалар ишлаб чиқилган бўлиб$_г$ бир-биридан маълум моддалари билан фарқ қилади. Масалан 1993 йилда Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган «Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида»ги Низомда тўлов топшириқномаси, тўлов талабномаси$_г$ тўлов талабнома-топшириқномаси, аккредитивлар, лимитлаштирилган ва лимит-лаштирилмаган чек дафтарчаларининг чеклари ва инкассо топшириқномаси бўйича ҳисоб-китоблар кўзда тутилган эди. Бу Низомнинг янгилиги шундан иборат эдики, унда тўлов талабнома-топшириқномаси шакли янгилик қилиб киритилган эди. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ушбу шаклининг мазмунии шундан иборат эдики, мол сотувчи корхона шеригига мол жўнатиш билан бирга товар транспорт ҳужжатлари ҳам мол сотиб олувчини корхонага жўнатар эди. Бунда банк четлаб ўтилар эди. Тўлов талабномасини олган мол сотувчи корхона талабнома-топшириқномани талабнома қисмида кўрсатилган реквизитларни кўриб чиқиб, олган товари билан солиштириб агар шартнома шартлари бажарилган бўлса, ҳужжатнинг топшириқнома қисмини тўлдириб уни банкка топшириши лозим эди.

Шундай қилиб, ҳисоб-китоб шакллари яна битта шакл билан тўлдирилган. 1993 йилда чиқарилган Низомда келтирилган чеклар бўйича ҳисоб-китоблар лимитлаштирилган ва лимитлаштирилмаган чек дафтарчаларининг чеклари асосида олиб биришга мўлжалланган эди. Лимитлаштирилган чеклар бўйича ҳисоб-китобларнинг мазмуни шундан иборат эдики, мижоз банкдан лимитлаштирилган чек дафтарчасини аризасига биноан олиб, унга ўз топшириғига асосан маълум бир суммани ўтказар эди. Мана шу сумма чегарасида чекни расмийлаштириб, маҳсулот сотувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш мумкин эди. Лимитлаштирилмаган чеклар билан ҳисоб-китобларнинг мазмуни шундан иборат эдики, бунда чек дафтарчасига пул ўтказилмас эди$_г$ ҳисоб-китоблар банк кредити ҳисобидан амалга ошириларди. Бундай дафтарчалардан асосан савдо, таъминот ташкилотлари кўпроқ фойдаланишар эди.

Лекин бу ҳисоб-китоблар бўйича кўп ноқонуний операциялар ўтказилгани аниқлангач, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки лимитлашган ва лимитлашмаган чек дафтарчалари бўйича ҳисоб-китобларни бекор қилди. Унинг ўрнига янги ҳисобчеклари деб номланган ҳисоб-китобларни амалиётга тадбиқ этди. Ҳисоб-чеклари бўйича ҳисоб-китобларнинг тартиб қоидалари ишлаб чиқилди. Бу қоидалар аввалги чеклар бўйича ҳисоб-китоблардан фарқ қилар эди. Ҳисоб-чекларининг 5, 10, 25 варақли кўринишда, мижозларнинг ҳоҳишиларига кўра китобча шаклига келтириб берила бошланди. Чек дафтарчасига пул қўйиш мижознинг топшириғига биноан унинг талаб қилингунча сақланадиган депозит ҳисобварағидаги маблағлар ҳисобидан амалга ошириларди. Тижорат банклари ҳисоб-чеклари бўйича операцияларни олиб боришлари учун ҳисоб-китоб марказида алоҳида ҳисобварақларини очиб, унга маблағ қўйишлари

лозим эди.

Ҳисоб чеклари бўйича ҳисоб-китоблар 1995 йилдаги Низомга янгилик бўлиб киритилди. Шу билан бирга ушбу Низомда вексель муаммоси ҳам кўзда тутилган эди. 1995 йил май ойидан бошлаб Ўзбекистонда вексел муомаласини киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқарилди. Қарордан сўнг Пахтабанк, Саноатқурилишбанки, Савдогарбанк, Туронбанки каби бир қатор банклар биринчилар қаторида векселлар эмиссиясини бошлаб бердилар. Лекин бу даврда республикада амалда бўлган «нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида»ги Низомда вексель муомаласи кўзда тутилмаган эди. Шу сабабли векселлар бўйича банкларнинг операциялар ўтказиш тартиб қоидасини ишлаб чиқиш биринчи навбатдаги вазифалардан бирига айланди. Шундай қилиб навбатдаги Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш қонун-қоидаларини ўз ичига мужассамлаган янги Низом ишлаб чиқилиб 1995 йил 4 сентябрда Марказий банк Бошқаруви томонидан тасдиқланди. Ушбу низомда аввалги ҳисоб-китоб шакллари билан бир қаторда янги ҳисоб чеклари ва векселлар бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китоблар кўзда тутилди. Тўлов талабномасининг ўрни эса анча пастга туширилди ва Марказий банкнинг махсус қарори билан ҳисоб-китобларда ишлатилиши алоҳида хабар берилиши кўрсатиб ўтилди. Бунга сабаб, бу давр ичида нотўловлар учун амалиётда ишлатилаётган 2-картотека бекор қилинган бўлиб, мижозлардан ҳисоб-китоб ҳужжатлар уларнинг ҳисобварағида тўлаш учун пул етарли бўлган тақдирдагина қабул қилиниши мумкинлигини белгилаб қўйилган эди. Тўлов талабномаси эса бундай талабга жавоб бермас эди.

Вақт ўтиши билан Республика тўлов тизими такомиллашиб борди, бунинг натижасида электрон тўлов тизими жорий этилди. Барча банклар ўзаро ҳисоб-китобларни янги электрон тўлов тизими асосида амалга ошира бошладилар. Бу эса ҳисоб-китоблар шаклларига, уларнинг тақдим қилиниши$_г$ банк томонидан қабул қилиш ва ишлов бериш тартибининг ўзгартирилишига сабаб бўлди. Бир оз вақт ўтгач вексел муомаласи ва чеклар бўйича ҳисоб-китоблар маълум сабабларга кўра бекор қилинди. Натижада ҳисоб-китобларни ташкил қилиш қонун-қоидаларига ўзгартиришлар киритиш зарурати пайдо бўлди. Шундан сўнг, «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисида»ги 60-сонли Низом қайта ишлаб чиқилди. Бу Низом Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки бошқаруви томонидан 2002 йилда 15 январда тасдиқланди. Ушбу Низом қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

1. Умумий қоидалар;
2. Пул ҳисоб-китобларини расмийлаштириш тартиби;
3. Мемориал ордерлар билан ҳисоб-китоблар;
4. Тўлов топшириқномалари билан ҳисоб-китоб қилиш;
5. Тўлов талабномалари билан ҳисоб-китоб қилиш;
6. Аккредитивлар билан ҳисоб-китоб қилиш;
7. Инкассо топшириқномалари билан ҳисоб-китоблар ;
8. Чеклар билан ҳисоб-китоб қилиш;

9. Пластик карточкалар билан ҳисоб-китоблар қилиш;
10. Юридик шахснинг қайта ташкил этиш, қўшиб юбориш ва тугатилиши пайтида маблағларни ҳисобдан чиқариш;
11. Назорат ва таъсир қилиш чоралари.

«Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисида»ги Низом фуқоролик кодекси, «Марказий банк тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Марказий банкнинг Ўзбекистон ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни тартибга солувчи бошқа меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган. Низомнинг бир маромда қўлланилиши республикада бутун иқтисодида ҳисоб-китобларнинг узлуксизлигини таъминлайди.

Низомда нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларининг мазмуни, уларнинг қўлланилиш соҳалари, хужжатларни расмийлаштириш, банкка тақдим этилиши ва уларни ишлатилишининг қонун-қоидалари белгилаб берилган. Кейинги параграфларда улар билан батафсил танишиб чиқамиз,

3§. Ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ҳар бирида алоҳида шаклдаги хужжатлар ишлатилади. Ҳисоб-китоб номи ҳужжат номи билан белгиланади. Ҳар бир ҳисоб-китоб ҳужжатлари белгиланган меъёрларга жавоб бериши лозим. Бу хужжатларнинг ҳар бири ўз ичига қўйидаги реквизитларни олиши лозим:

- ҳисоб-китоб ҳужжатининг номери;
- ҳужжат ёзиб берилган сана;
- тўловчининг номи;
- ҳисобварақ номери;
- солиқ тўловчининг идентификация коди (чек ва аккредитивларда кўрсатилмайди);
- тўловчи банкнинг номи;
- тўловчи банкнинг коди;
- маблағларни олувчининг номи;
- маблағларни олувчининг ҳисобварақ номери;
- маблағ олувчи банкнинг номи;
- маблағ олувчи банкнинг коди;
- тўловнинг суммаси рақам ва ёзувда кўрсатилиши лозим;
- тўловнинг мақсади(чекларда кўрсатилмайди);

Тижорат банкларининг ҳисоб-китоб чекларида қўшимча равишда қуйидагилар ёзилади :

- ҳисоб-китоб чекининг серия ва номери;
- жисмоний шахс паспортининг серияси ва номери;
- чекнинг амал қилиш муддати;

Аккредитив очиш учун тақдим этилган ариза қўшимча равишда қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- аккредитивнинг амал қилиш муддати (аккредитив ёпилаетган сана ва ой)

- аккредитив очилаётган шартнома номери;

- буюртма рақами;

- буюртма санаси;

- аккредитив қайси маҳсулотларни юклаб жўнатиш ва хизмат кўрсатиш учун очилганлиги;

- аккредитивнинг тури (у ҳақида керакли маълумотларни кўрсатиш билан);

- қўшимча мажбуриятлар;

Банклар ва мижозларнинг ишига халал бермайдиган тарзда тўловчи ва маблағларни олувчининг номини рационал даражада қисқартириш мумкин.

Хўжалик субъектлари сотилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар учун қўшимча қиймат солиғи ҳисобланса, ҳисоб-китоб хужжатларини расмийлаштиришда қўшимча қиймат солиғи суммаси алоҳида қаторда кўрсатилади. Қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товарлар, кўрсатилган иш ва хизматлар учун ҳисоблашишда расмийлаштирилган тўлов хужжатларида қўшилган қиймат солиғисиз (без НДС) сўзи ёзилади ёки шу ёзув ёзилган штапм қўйилади.

Тўлов топшириқномалари техник воситалардан фойдаланган ҳолда бир мартанинг ўзида нусха кўчириш ёки биринчи нусхани ҳисоб-китобда қатнашувчи барча томонлар ва банк учун етарли бўлган нусхалар сонида кўпайтириш йўли билан ёзиб берилади. Чеклар сиёҳ ва шарикли ручкаларда қўлда ёки техник воситалардан фойдаланган ҳолда ёзиб берилади.

Ҳисоб-китоб хужжатларига қўлда ўзгартириш киритиш, бўяш ва тозалашга йўл қўйилмайди.

Ҳисоб-китоб хужжатлари банк томонидан ҳисоб-китоб, пул операцияларини бажариш учун қабул қилинади:

1. Юридик шахслар биринчи нусхада ҳисоб-китоб хужжати тайерланиши шартидан қатъий назар имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шасхларнинг имзоси ва корхона муҳрининг изи мавжуд бўлиши;

2. Юридик шахс мақомига эга бўлмай фаолият кўрсатаётган оилавий ва якка тартибдаги ижарачилар ва тадбиркорлар томонидан бажариладиган операциялари бўйича ҳисоб-китоб хужжатлари уларда имзо мавжуд бўлган ҳолда бажариш учун қабул қилинади.

Ҳисоб-китоблар хужжатини ёзиб бераётган корхона муҳрининг изи ва имзолар хужжатнинг асл нусхасига қўйилади.

Корхоналардан хужжатларни қабул қилиш$_г$ шартномада бошқаси кўзда тутилмаган бўлса, бутун кун давомида банкнинг мижоз билан ишлаш вақтидан келиб чиққан ҳолда бажариш учун қабул қилинади.

Тўловчининг ҳисобварағидаги маблағларни инициатор-банкда ҳисобдан чиқариш фақат ҳисоб-китоб хужжатларининг биринчи нусхаси ёки Банк-Мижоз тизимидан фойдаланувчилар томонидан электрон тўлов хужжатлари асосида амалга оширилади.

Мижозларнинг ҳисобварақларига кирим қилинаётган маблағлар

банкларда дастурий йўл билан электрон тўлов ҳужжатлари ва ҳисоб-китоб чекининг асл нусхаси асосида амалга оширилади. Банк-Мижоз тизимидан фойдаланувчи банклар расмийлаш-тирилган электрон тўлов ҳужжатларини мижознинг ҳисобварағига маблағлар қўшиб ёзилгандан ёки ўчирилгандан кейин тегишли почта қутисига жойлаштирилади.

а) Тўлов топшириқномалари бўйича ҳисоб-китоблар, уларнинг ҳисоби ва расмийлаштирилиши

Тўлов топшириқномаси бу тўловчи корхонанинг унинг банкдаги депозит ҳисобварағидан пул маблағларининг маълум бир суммасини бошқа мижознинг ҳисобварағига ўтказиш хақида ўзига хизмат кўрсатувчи банкка берган топшириғидир. Тўлов топшириқномаси 0505411002 шаклдаги стандарт бланкада тўловчи томонидан расмийлаштирилиб банкка топширилади. Тўлов топшириқномалари орқали куйидаги тўловлар амалга оширилади:

- товарлар ва хизматлар учун ҳисоб-китоблар;
- нотовар операциялар бўйича ҳисоб-китоблар;
- Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларида кўзда тутилган бўлса, банк ссудалари ва унга кўшилган фоизларни қоплаш учун маблағ ўтказиш;
- Ҳукумат қарорлари ва банк қоидаларида белгиланган ҳоллардаги банк тўловлари.

Илгари тўлов топшириқномалари расмийлаштирилган кундан бошлаб 10 кун ичида банкка топширилиши мумкин бўлиб, шу давр ичида у хақиқий бўлиб ҳисобланар эди. «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида»ги янги Низомга асосан тўлов топшириқномаси расмийлаштирилган кун банкка тақдим этилиши лозим, яъни топшириқноманинг санаси уни банкка тақдим этилган кун билан бир хил бўлиши керак, улар мос келмаган холда тўлов топшириқномаси ижро учун қабул қилинмайди. Лекин бюджетга ва бюджетдан ташқари фондлар бўйича тўловлар бундан мустасно.

Тўлов топшириқномаларининг банкка топширадиган нусхалар сони тўловчи ва маблағ олувчиларнинг қайси банкда жойлашганлигига боғлиқ. Тўловчи ва маблағ олувчи корхоналар бир банк бўлими хизматидан фойдалансалар, топшириқномалар банкка уч нусҳада тақдим этилади. Топшириқнома нусҳаларининг ҳар бири қуйидагича ишлатилади:

- биринчи нусха тўловлар амалга оширилгандан кейин банк масъул ижрочиси томонидан имзо, тўлов амалга оширилган сана ва қабул қилиш санаси кўрсатилган, банкнинг тўртбурчак муҳрининг изи туширилган ҳолда кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади;
- иккинчи нусхаси тўлов олувчининг ҳисобварағига илова сифатида масъул ижрочи томонидан имзо, тўлов амалга оширилган сана, банкнинг тўртбурчак муҳр изи туширилган ҳолда тўловни олувчи корхона вакилига берилади;
- учинчи нусха операция бажарилгандан сўнг, банк бўлимининг тўртбурчак штампи изи туширилган, масъул ижрочи томонидан имзо, тўловни амалга ошириш ва топшириқномани қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда,

тўловчи корхона вакилига уларнинг депозит ҳисобварағидан кўчирма билан биргаликда берилади.

Лекин ҳар доим ҳам бир-бири билан муносабатда бўлган хўжалик юритувчи субъектлар бир банк хизматидан фойдаланмайдилар, чунки ҳисоб-китоблар бир ҳудуд ташқарисига чиқиши мумкин. Агар тўловчи ва маблағ олувчи корхоналарга бир ҳудуд ичидаги ёки бошқа ҳудудда жойлашган турли банк бўлимлари томонидан хизмат кўрсатилса, тўлов топшириқномалари банкка икки нусхада тақдим этилади:

- биринчи нусхаси тўловлар амалга оширилгандан кейин банк масъул ижрочиси томонидан имзо, тўлов амалга оширилган сана, банкнинг муҳр изи туширилган ва қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади;

- иккинчи нусхаси банк бўлимининг мухр изи туширилган, банк масъул ижрочисининг имзоси, тўлов амалга оширилган сана ва топшириқномани қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда тўловчи корхона вакилига берилади.

Тўлов топшириғида қуйидаги реквизитлар кўрсатилиши лозим:

а) тўлов топшириғининг номи ва номери.

б) тўлов топшириғи тўлдирилган сана, яъни кун, ой ва йил.

в) тўловчининг номи, тўловчи банкининг номи ва коди.

г) тўловчининг ҳисоб варақ номери ва идентификация коди.

д) маблағларни олувчи корхона номи, унга хизмат кўрсатувчи банк номи ва коди

ж) маблағ олувчининг ҳисобварақ номери.

з) тўловларнинг суммаси рақам ва ёзувларда кўрсатилади.

и) тўловнинг мақсади.

Тўлов топшириғининг барча реквизитлари тўлдирилгандан сўнг, топшириқноманинг алоҳида ажратилган пастки қисмига тўловчи корхона раҳбари ва бош бухгалтерининг имзоси ҳамда муҳр изи қўйилади. Ушбу муҳр ва имзолар тўлов топшириғининг фақат биринчи асл нусхасига қўйилади.

Корхоналардан ҳужжатлар қабул қилиш, шартномада бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, бутун кун давомида банкнинг мижоз билан ишлаш вақтидан келиб чиққан холда амалга оширилади. Бунда операцион кун давомида банк томонидан корхоналардан қабул қилинган ҳужжатлар шу куннинг ўзидаёқ ижро қилинади. Масъул ижрочи мижозлардан тўлов топшириғини олгандан сўнг, тўлов топшириғидан барча реквизитларнинг тўлиқ ва тўғри расмийлаштирилганлигини текширади. Бундан ташқари, тўловчи корхонанинг депозит бўйича очилган ҳисобварағида ҳужжатда кўрсатилаган суммани тўлашга етарли пул маблағлари борлигини аниқлайди. Агар тўлов топшириғи тўғри ва тўлиқ расмийлаштирилиб, уни тўлашга етарли пул маблағлари бўлса, масъул ижрочи топшириқномадаги барча маълумотларни дастурий йўл билан компьютер орқали банкнинг электрон тўловларини амалга оширувчи ҳисоблаш марказига ўтказади. Эртаси кун эрталабдан кечикмаган муддатда банк баланси чиқарилгандан кейин ҳужжатнинг биринчи нусхаси банкнинг кундалик йиғмажилдига тикилади ва белгиланган тартибда аввал жорий архивда сақланади, бир йил ўтгандан сўнг умумий банк архивига топширилади. Тўлов

топшириқномасининг иккинчи нусхаси эса мижознинг ҳисобварағидан кўчирма билан биргаликда операциялар ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида мижозга қайтариб берилади.

Ушбу банк операцияси бўйича қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дебет Тўловчининг «Талаб қилингунча сақланадиган депозит» бўйича очилган ҳисоб варақ номери

Кредит Маблағ олувчининг «Талаб қилингунча сақланадиган депозит» бўйича очилган ҳисобварақ номери.

Ушбу операцияни мисолда кўриб чиқамиз. Давлат корхонаси ҳусусий корхонадан маҳсулот сотиб олди. Давлат корхонаси сотиб олинган маҳсулотнинг пулини тўлаш учун тўлов топшириғи расмийлаштириб ўзига хизмат кўрсатувчи банкка тақдим этди. Тўлов топшириғи тегишли назоратдан ўтказилгандан сўнг, пул ўтказиш бўйича қуйидаги бухгалтерия ёзуви бажарилди:

Дебет 20210 «Давлат тасарруфидаги корхонанинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозити».

Кредит 20208 «Ҳусусий корхонанинг талаб қилингунча сақланадиган депозити».

Юқорида кўрсатилган бухгалтерия ёзувлари ҳар иккала корхонага битта банк хизмат кўрсатган ҳолда бажарилади. Агар маблағларни олувчи корхона бошқа банк хизматидан фойдаланадиган бўлса, у ҳолда тўловчи банкидан вакиллик ҳисобварағи орқали ўтказилади. Бундай ҳолни қуйидаги бухгалтерия ёзуви орқали кўриш мумкин:

Дебет 20210 «Давлат тассаруфидаги корхонанинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозити».

Кредит 10301, 16103 «Тижорат банкининг вакиллик ҳисоб варағи».

Шундай қилиб, тижорат банкининг ҳисоблаш марказидан дастурий йўл орқали модем усули билан электрон тўлов ўтказилади, яъни «Электрон почта» деб номланган тизим орқали электрон тўлов топшириғи Марказий банк қошидаги ҳисоб марказига ўтказилади. Марказий банк қошида очилган ҳисоб маркази тўловчи корхонага ҳизмат қилувчи тижорат банкидан олинган маълумотлар асосида электрон тўлов топшириғини модем орқали маблағ олувчи корхонага хизмат кўрсатувчи тижорат банкига ўтказади.

Электрон тўловлар тизими орқали олинган электрон тўлов топшириқномалари маблағларни олувчи банкда икки нусхада қоғозга чиқарилади. Топшириқноманинг биринчи нусхаси банк масъул ижрочисининг имзоси ва банк мухр изи қўйилиб, кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади. Иккинчи нусхаси эса банк масъул ижрочисининг имзоси ва банк мухри изи қўйилган ҳолда мижоз ҳисобварағига илова сифатида мижозга берилади. Бу банкда қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дебет 10301, 16103 «Тижорат банкининг вакиллик ҳисобвараги».

Кредит 20208 «Хусусий корхонанинг талаб қилгунча сақланадиган депозит ҳисоб вараги».

Ушбу бухгалтерия ёзуви ёрдамида тўловчи корхона банкидан Марказий банк орқали келиб тушган пул маблағлари маблағ олувчи корхона банкида маблағ олувчининг ҳисоб варағига ўтказилади.


Таъминотчилар томонидан маҳсулот етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш транспорт хизмати билан биргаликда бир текисда амалга оширилса, ўзаро ҳисоб-китоблар доимий тўловлар тартибида ўтказилиши мумкин. Бундай ҳисоб-китоблар ҳар бир алоҳида савдо битими яъни маҳсулот ортиш, жўнатиш ёки хизмат кўрсатиш бўйича эмас, балки томонлар олдиндан келишиб олган муддатлар ва ҳажмларда тўлов топшириқномалардан фойдаланган ҳолда маблағларни даврий равишда кўчириш йўли билан бажарилади. Томонлар даврий равишда, лекин ҳар ойда камида бир марта маҳсулотнинг амалда жўнатилиши ёки хизматлар кўрсатилиши асосида ўтган даври учун қиёслашни бажариш ва шартномада белгиланган тартибда қайта ҳисоб-китоб қилишлари лозим. Аниқланган фарқлар алоҳида топшириқнома билан ўтказилиши ёки навбатдаги тўловда ҳисобга олиниши мумкин. Ўзаро қарзлар энг кам миқдорда бўлиши учун ҳисоб-китобларга ойнинг охирида аниқлик киритиш мақсадга мувофиқдир.

Умуман тўлов топшириқномалари билан ҳисоб-китоблар бўйича ҳужжатлар айланишини қуйидаги схема орқали кўриш мумкин:

Тўлов топшириқномалари бўйича ҳисоб-китоблардаги ҳужжатлар айланиш схемаси

3-схема.

Ҳисоб-китоб маркази



Юқорида келтирилган схемага куйидагича тавсиф берамиз:

1. Энг аввало мол жўнатувчи ва мол олувчи корхоналар ўртасида хўжалик шартномаси тузилади.
2. Шартномага асосан мол жўнатувчи корхона мол олувчи корхонага маҳсулот жўнатади.
3. Мол олувчи корхона олган маҳсулотга пул ўтказиш учун тўлов топшириғи расмийлаштириб ўзига хизмат кўрсатувчи банкка топширади.

4. Банк ходими томонидан тўлов топшириғи асосида мол олувчи корхона ҳисобварағидан пул чегирилади.
5. Ҳисоб-китоб маркази орқали электрон тўлов мол сотувчи корхона банкига жўнатилади.
6. Келиб тушган электрон тўлов мол сотувчи корхона банкида мол сотувчи корхона ҳисобварағига ўтказилади.
7. Электрон тўлов топшириғининг бир нусхаси тўланган ҳужжатлар сифатида мол сотувчи корхонага берилади.

Ҳозирги кунда республикамизда банклар орқали ўтказилаётган барча тўловларнинг 65-75 фоизи тўлов топшириқномалари ёрдамида амалга оширилмоқда, бу унинг афзалликлари билан боғликдир.

Бу афзалликлар қуйидагилардан иборатдир:

-биринчидан, ҳужжатлар айланишининг оддийлиги ва тезлиги, яъни ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг техник жихатдан кулайлиги. Бу эса ўз навбатида хўжалик юритувчи субъектлар ва банк ходимларининг мехнат сарфини камайтиради;

-иккинчидан, пул маблағлари харакатининг тезлиги, яъни тўлов талабномасига нисбатан тўлов топшириқномаси бўйича ҳисоб-китобларда ҳужжатларнинг айланиши ҳаракати қисқалиги сўзсиз хўжалик оборот маблағларининг айланиш тезлигини оширади;

-учинчидан, товар сотиб олувчининг қабул қилган товарлари ёки хизматлар сифатини олдиндан аниқлаб олиниши. Ҳисоб-китобларнинг бу шаклида тўлов талабномаси орқали ҳисоб-китобларда бўлган каби банкка раддия аризаси топширилмайди, чунки тўловчининг ўзи туловни тўлашга рози бўлса, топшириқномани банкка топширади;

-тўртинчидан, тўлов топшириқномасининг барча товарсиз операцияларда кўлланиши, бу эса ушбу шакл бўйича ҳисоб-китобларнинг ахамиятини янада яккол акс эттиради.

Тўлов топшириқномаси бўйича ҳисоб-китобларнинг афзалликлари билан бир қаторда камчиликлари ҳам мавжуд. Камчиликлар шундан иборатки, мол жўнатувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхона учун тўловнинг ўз вақтида ўтказилиши тўла кафолатланмаган. Чунки тўловнинг ўз вақтида ўтказилиши тўловчи корхонанинг депозит ҳисоб варағидаги маблағлар миқдорига боғлиқ. Тўловнинг тўлиқ ўтказилишига етарли пул маблағларининг бўлмаслиги пул айланиши секинлаштиради ва маҳсулот жўнатувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхонанинг молиявий ҳолатини ёмонлаштиради.

Лекин кўрсатилган камчилик тўлов топшириқномаси бўйича ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг бошқа шакллари олдидаги аҳамиятини камайтирмайди. Аксинча, ҳозирги даврда хўжалик субъектлари ўртасида тўлов топшириқномаларининг кўлланилиш доираси янада кенгайиб бормоқда, чунки олдинги йилларда тўлов топшириқномалари бўйича тўловлар фақат маҳсулот жўнатилгандан ва хизматлар кўрсатилгандан кейингина амалга оширилар эди. Бундай ҳолат бозор муносабатлари шароитида ўзини оқламайди, дебетор ва кредитор қарздорликларнинг ошиб кетишига олиб келади, бу эса ўз навбатида иқтисодиётда қарздорлик занжирини келтириб чиқаради.

Юқорида кўрсатилган муаммоларнинг олдини олиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан бир қатор механизмлар ишлаб чиқилди, қарор ва фармойишлар қабул қилинди. Дастлаб 1995 йил 5 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Корхона ва ташкилотлар рахбарларининг халқ хўжалигидаги ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказишни таъминлаш бўйича жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 154-сонли Фармони чиқарилди. Фармонга мувофиқ, мулк шаклидан қатъий назар ҳар бир хўжалик субъекти агар мол олувчи корхона бўлса, у албатта ўша мол қийматининг камида 15 фоизи суммасини олдиндан тўлаши талаб этилади. Табиийки, бу тўлов топшириқномаси асоси амалга оширилади.

Олдиндан тўлов ўтказиш илгари ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари ва бошқа баъзи холларда Давлат банкининг рухсати билан амалга оширилар эди. Лекин ҳозирги пайтда хўжаликлар ўзлари ўзаро хўжалик шартномалари орқали 100 фоизли ёки ундан кам миқдорда бўлган олдиндан тўловлар ўтказишни келишиб оладилар. Юқорида кўрсатилган механизм эса томонлар ўртасида шартномада кўрсатилган мажбуриятларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатишга ёрдам беради. 15 фоиздандан кам бўлмаган авансланган тўловларнинг ўтказилишнинг мажбурийлиги, банк бундай тўловлар устидан доимо назорат олиб бориши хақида Ўзбекистон Республикаси Президентининг яна бир «Ҳисоб-китоблар тизими ҳамда тўлов интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1996 йил 24 январдаги Фармони чиқарилди, Фармонда корхона ва ташкилотлар томонидан банкка топшириладиган тўлов топшириқномасида катъий равишда шартнома номери, тўлов тартиби, 15 фоиздан кам бўлмаган аванс тўлови миқдори кўрсатилиши шарт қилиб белгиланди. Демак, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг қайси шаклидан фойдаланишдан катъий назар, хўжаликлар аввало тўлов суммасининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорини тўлов олувчи корхона ҳисобварағига айнан тўлов топшириғи ёрдамида ўтказадилар. Бу эса тўлов топшириғининг иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларини камраб олаётганидан далолат беради. Умуман, халқ хўжалигиида ҳусусий секторнинг ўрни кенгайиб борган сари кичик ва бошқа хусусий корхоналар сонининг ошиши тўлов топшириқномалари бўйича ҳисоб-китоблар ҳажмининг кенгайишига йўл очиб беради.

б) Тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китоблар, уларнинг ҳисоби ва расмийлаштириш.

Тўлов талабномаси - бу маҳсулот етказиб берувчи ва маблағ олувчиларнинг белгиланган суммани тўловчи банк орқали тўлаши тўғрисидаги талабномани ўз ичига олган ҳисоб-китоб ҳужжатидир. Тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китоблар «акцепт» шаклидаги ҳисоб-китоблар ҳам деб юритилади.

«Акцепт» сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, розилик маъносини англатади, яъни бу тўловчининг тўловни амалга ошириш учун банкка берган розилигидир. Акцепт шакли асосий инкассавий ҳисоб-китоб шакли бўлиб ҳисобланади. «Инкассо» итальянча сўздан олинган бўлиб, банк ўз мижози тақдим этган ҳужжатга асосан етказиб берилган маҳсулот учун унда

кўрсатилган суммани тўловчидан унинг банки орқали олиб бериш бўйича мажбурият бўлиб ҳисобланади. Розилик билдириш усулига кўра акцепт ижобий ва салбий бўлиши мумкин. Тўловчи корхонанинг розилиги ҳам, норозилиги хам ёзма равишда билдирилса, ижобий акцепт ҳисобланади. Бундай ҳолда тўлов тўловчидан ёзма равишдаги розилик хати келгандагина амалга оширилади. Агар 15 кун ичида тўловчидан розилик хати келмаса тўлов талабномаси тўловни олувчига тўланмасдан қайтарилади. Салбий акцепт эса суқут сақлаш орқали билдирилади, тўловга норозилик ёзма равишда билдирилади. Агар тўловга қарши норозилик хати ёзма равишда келиб тушмаса банк томонидан тўлов амалга оширилади.

Салбий акцептнинг ўзи тўловни амалга ошириш муддатига кўра олдиндан акцепт ва сўнгги акцептга бўлинади. Талабномани олдиндан акцептлаш усулида ҳисоб-китоблар ўтказилганда талабноманинг пули акцептлаш муддати тугагандан сўнг, яъни эртаси куни тўланади. Тўловчи корхона ўзига хизмат кўрсатувчи банк муассасасига талабнома келиб тушгандан кейин 3 кун ичида тўловдан бош тортганини маълум қилиш ҳуқуқига эга. Товар етказиб берувчи товар-моддий бойликлар етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома, шунингдек, тегишли қонун ҳужжатлари шартларини бузган холларда тўловчи тўлашдан бош тортиши мумкин. Бундай ҳолларда тўловчи томонидан банкка ёзма равишда раддия аризаси топширилиб, унда тўловдан бош тортиш сабаблари кўрсатилади.

Акцептлашнинг сўнгги акцепт турида тўлов талабномаси банкка келиб тушган кунда тўланади, лекин тўлов ўтказилгандан кейинги 3 кун ичида тўловдан бош тортиш хуқуқи сақланиб колади. Белгиланган муддат ўтгандан сўнг тўловчи томонидан раддия аризаси келиб тушмаса, тўлов тўланганлигича қолади.

Лекин иқтисодиётнинг ривожланишининг турли даврларида акцептнинг ҳар хил турлари қўлланилади. Масалан, ҳисоб-китобларнинг даврини бир мунча қисқартириш мақсадида 1991 йилгача асосан сўнгги акцепт ишлатилар эди, фақат қонун-қоидаларда кўрсатилган ҳоллардагина олдиндан акцептга йўл қўйилар эди. Дебет авизоларига йўл қўйилмаётгани сабабли ҳозирги кунда фақатгина олдиндан акцепт тури ишлатилмоқда.

Ҳисоб-китобларнинг акцепт, яъни тўлов талабномалари орқали ўтказиладиган шаклида ишлатиладиган асосий ҳужжат бу - тўлов талабномасидир. Тўлов талабномалари маҳсулот етказиб берувчи томонидан белгиланган №0505411001 шаклдаги бланкаларда банкка тақдим этилади. Тўлов талабномалари қуйидаги ҳолларда ишлатилиши мумкин:

а) юклаб жўнатилган товарлар учун;

б) бажарилган ишлар учун;

в) кўрсатилган хизматлар учун;

г) амалдаги қонунчиликда, меъёрий ҳужжатлар ёки шартномада кўзда тутилган бошқа тўловлар учун.

Тўлов талабномасида маҳсулот етказиб берувчи томонидан талабнома номери, у тўлдирилган сана, шу корхона номи, унинг ҳисоб варақ номери, хизмат кўрсатувчи банк номи, банкининг коди, тўловчи корхонанинг номи,

унинг банкдаги ҳисобварақ номери, тўловчига хизмат кўрсатувчи банк номи ва коди, тўлов суммаси ва тўлов мақсади кўрсатилади. Ҳужжатларда кўрсатилиши лозим бўлган умумий реквизитлардан ташқари тўлов талабномасида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

а) шартнома санаси ва номери;

б) маҳсулотларни юклаб жўнатиш санаси ва товар-транспорт ёки қабул қилиш, топшириш ҳужжатлари ва транспорт тури, товарлар почта ва телекоммуникация агентлиги орқали жўнатилганда эса - почта квитанцияларининг номери;

Агар маҳсулот уни сотиб олувчининг транспорт воситаси билан олиб кетилса, талабноманинг алоҳида ажратилган жойида юк уни сотиб олувчининг ўз транспорти билан олиб чиқиб кетилгани ҳамда ишончноманинг номери кўрсатилади. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, маҳсулот контракция шартномалари асосида реализация қилинади. Контракция шартномалари бўйича маҳсулот етказиб беришда тўлов талабномасининг юқори қисмида яъни талабнома деб ёзилган сўз ёнига «Контракция шартномаси» деб кўрсатилиши лозим. Тўлов талабномасининг пастки, алоҳида ажратилган қисмида махсулот жўнатувчи корхона раҳбари ва бош бухгалтернинг имзолари ва корхонанинг муҳр изи қўйилади.

Тўлов талабномаси махсулот юклаб жўнатилгандан кейин шартномада белгиланган муддатдан кечиктирилмасдан банкка инкассога топширилади. Махсулот етқазиб берувчи битта операция бўйича талабномаларни инкассо учун қайта тақдим қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Умуман, тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китобларни расмийлаштириш ва ҳисобга олиш ишларини 3 босқичга бўлиб кўриб чиқамиз:

1-босқич. Маҳсулот етқазиб берувчи банкида тўлов талабномасини инкассога қабул қилиниши.

2-босқич. Маҳсулот олувчи банкида тўлов талабномаларини тўлаш бўйича операциялари.

3-босқич. Маҳсулот етказиб берувчи банкида тўловни қабул қилиш бўйича операциялар.

Тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китобларнинг хар бир босқичини алоҳида кўриб чиқамиз.

1. Маҳсулот етказиб берувчи банкида тўлов талабномасини инкассога қабул қилиниши.

Тўлов талабномаси маҳсулот жўнатилгандан сўнг шартномада белгиланган муддатларда маҳсулот жўнатувчи корхона томонидан рўйхат, яъни реестр асосида банкка инкассога топширилади.

Рўйхат тўлов талабномаларининг барча реквезитларини ўз ичига олган ҳолда икки нусхада тўлдирилади. Рўйҳатнинг биринчи нусхаси корхонанинг раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланиб мухрнинг изи билан расмийлаштирилиши лозим. Рўйхатнинг биринчи нусхаси қабул қилинган сана, масъул ижрочи имзоси қўйилгандан сўнг, банкнинг туртбурчак мухр изи туширилиб банкда қолдирилади. Рўйхатнинг иккинчи нусхаси эса қабул

қилинган сана, масъул ижрочи имзоси қўйилиб, банкнинг тўртбурчак мухр изи туширилиб маҳсулот етказиб берувчига қайтарилади.

Тўлов талабномалари 3 нусхада тўлдирилади. Агар махсулот етказиб берувчи ва тўловчи томонларга битта банк бўлими хизмат кўрсатса талабнома 3 нусхада тақдим этилади. Бу ҳолда тўлов талабномаларнинг ҳар бир нусхалари қуйидагича ишлатилади:

-биринчи нусха тўловлар амалга оширилгандан кейин банк масъул ижрочиси томонидан имзо, тўлови амалга оширилган сана, банкнинг тўртбурчак муҳр изи туширилган ва қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади;

-иккинчи нусхаси тўловни олувчининг ҳисоб варағига илова сифатида масъул ижрочи томонидан имзо, тўлов амалга оширилган сана, банкнинг тўртбурчак мухр изи қўйилган ва қабул қилинган сана кўрсатилган ҳолда берилади;

-учинчи нусха қабул қилиш санаси, тўловни амалга ошириш санаси, масъул ижрочининг имзоси ва банк тўртбурчак муҳр изи қўйилган ҳолда тўловчига унинг ҳисоб варағидан кўчирма билан биргаликда берилади.

Агар тўловчи ва маҳсулот етказиб берувчи бир ҳудуд ичидаги ёки турли ҳудудларда жойлашган турли банк бўлимлари хизматидан фойдалансалар, бу ҳолда ҳам тўлов талабномалари 3 нусхада банкка тақдим этилади. Уларнинг барча нусхалари почта алоқаси ёки курьерлар орқали тўловчи банкига жўнатилади.

2. Маҳсулот олувчи банкида тўлов талабномасини тўлаш бўйича операциялар.

Тўловчи корхона банкига маҳсулот етказиб берувчи корхона банкидан уччала нусха тўлов талабномаси почта алоқаси ёки курьерлар орқали келиб тушади. Тўлов талабномалари томонлар ўртасида тузилган шартномага асосан акцептлаш тартибида ёки акцептламасдан тўланиши мумкин. Банк томонидан талабномаларни акцептлаш учун 3 кун ёки 5 кун мухлат берилади. Лекин корхонанинг илтимосига кўра банк бу муддатни 10 кунгача чўзиши мумкин. Талабнома банкка келганда талабномаларни рўйхатга олиш журналида қайд этиб мижознинг имзоси қўйилади. Шундан сўнг акцептлаш тартибида тўланадиган талабномаларнинг биринчи ва иккинчи нусхаси тўлов учун акцептлашни кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари картотекасига жойлаштирилади. Бу картотека банкда 1-картотека деб юритилади. Агар мижоз 10 кун ичида банкка келмаса талабнома картотекага жойлаштирилмайди, ижросиз мол сотувчи банкига қайтарилади. Талабноманинг учинчи нусхаси товар-транспорт ҳужжатлари билан бирга кейинги иш кунидан кечиктирилмасдан ҳужжатни акцептлаш учун қабул қилинган сана кўрсатилган ҳолда ва тўлов тўғрисида маълумот сифатида тўловчига берилади. Агар банкда 1-картотеканинг ҳисобини юритиш дастурий йўл билан олиб борилмаса, бундай талабномалар қабул қилинган куни «Тўлов учун акцептланиши кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари»ни ҳисобга олиб бориш дафтарида икки

нусхада қуйидаги реквизитларни кўрсатган ҳолда банк томонидан қайд этилади:

-тўлов талабномасининг банкка келиб тушиш санаси ва тўлов муддати;

-тўловчининг ҳисоб варақ номери;

-тўловчининг номи;

-банк коди;

-талабноманинг номери;

-тўлов мақсади ва суммаси;

Тўлов талабномасини 1 картотекага жойлаштиришда қуйидаги балансдан ташқари проводка бажарилади. Дт 90962 «Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари», Кт 96319 «Контр. ҳисобварақ».

Дафтарда ҳар бир тўлов муддати бўйича талабнома суммалари ва бу суммаларнинг йиғиндилари кўрсатилган бўлиши лозим. 1-картотеканинг ҳисоби дастурий йўл билан амалга оширилса, талабнома бўйича кўрсатилган реквезитлар компьютерга киритилади.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, тўловчи тўлов талабномасининг учинчи нусхасини олгандан кейин, унинг тўғри расмийлаштирилганлигини, шартнома шартларига тўғри келиш-келмаслигини текшириб чиқади. Тўловчи белгиланган муддатда товар моддий қийматликларни жўнатишда, хизматлар кўрсатишда амалдаги қонуний ҳужжат талабларига ҳамда шартнома шартларига амал қилинмаган холларда талабномани қисман ёки тўлиқ тўлашдан бош тортиши мумкин. Бунинг учун банкка ёзма равишда раддия аризаси топширилиши лозим. Агар белгиланган муддатда банкка раддия аризаси топширилмаса, яъни ёзма равишда акцептлашни рад этмаса талабнома акцептланган бўлиб ҳисобланади. Акцептлашни рад этиш хуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар доирасини банк бўлими бошқарувчиси белгилайди. Банклар акцептлашни рад қилиш моҳияти бўйича келиб чиққан бахс ва низоларга аралашмайдилар.

Тўлов талабномасини тўлашдан бош тортиб ёзилган раддия аризаси тўловчи томонидан банкка топширилганда талабномалар шу куннинг ўзидаёқ 1 картотекадан олинади ҳамда товар-транспорт ҳужжатлари ва бошқа иловалар билан бирга маҳсулот етказиб берувчи корхона банкига ижросиз қайтариб юборилади. Тўловчи талабномани акцептлашдан қисман бош тортганда, тўловчи томонидан акцептланган сумма бўйича тўловлар ўтказилади. Тўловчи ҳисобварағида талабноманинг акцептланган қисмини тўлашга етарли пул маблағлари бўлмаганда талабнома «Муддатда тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари» картотекасига жойлаштирилади. Бу картотека 2-картотека деб юритилади. Бунда талабноманинг дастлабки суммаси ўчирилади ва ёнида тўловчи акцептлаган сумма ёзиб қўйилади. Картотекага кирим қилинган сумма тўловчи корхона ҳисобварағига пул маблағлари келиб тушгандан сўнг тўланади.

Агар 1-картотекага жойлаштирилган тўлов талабномаси бўйича тўловчи томонидан раддия аризаси келиб тушмаса, тўлов талабномаси акцептлаш учун берилагн 3 кун муҳлат ўтгандан сўнг тўланади. Тўлов талабномасини тўлашдан аввал тўловчи корхонанинг депозит ҳисоб варағини юритувчи масъул ижрочи талабномани тўлаш учун етарли пул маблағларининг тўловчи ҳисоб варағида

мавжудлигини текширади. Агар депозит ҳисоб варағида етарли пул маблағлари бўлса, талабанома тўланади. Тўлов талабномасини тўлаш қуйидаги бухгалтерия ёзуви орқали амалга оширилади:

Дебет 20210 «Давлат тасарруфидаги корхонанинг талаб қилингунча сақланадиган депозит ҳисоб варағи»

Кредит 10301 ёки 16103 «Тижорат банкининг вакиллик ҳисобварағи»

Баланс ичидаги ҳисоб варақлар бўйича бажарилган ушбу бухгалтерия ёзувлари билан бир қаторда балансдан ташқари кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлар бўйича ҳам бухгалтерия ёзувлари бажарилади, 1 картотекадаги тўлов талабномасининг ўзи картотекадан олинади ва ҳисобдан чиқарилади:

Дебет 96319 «Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича контр. ҳисоб варақ»

Кредит 90962 «Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари»

Бу бухгалтерия ёзувига карама-қарши бўлган ёзув тўлов талабномасини 1-картотекага қабул қилинган пайтда бажарилади, яъни тўлов талабномасининг 1-картотекага кирим қилинганлигини билдиради. Юқоридаги бухгалтерия ёзуви эса талабноманинг картотекадан олинганлигини билдиради.

Тўланган талабнома электрон тўловлар тизими ёрдамида Марказий банк қошидаги Ҳисоб Маркази орқали маҳсулот сотувчи банкига ўтказилади. Талабноманинг ушбу нусхаси банкнинг кундалик ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади ва белгиланган тартибда сақланади.

Лекин ҳар доим ҳам тўловчи корхонанинг ҳисоб варағида тўлов талабномасини тўлашга етарли пул маблағлари бўлмаслиги мумкин. Тўловчининг депозит ҳисоб варағида маблағ бўлмаганда талабномалар 2-картотекада тўловни кутаётган ҳужжатлар қаторига жойлаштирилади, бу ҳақда маҳсулот етказиб берувчи банкига хабар берилади. Талабнома 2 картотекага жойлаштирилганда балансдан ташқари кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисоб варақлари бўйича қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади:

Дебет 90963 «Муддатда тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлар»

Кредит 96321 “Муддатда тўланмаган ҳисоб-китоб”

Тўлов талабномаси 2-картотекада тўловчи корхонанинг талаб қилингунча сақланадиган депозит ҳисобварағига талабномани тўлашга етарли пул маблағлари келиб тушгунча сақланади. Пул келиб тушгандан сўнг, келиб тушган маблағлар доирасида меъёрий ҳужжатларда ўрнатилган тартибда тўлов амалга оширилади. Тўлов ўтказиш бўйича қуйидаги бухгалтерия ёзуви бажарилади:

Дебет Маҳсулот сотиб олувчининг депозит ҳисоб варағи

Кредит Тижорат банкининг вакиллик ҳисоб варағи

Бу ерда маҳсулот сотувчи турли мулкчлик шаклдаги хўжалик юритувчи субъект бўлиши мумкин. Юқорида тўлов талабномаси тўланганда давлат тасарруфидаги корхонанинг депозит ҳисоб варағи орқали операция ўтказилган ҳолни кўрган эдик. Баланс ичидаги бухгалтерия ёзувини бажаришдан аввал ҳужжат 2-картотека ҳисобидан чиқарилади, бу операция қуйидаги бухгалтерия ёзуви асосида амалга оширилади:

Дебет 96321 Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича контр. ҳисоб варақ

Кредит 90963 «Муддатда тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари»

Банк 2-картотекадаги муддати ўтказиб юборилагн ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича тўловларни амалга оширишда тўловчилардан пеня ундириш ва олувчилар фойдасига ўтказиш хуқуқига эга, агар бу банк ва мижоз ўртасида тузилган шартномада келишилган бўлса. Банк тўловчилардан маблағларни олувчилар фойдасига муддати ўтказиб юборилагн тўловлар бўйича муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун конунда белгиланган миқдорда пеня ундиради. Муддати ўтказиб юборилган кунларни белгилашда календарь кунлар ҳисобга олинади. Ундирилган пеня муддати ўтказиб юборилган тўловнинг асосий суммаси билан тўловчининг ҳисобварағидан ҳисобдан чиқазилади ва маҳсулот етказиб берувчининг банкига электрон тўловлар тизими орқали ўтказилади.

Баъзи вақтларда тўлов талабномасини тўлаш учун тўловчи корхонанинг розилиги, яъни акцептлаши талаб этилмайди. Тўловчиларнинг ҳисобварақларидан маблағларни акцептламасдан ҳисобдан чиқариш томонлар ўртасида тузилган шартномага асосан коммунал хизмат, телефон, канализация, почта-телеграф харажатлари ҳамда ташилган мусор учун амалга оширилади. Коммунал хизматлар учун тўловлар ва ўлчов асбоблари газ, сув, иссиқлик ва электр-энергияси учун ҳисобланади. Бундай акцептсиз тўловларни амалга ошириш учун банкка тақдим қилинган тўлов талабноманинг юқори қисмига «акцептсиз» ҳамда “ҳисоблаш асбоблари асосида” деган сўзлари кўрсатиб ўтилган бўлиши лозим. Ушбу ёзувлар бўлмаган тақдирда талабномалар умумий асосда акцептланади ва тўланади. Талабномада маълум тўловларни акцептламасдан ҳисобдан чиқариш хуқуқига эга бўлган конуний ҳужжат ёки шартноманинг санаси, номери ва тўловнинг мақсади кўрсатилиши шарт. Бунда банк илова қилинган ҳужжатларнинг талабномада кўрсатилган уларнинг реквезитларига мослигини текшириб кўради.

Банк операцион куни келиб тушган акцептсиз тўланадиган талабномалар шу куннинг ўзида тўланади. Тўловчи корхонанинг депозит ҳисоб варағида талабномани тўлаш учун маблағлар йўқлиги ёки камлиги аниқланса ҳамда уларни тўлаши учун банк кредитини бериш имконияти бўлмаганда, тўланмаган сумма «Ўз муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари» картотекаси бўйича алоҳида ҳисоб вараққа ўтказилади, талабноманинг ўзи эса 2-картотекага жойлаштирилади.

Операцион кун тугагандан сўнг банкка келиб тушган тўлов талабномалари кейинги иш куни тўланади. Бундай талабномаларга «Кечки» деган белги қўйиб қўйилади. Умуман акцептсиз тўланган ёки 2-картотекага жойлаштирилган талабномалар бўйича бухгалтерия ёзувлари акцептлаш тартибда тўланадиган талабномалар сингари амалга оширилади.

3. Маҳсулот етказиб берувчи банкида тўловни қабул қилиш бўйича операциялар.

Тўловчи корхона банкида тўланган тўлов талабномаси «Электрон почта» электрон тизими орқали Марказий банк қошидаги Ҳисоб Марказига узатилади. Ҳисоб Марказида тўловчи корхона банкининг вакиллик ҳисобварағидан тўлов талабномасида кўрсатилган пул суммаси махсулот етказиб берувчи банкининг корреспонденция ҳисобварағига ўтказилади. Электрон тўлов тизими орқали олинган электрон талабномалар маблағлари олувчи банкда икки нусхада қоғозга чиқарилади. Уларнинг биринчи нусхаси банк масъул ижрочисининг имзоси ва банк муҳри қўйилиб кундалик ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади ва белгиланган тартибда сақланади. Талабноманинг иккинчи нусхаси банк масъул ижрочисининг имзоси ва банк мухри қўйилган ҳолда маҳсулот етказиб берган корхонанинг депозит ҳисоб варағига илова сифатида қўшиб берилади. Шу билан бирга бу корхонага ҳисоб варақдан қўчирма ҳам берилади. Маҳсулот етказиб берувчи банкида тўловчи банкидан келиб тушган тўлов суммаси қуйидаги бухгалтерия ёзуви орқали маблағ олувчининг ҳисобварағига ўтказиб қўйилади:

Дебет Тижорат банкининг вакиллик ҳисоб варағи

Кредит Маҳсулот етказиб берувчининг депозит ҳисоб варағи

Бу ерда маҳсулот етказиб берувчи давлат тасарруфидаги, давлат тасарруфидан ташқаридаги турли мулкчилик шаклларига қарашли корхоналар бўлиши мумкин. Шунга кўра уларнинг ҳисоб варақ номерлари белгиланади. Ушбу бухгалтерия ёзуви маҳсулот етказиб берувчи корхонанинг ҳисобварағига сотилган маҳсулоти учун пул маблағларининг келиб тушганлигини билдиради.

Тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китоблар умумлашган ҳолда кандай амалга оширилишини тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳужжатлар айланиши схемаси орқали яққол кўриш мумкин.

1. Маҳсулот жўнатувчи корхона билан маҳсулот олувчи корхона ўртасида хўжалик шартномаси тузилади.

2. Маҳсулот жўнатувчи корхона маҳсулот олувчи корхонага товар жўнатади.

3. Маҳсулот жўнатувчи корхона ўзига хизмат кўрсатувчи банк бўлимига тўлов талабномаси ва товар-траспорт ҳужжатларини тақдим қилади.

4. Маҳсулот жўнатувчи корхона банки маҳсулот олувчи корхона банкига почта ёки курьерлар орқали ҳужжатларни жўнатади.

5. Маҳсулот олувчи корхона банки келиб тушган тўлов талабномасини акцептлаш учун маҳсулот олувчи корхонага беради.

6. Корхона ўз банкига акцептланган талабномани тақдим этади.

7. Маҳсулот олувчи корхона банки талабномада кўрсатилган суммани тўловчи корхона ҳисоб варағидан чегириб, талабнома бўйича тўловни амалга оширади.

8. Маҳсулот олувчи корхона банки Ҳисоб Марказига тўланган электрон тўлов талабномасини модем орқали жўнатади.

9. Ҳисоб Маркази электрон тўлов тизими орқали тўланган талабномани маҳсулот сотувчи корхона банкига ўтказади. (Ҳисоб Марказида бўладиган

операциялар бошқа мавзуда батафсил кўрилиши сабабли Ҳисоб Марказида бажариладиган ишлар батафсил ёритилмади.)

10. Маҳсулот сотувчи корхона банки талабнома суммасини маҳсулот сотувчи корхонанинг ҳисобварағига ўтказади.

11. Тўловнинг келиб тушганлигини ҳабар қилиш учун компьютерда чиқарилган электрон тўлов талабномасининг иккинчи нусхасини ҳисобварақдан кўчирма билан биргаликда маҳсулот сотувчи корхонага топширади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг бошқа шакллари каби тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китоблар хам маълум бир афзаллик ва камчиликларга эга. Тўлов талабномалари билан ҳисоб-китобларниг афзалликлари куйидагилардан иборат:

1) Маҳсулот сотувчи билан маҳсулот олувчи томонлар бир-бирини ўзаро назорат қилишга кулай.

2) Маҳсулот олувчига товарни жўнатиш кечиктирилмайди.

3) Мол жўнатувчи билан ҳисоб-китоб қилиш учун маҳсулот олувчининг маблағини алохида ҳисобварақда депонент қилиб кўйиш талаб этилмайди, яъни тўловчининг маблағлари бирор муддатга оборотдан ташқарига чиқиб кетмайди.

4) Тўловчига тақдим этилган ҳужжатлар асосида мол етказиб берувчининг шартнома шартлари қай даражада бажарилишини текшириш ҳуқуқи берилади, шу билан бирга шартнома шартларидан бири бузилган ҳолда тўлов тўлашдан бош тортиш ҳуқуқига эга бўлади.

5) Мол олувчи ҳисоб варағидан акцептсиз талабномалар бўйича маблағларнинг мажбурий олиниши маҳсулот етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатган томон манфаатларига мос келади.

Тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китобларнинг камчиликлари куйидагилар:

1. Маҳсулот сотувчи корхонага тўловнинг ўз вақтида ўтказилиши кафолатланмайди.

2. Тўлов ўтказилиши билан товар жўнатилиши вақтининг бир-бирига мос келмаслиги.

3. Тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китобларда ҳужжатлар айланиши тўлов топшириғига нисбатан узоқроқ давом этади.

Умуман, тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китобларнинг ишлатилиши кўп ҳолларда - 2-картотекадан ўз вақтида тўланмаган тўлов талабномаларнинг кўпайишига шароит яратади, чунки талабнома банкка тўлов учун келиб тушган вақда тўловчининг ҳисобварағидан ҳар доим ҳам тўловни амалга ошириш учун етарли пул маблағлари бўлмайди. Картотекага қўйилган ҳар бир тўлов талабномаси республика ҳалқ хўжалиги дебеторлик ва кредиторлик қарзларининг ошганлигидан далолат беради. Шу сабабли, республика банклари ўз мижозларининг картотекадаги ҳужжатлари ва уларни тўлаш бўйича қандай ишлар олиб борилаётганини назорат қилиб турадилар.

в) Аккредитивлар бўйича ҳисоб-китоблар, уларнинг ҳисобга олиниши ва расмийлаштирилиши

Ҳисоб-китобларнинг аккредитив шакли тўлов оборотида жуда кам улушни ташкил этади. Жўнатилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўловни кафолатлаш мақсадида аккредитив шаклдан фойдаланилади. Аккредитив-мижознинг топшириғига кўра шартнома бўйича унинг контрогенти фойдасига берилаётган банкининг шартли пул мажбуриятидир. Унга кўра аккредитив очган банк маҳсулот етказиб берувчига тўловни бажариши ёки бошқа банклар томонидан аккредитивда кўзда тутилган ҳужжатлар тақдим қилинганда ва аккредитивнинг бошқа шартлари бажарилганда уларга бу тўловларни бажариш учун ваколат бериши мумкин. Аккредетив сўзининг ўзи лотин тилидан олинган бўлиб, «ишончли» деган маънони билдиради. Ҳозирги кунда корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китобларда аккредитивларнинг қуйидаги турлари очилиши мумкин:

-қопланган аккредитив (депонентланган)

-қопланмаган (депонентланмаган)

Аккредитивлар очилганда аккредитив очган банк тўловчининг шахсий маблағидан ёки унга берилган кредит ҳисобидан мол етказиб берувчининг банки тассарруфига алоҳида «Аккредетивлар» баланс ҳисобварағига маблағларни етказиб берса, бундай аккредитивлар қопланган аккредитивлар дейилади. Аккредитив очган банк халқаро қабул қилинган андозалар асосида банк-эмитент деб юритилади.

Аккредитивларнинг иккинчи тури қопланмаган аккредитив бўлиб, банк ва бошқа корхоналар олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажарадиган хўжаликларга бундай аккредитивлардан фойдаланишга рухсат этилади. Қопланмаган аккредитивнинг қопланган аккредитивдан фарқи шундан иборатки, бунда тўловчи корхонанинг пул маблағлари алоҳида ҳисобварақка ўтказиб қўйилиши талаб қилинмайди. Банк тўловчи ҳисобварағида тўлов ҳужжатлари келиб тушганда пул бўлмаган тақдирда банк маблағлари ҳисобидан тўлов беришни кафолатлайди. Аккредитивнинг бу турининг қулайлиги шундан иборатки, мол сотиб олувчининг пул маблағлари оборотдан ташқарига чиқиб кетмайди, иккинчи томонидан мол жўнатувчи корхона учун ҳам тўлов кафолатланган. Фақат банк маблағлари ҳисобидан тўлов амалга оширилганда шартномада келишилган миқдорда ҳақ тўланади.

Қопланган ва қопланмаган аккредитивлар чақириб олинадиган ва чақириб олинмайдиган бўлиши мумкин. Агар аккредитив бўйича ҳужжатларда бу ҳақда белги мавжуд бўлмаса, бундай аккредитивлар чақириб олинувчи бўлиб ҳисобланади. Чақириб олинувчи аккредитив банк-эмитент томонидан маблағларни олувчи билан олдиндан келишиб олинмасдан ҳам ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Масалан, шартномада кўзда тутилган шартларга риоя этилмаганда, банк-эмитент аккредитив бўйича тўловларни кафолатлаш муддатидан аввалроқ воз кечганда ва бошқа холларда аккредитив чақириб олиниши мумкин. Тўловчи маҳсулот етказиб берувчига чақириб олинадиган аккредитивнинг шартларини ўзгариши ёки бекор қилиниши тўғрисидаги барча фармойишларни фақат банк-эмитент орқали бериши мумкин, ушбу банк

маҳсулот етказиб берувчининг банки, яъни бажарувчи банкни, у эса ўз навбатида маҳсулот етказиб берувчи корхонани хабардор қилади. Бажарувчи банк, айни пайтда, маҳсулот етказиб берувчи тақдим этган ва маҳсулот етказиб берувчининг банки томонидан қабул қилинган аккредитив шартларига тегишли бўлган ҳужжатлар бўйича тўловларни мазкур банк аккредитивини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги хабарномани олгунга қадар тўлаши шарт. Маҳсулот етказиб берувчининг розилигисиз, унинг фойдасига очилган чақириб олинмайдиган аккредитив ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас. Маҳсулот етказиб берувчи корхона аккредитив шартларида кўзда тутилган ҳолларда аккредитивни муддатидан олдин ишлатишдан воз кечиши мумкин.

а) Эмитент банкида аккредитивнинг очилиши.

Аккредитив фақат бир таъминотчи билан ҳисоб-китоб қилишга мўлжалланган бўлиши мумкин. Аккредитивнинг муддати ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби томонлар ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

Шартномада:

-эмитент-банкнинг номи;

-аккредитив тури, уни бажариш муддати ва бажариш усуллари;

-мол етказиб берувчининг аккредитив бўйича маблағ олиши учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар рўйхати ва уларнинг аниқ тавсифи;

-товарларни жўнатгандан кейин ҳужжатларни тақдим қилиш муддати;

-мол етказиб берувчи ва олувчи томонлар номи, уларнинг юридик адреслари

-бажарувчи банк номи ва бошқалар кўрсатилади.

Аккредитив очиш учун харидор ўз банкига - банк эмитентга аккредитивларни очиш тўғрисидаги аризани 2 нусхада тақдим этади. Аризада аккредитив очиш учун асос бўлган шартнома рақами, аккредитивнинг амал қилиш муддати, аккредитивни бажарадиган банкнинг номи, аккредитив ижро этиладиган жой, аккредитив тури, аккредитив бўйича ҳақ тўланадиган ҳужжатларнинг тўлиқ ва аниқ номи, расмийлаштириш тартиби, аккредитив бўйича тўлаш усули ва бошқа керакли реквизитлар кўрсатилади.

Банкда ушбу корхонага хизмат кўрсатувчи масъул ижрочи аккредитив очиш ҳақидаги аризани олиб, унинг тўғри ва тўлиқ расмийлаштирилганлиги, барча керакли реквезитларнинг мавжудлигини текшириб кўради. Шундан сўнг қабул қилинган аккредитив очиш хақидаги аризанинг биринчи нусхасига ўз имзосини, банкнинг тўртбурчак мухр изини, аризани қабул қилиш санаси ва тўлов ўтказилган санасини қўяди. Аризанинг биринчи нусхасида кўрсатилган барча реквезитлар компьютерга киритиб электрон тўловлар тизими ёрдамида тўланган суммани Марказий банкнинг Ҳисоб Маркази орқали маҳсулот жўнатувчи корхона банкига, яъни бажарувчи банкка жўнатилади. Харидорнинг ҳисобварағидан тўловни ўтказиш бўйича операциялар куйидаги бухгалтерия ёзувлари орқали амалга оширилади:

Дебет «Маҳсулот олувчи корхонанинг депозит ҳисобварағи»

Кредит «Эмитент банкнинг вакиллик ҳисобварағи»

Бир вақтнинг ўзида аккредитив суммаси аккредитивларни ҳисобга олувчи кўзда тутилмаган ҳоллар ҳисобварағига кирим қилинади. Тўлов ўтказилгандан

сўнг аризанинг иккинчи нусхаси банк масъул ижрочисининг имзоси, банкнинг тўртбурчак мухр изи, тўлов ўтказилган сана ҳамда қабул қилиш санаси қўйилган ҳолда тўловчига шахсий ҳисобварағидан кўчирма билан биргаликда берилади.

б) Аккредитивни бажарувчи банкда аккредитивнинг ёпилиши.

Аккредетивни бажарувчи банк эмитент банкдан электрон тўловлар тизими орқали тўловни қабул қилади. Бу банкда аккредитивларни очиш хақидаги ариза 2 нусхада қоғозга чиқарилади:

-аризанинг биринчи нусхаси банк масъул ижрочиси томонидан имзо ҳамда банкнинг муҳр изи кўйилган ҳолда банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади ва белгиланган тартибда сақланади.

-иккинчи нусхаси «Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари»деб номланган 1-картотекага жойлаштирилади.

Эмитент банкдан қабул қилинган тўлов суммаси 22602 сонли «Мижозларнинг аккредитивлар бўйича депозитлари» ҳисоб варағида ўтказилиб маҳсулот жўнатилиб, бу ҳақда маҳсулот жўнатувчи корхонадан керакли ҳужжат тақдим қилингунга қадар сақланади. Бу операция қуйидаги бухгалтерия ёзуви ёрдамида амалга оширилади.

Дебет 10301 «Бажарувчи банкнинг корреспонденция ҳисобварағи»

Кредит 22602 «Мижозларнинг акредитивлар бўйича депозитлари» ҳисобварағи.

Маҳсулот етказиб берувчи корхонага аккредитив очилганлиги тўғрисида банк хабар беради.

Маҳсулот етказиб берувчи аккредитив бўйича келиб тушган маблағларни ўзининг талаб қилингунча сақланадиган депозит ҳисобварағига ўтказиш учун унга хизмат кўрсатувчи банкка юклаб жўнатиш ва аккредетив шартларида кўзда тутилган бошқа ҳужжатларни тақдим этади. Аккредитив бўйича тўловларни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар аккредитив муддати ўтгунга қадар маҳсулот етказиб берувчи томонидан банкка тақдим этилиши ва аккредитивнинг барча шартларини бажарилганлигини тасдиқлаши шарт. Аккредитив бўйича ҳисоб-китобларда маҳсулот етказиб берувчининг банки маҳсулот етказиб берувчи томонидан аккредитивнинг барча шартларига риоя қилинганлигини ҳамда тасдиқловчи ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш лозим. Ушбу шартларнинг бирортаси бузилганда ёки бажарилмаганда банк аккредитивлар бўйича тўловларни ўтказиши мумкин эмас. Банк томонидан маҳсулот етказиб берувчининг аккредитивлар бўйича ҳисоб варағидаги маблағларни унинг талаб қилингунча сақланадиган депозит ҳисоб варағига мемориал ордер орқали ўтказилади. Мемориал ордер масъул ижрочи томонидан 4 нусхада тўлдирилиб, унда тўлов бўйича шартнома номери, санаси, тўловнинг мазмуни, ҳисоб варақлар номери кўрсатилади. Мемориал ордернинг алоҳида нусхалари қуйидагича ишлатилади:

-мемориал ордернинг биринчи нусхаси бухгалтернинг имзоси, банкнинг тўртбурчак муҳрининг из туширилиб, тасдиқловчи ҳужжатнинг бир нусхаси билан биргаликда банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади;

-мемориал ордернинг иккинчи ва учинчи нусхалари масъул ижрочининг имзоси, банк тўртбурчак муҳрининг изи кўйилиб, тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда банк-эмитентга жўнатилади;

-мемориал ордернинг тўртинчи нусхаси масъул ижрочининг имзоси, банкнинг тўртбурчак муҳр изи қўйилиб маҳсулот етказиб берувчи корхона ҳисоб варағига илова сифатида берилади.

Маҳсулот етказиб берувчи корхонанинг талаб қилингунча сақланадиган ҳисоб варағига мижознинг аккредитивлар бўйича ҳисоб варағидан пул маблағларини ўтказиш қуйидаги бухгалтерия ёзуви орқали амалга оширилади:

Дебет 22602 «Мижозларни аккредитивлар бўйича депозитлар» ҳисоб варағи

Кредит 20200 «Мижозларнинг талаб қилингунча сақланадиган депозитлар» ҳисоб варағи.

Мижозларнинг қайси мулкчилик шаклига асосланганлигига караб 20200 ҳисобварақнинг тегишли ёрдамчи (субсчет) ҳисоб варақ номери олинади.

Шундай қилиб, аккредитив маҳсулот етказиб берувчи корхонага хизмат килувчи банкда қуйидагича ёпилали:

а) аккредитив муддати тугагандан кейин бажарувчи банк аккредитив ёпилганлиги тўғриисида эмитент банкка хабар беради;

б) маҳсулот етказиб берувчининг муддатдан олдин аккредитивни ишлатишдан воз кечиш тўғрсидаги аризасига кўра, маҳсулот етказиб берувчининг кейинги аккредитивдан фойдаланишдан воз кечиши тўғриисдаги аризасига асосан, банк-эмитентга бажарувчи банк томонидан билдиришнома юборилади;

в) сотиб олувчининг аккредитивни қисман ёки тўлиқ чақириб олиш тўғрисидаги аризасига кўра, агар аккредитив шартларида кўзда тутилган бўлса, аккредитивлар эмитент банкдан хабар етиб келган куни 22602 «Мижозларнинг аккредитивлар бўйича депозитлар» ҳисобварағидаги мавжуд маблағлар доирасида тўлиқ ёки қисман копланади. Аккредитивнинг ёпилаётганлиги хақида эмитент банкка хабар берилади.


Аккредитивлар бўйича депозит ҳисобварақлардан нақд пул берилиши, аккредитивларни бошқа шахслар номига ўтказилиши ва қайта расмийлаштирилишига рухсат этилмайди.

Банк эмитент аккредитивни ишлатганлиги тўғрисида бажарувчи банкдан ҳужжатларни олгандан кейин мемориал ордерга асосан кўзда тутилмаган ҳоллар ҳисоб варағадан тўлиқ ҳисобдан чиқаради ва тасдиқловчи ҳужжатларни мемориал ордернинг нусхаси билан биргаликда тўловчи корхонага беради. Кўзда тутилмаган холатлар ҳисоб вараги аккредитив тўлиқ ишлатилмаган ва у сотиб олувчи банкидаги ҳисоб варақка қайтарилганда хам ёпилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган операцияларни куйидаги схема орқали умумлаштирамиз.

5-схема

Аккредитив орқали ҳисоб-китобларда
ҳужжатлар айланиш схемаси



Схемага қуйидагича тавсиф берамиз:

1. Маҳсулот етказувчи ва маҳсулот олувчи ўртасида хўжалик шартномаси тузилади.

2. Маҳсулот олувчи ўз банкига аккредитив очиш ҳақида ариза тақдим этади.

3. Маҳсулот олувчи корхона банки аризага асосан маҳсулот олувчи корхона ҳисоб варағидан тўлов ўтказади.

4. Аккредитив очиш ҳақида электрон ариза Ҳисоб Марказига «Электрон почта» орқали ўтказилади.

5. Ҳисоб Маркази электрон тўлов тизими орқали махсулот олувчи корхона банкининг вакиллик ҳисоб варағидан пул маблағларини маҳсулот сотувчи корхона банкининг вакиллик ҳисоб варағига пул ўтказади.

6. Келиб тушган маблағлар мижозларнинг аккредитивлар бўйича ҳисоб варағида депонентлаштирилади.

7. Аккредитив очилгани хақида маҳсулот етказувчига хабар беради.

8. Мол сотувчи мол олувчи корхонага товар жўнатади.

9. Маҳсулот етказувчи маҳсулот жўнатилганлиги хақидаги ҳужжатларни банкка тақдим этади.

10. Банк депонентланган суммани маҳсулот ҳисоб варағига ўтказади ва аккредитивни ёпади.

11. Бажарувчи банк аккредитивни ёпилганлиги ҳақида эмитент банкка хабар беради.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг аккредитив шаклининг ўз афзаллиги, шу билан биргаликда, бир қатор камчиликлари мавжуд. Аккредитив шакли

бўйича ҳисоб-китоб қилишнинг афзаллик томони шундаки, махсулот етказиб берувчи учун тўлов тўлиқ кафолатланган бўлади. Аккредитив шаклининг камчиликлари эса қуйидагилардан иборат:

-аккредитив шакли бўйича ҳужжатлар айланиши техник жиҳатдан бирмунча қийинроқ;

-транспортга қулай эмас, аккредитив очилган пайтда юкни жўнатиш учун тайёр транспорт бўлмаслиги мумкин, бу эса юк жўнатишни кечикишига олиб келади;

-бу шаклда тўловчининг маблағлари оборотдан қисман четлашади, бошқа ҳисоб-китоблар учун бу маблағлардан фойдаланишга рухсат этилмайди;

-аккредитив бўйича одатда фақат бир мол етказиб берувчи билан ҳисоб-китоб қилинади.

г) Инкассо топшириқномалари бўйича операцияларнинг ҳисоби ва расмийлаштирилиши

Инкассо топшириқномаси - ушбу топшириқномани берган банк мижозининг банк-эмитентга тўловчининг ҳисобварағидан сўзсиз тартибда маблағларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги талабидир. Инкассо топшириқлари қуйидаги ҳолларда ҳисоб-китоблар учун тақдим этилади:

-биринчидан, ўз вақтида тўланмаган солиқларни ундириш учун;

-иккинчидан, давлат бюджетига ўтказиладиган солиқдан ташқари тўловлар, жумладан, пенялар, жарималарни ундириб олиш тўғрисидаги солиқ органларининг фармойишига кўра;

-учинчидан, бюджетдан ташқари фондлардан тўловларни ундириб олишда, агар бу конуний ҳужжатларда кўзда тутилган бўлса;

-тўртинчидан, божхона органларининг қарорига кўра ўз вақтида тўланмаган божхона тўловларини ундириш учун;

-бешинчидан, солиқ идоралари томонидан электр ва иссиқлик энергияси учун муддати ўтган қарздорликларни ундиришда.

Булардан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, шунингдек, хўжалик судининг ижро варақалари ва унга тенглаштирилган ҳужжатлари инкассо топшириқларини расмийлаштириб, банкка топшириш учун асос бўла олади. Ижро ҳужжатларига хўжалик судининг буйруқлари, судлар томонидан берилган ижро варақалари ҳамда нотариуслар томонидан ёзилган устхатларни киритиш мумкин.

Бюджет, божхона ва хуқуқни муҳофаза қилиш органларини тўловни ундирувчи деб юритамиз. Тўловни ундирувчи инкассо топшириқларини ижро ҳужжатларини илова қилган ҳолда тўловни ундириш учун банкка тақдим қиладилар. Агар тўловни ундирувчи ва тўловчи томонлар бир шаҳар ичидаги банк хизматидан фойдалансалар, инкассо топшириғи тўловчининг ҳисоб варағи юритиладиган банк бўлимига топширилади. Агар инкассо топшириғи бошқа шаҳардаги тўловчилар номига расмийлаштирилган бўлса, бу ҳолда ҳужжат ундириб олувчига хизмат кўрсатувчи банк бўлимига топширилиши лозим. Тўловчиларнинг ҳисоб варақларидан маблағлари ҳисобдан чиқариш банк

бўлимлари томонидан ҳужжатларнинг нусхаси бўйича эмас, балки, асл нусхаси ёки дубликати асосида бажарилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фойдасига маблағларни ҳисобдан чиқариш бўйича ҳужжатлар Қонунда белгиланган муддатдан ўтказиб тақдим этилган бўлса, банк бўлимлари ушбу ҳужжатларни инкассо учун қабул қилмайдилар. Ижро ҳужжатларининг бажарилиш муддатлари куйидагича белгиланган:

-судлар томонидан берилган ижро варақалари бўйича - 3 йил;

-ижро устхатлари бўйича, агар қонунчилик томонидан бошқа муддат кўрсатилмаган бўлса - 3 йил;

-хўжалик судларининг ижро варақалари бўйича - 6 ой;

хўжалик судининг судьяси томонидан берилган суд буйруғи бўйича ундириб олиш, буйруқ берилган кундан бошлаб - 10 кун муддат давомида амалга оширилади.

Давлат суғуртаси, ижтимоий суғурта идоралари, давлат бюджети фойдасига маблағларни ўтказиб бериш ҳужжатлар банк томонидан амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда қабул қилинади.

Инкассо топшириқномаси банк бўлимига ундириб олувчи томонидан 0505411013 шаклда 3 нусхада топширилади. Ундириб олувчи ва тўловчи томонларга битта банк бўлимида хизмат кўрсатилса инкассо топшириқномаларининг алоҳида нусхалари қуйидагича ишлатилади:

-биринчи нусха тўловлар амалга оширилгандан кейин банк масъул ижрочиси томонидан имзо, банкнинг тўртбурчак муҳр изи, тўлов амалга оширилган сана, қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади.

-иккинчи нусхаси ижро ҳужжатлари билан бирга тўловчининг ҳисоб варағига илова сифатида масъул ижрочи томонидан имзо, тўлов амалга оширилган сана, банкнинг тўртбурчак муҳрининг изи туширилган ва қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда тўловчига берилади;

-учинчи нусхаси банк бўлимининг тўртбурчак муҳр изи туширлган, масъул бажарувчи томонидан имзо, тўлов амалга оширилган сана ва қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда тўловни олувчига берилади.

Ундириб олувчи ва тўловчига бир шаҳар ичидаги турли банклар хизмат кўрсатганда ҳам инкасса топшириқномаси 3 нусхада расмийлаштирилиб, ундириб олувчи томонидан бевосита тўловчи корхона банкига топширилади. Инкассо топшириқномасининг алоҳида нусхалари қуйидагича ишлатилади:

-биринчи нусха тўловлар амалга оширилгандан кейин банк масъул ижрочиси томонидан имзо, тўлов амалга оширилган сана, банкнинг тўртбурчак муҳри изи туширилган ва қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади ва белгиланган тартибда сақланади;

-иккинчи нусхаси ижро ҳужжатлари билан биргаликда тўловчининг ҳисоб варағига илова сифатида масъул ижрочи томонидан имзо, тўлов амалга оширилган сана, қабул қилиш санаси кўрсатилган ва банкнинг муҳр изи туширилган ҳолда тўловчига берилади;

-учинчи нусхаси банк бўлимининг тўртбурчак муҳр изи туширилган, масъул ижрочининг имзоси, тўлов амалга оширилган сана, қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда тўловни олувчининг ўзига инкассо топшириқномасининг ижро учун банк томонидан қабул қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида қайтарилади.

Амалиётда шундай ҳоллар ҳам бўладики, бунда тўловни ундирувчи ва тўлов тўловчи турли шаҳарларда жойлашган бўлиб, уларга турли банклар хизмат кўрсатади. Бундай шаҳарлараро ёхуд, ҳудудлараро операциялар банклараро ҳисоб-китоблар орқали амалга оширилади. Шаҳарлараро ҳисоб-китобларда инкассо топшириқлари ундирувчиларга хизмат кўрсатувчи банк бўлимларига ундирувчи томонидан топширилади. Бу ҳолда инкасса топшириғи 3 нусхада расмийлаштирилиб банкка топширилади. Унинг биринчи ва иккинчи нусхалари ижро ҳужжатлари билан бирга почта алоқаси орқали тўловчининг банкига жўнатилади. Топшириқномани жўнатишдан аввал унга масъул ижрочи томонидан имзо, ҳужжатнинг қабул қилиниш санаси қўйилади ҳамда банкнинг тўртбурчак муҳр изи туширилади. Инкассо топшириқномасининг учинчи нусхаси банк бўлимининг тўртбурчак муҳр изи туширилган, масъул ижрочининг имзоси, қабул қилиш санаси қўйилган ҳолда ундирувчига қайтарилади.

Инкассо топшириқномалари бўйича ҳисоб-китобларда бажариладиган бухгалтерия ёзувлари ундирувчи ва тўлов тўловчиларга хизмат кўрсатувчи банкларнинг жойлашувига боғлиқ. Агар ҳар икки томонга битта банк бўлими хизмат кўрсатса, инкассо топшириқномасини тўлаш қуйидаги бухгалтерия ёзуви орқали бажарилади:

Дебет «Тўловчи корхонанинг талаб қилингунча сақланадиган депозит» ҳисоб варағи.

Кредит «Ундирувчининг талаб қилингунча сақланадиган депозит» ҳисоб варағи.

Ҳисоб варақ номерлари ундирувчилар ва тўловчиларнинг қайси мулкчилик шаклига тегишлигига кўра белгиланади. Бу бухгалтерия ёзуви тўловчи корхона ҳисобварақларидан маблағларнинг ундирувчи томоннинг банкдаги ҳисобварағига ўтказилганлигидан далолат беради.

Тўлов тўловчи ва ундирувчи томонлар бир шаҳар ичидаги турли банклар хизматидан фойдалансалар, ундирувчи томон инкассо топшириғини тўловчи банкига 3 нусхада топширади. Топшириқноманинг тўғри ва тўлиқ расмийлаштирилганлиги, унинг барча реквезитларининг мавжудлиги, шу билан бирга, тўловчининг ҳисоб варағида ушбу топшириқномани тўлаш учун пул маблағларининг етарлилиги банк масъул ижрочиси томонидан назорат қилинади. Шундан сўнг, биринчи нусха асосида қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дебет «Тўловчи корхонанинг талаб қилингунча сақланадиган депозит» ҳисоб варағи.

Кредит «Тўловчи корхонага хизмат қилувчи банкнинг вакиллик ҳисоб варағи».

Тўлов электрон тўлов тизими орқали Ҳисоб Марказига ўтказилади. Инкассо топшириқномаларининг бошқа нусхалари юқорида кўрсатиб ўтилганга мувофиқ ишлатилади.

Тўлов тўловчи ва ундирувчи томонларга турли шаҳардаги турли банклар хизмат кўрсатсалар, ундирувчига хизмат кўрсатувчи банк инкассо топшириғини ижро ҳужжатлари билан биргаликда почта алоқаси орқали тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка жўнатади. Тўловчининг банки келиб тушган ҳужжатларнинг тўланиши мумкинлиги ва тўғри расмийлаштирилганлигини текшириб юқорида бухгалтерия ёзувини ўтказади ва электрон тўлов тизими орқали Ҳисоб Марказига тўловни жўнатади. Ҳисоб Маркази орқали тўлов ундирувчига хизмат кўрсатувчи банкнинг вакиллик ҳисобварағига келиб тушади. Бир вақтнинг ўзида келиб тушган пул маблағлари ундирувчи томоннинг ҳисобварағига ўтказилади. Бу операция куйидаги бухгалтерия ёзуви орқали акс эттирилади:

Дебет «Ундирувчига хизмат қилувчи банкнинг вакиллик ҳисобварағи»

Кредит «Тўловни ундирувчининг талаб қилингунча сақланадиган депозит» ҳисобварағи.

Ундирувчи банкида электрон тўлов тизими орқали қабул қилинган электрон инкассо топшириқномаси 2 нусхада қоғозга чиқарилади. Уларнинг биринчи нусхаси банкнинг муҳр изи ва масъул ижрочининг имзоси қўйилиб, кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади. Иккинчи нусхаси эса банк муҳр изи ва масъул ижрочининг имзоси қўйилган ҳолда ундирувчининг ҳисоб варағига илова қилиб берилади.

д) Чеклар билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси банклари хўжалик субъектлари ва аҳоли ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширади. Товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоблар ўтказишда чеклардан фойдаланиш мумкин. Аҳолига банклар томонидан чакана ва кооператив савдо ҳамда хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан товарлар ва бажарилган ҳизматлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш учун чеклар берилади.

Ҳисоб-китоб чеки бу ҳисобварақ эгаси (чек берувчи) ўз ҳисобварағидан олувчининг (чек эгаси) ҳисобварағига чекда кўрсатилган суммадан маблағларни ўтказиб бериш учун банкининг махсус бланкасида банкка берган топшириғидир. Чек бланкалари типографик йўл билан тижорат банклари буюртмасига кўра уларнинг фаолияти учун етарли бўлган миқдорда тайёрланади. Бунда чеклар белгиланган намунадаги 0505411005 шаклда ҳар бир банк учун алоҳида бўлган банк номи ва фирма белгисидан ташқари барча зарурий реквезитларга эга бўлиши шарт. Ҳисоб-китоб чекларини ёзиб беришда уларнинг бошланғич суммасини тижорат банклари томонидан мустақил равишда аниқланиб, юқори суммаси Республика Марказий банки томонидан белгиланади. Чекнинг амал қилиш муддати эса тижорат банклари томонидан мустақил белгиланади.

Чеклар омонат қўювчи жисмоний шахснинг депозит ҳисобварағида сақланаётган маблағлар ҳисобига ёки топширилган нақд пул суммасига берилади.

Ҳисоб-китоб чеки 2 қисмдан иборат:

-биринчи қисми ҳисоб-китоб чеки;

-иккинчи қисми корешок.

Чекнинг корешоги чекнинг биринчи қисмида кўрсатилган суммаларини тасдиқлаш учун белгиланган назорат рақамларини ўз ичига олади. Банк ходими ҳисоб-чекини беришда куйидаги реквезитларни тўлдириб бериши лозим:

-чек берилган сана;

-чек бўйича тўланиши лозим бўлган суммани рақамлар ва сўз билан;

-ҳисоб-китоб чекига номи ёзиб берилаётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;

-унинг паспортининг серияси ва номери;

-чек берувчининг депозит ҳисобварағи номери;

-чек берган банк бўлимининг номи ва коди;

-чекнинг амал қилиш муддати.

Кўрсатиб ўтилган барча реквезитлар тўлдирилган сўнг, банкнинг масъул ходими ҳисоб-китоб чеки ва корешокка имзо қўяди ва ҳисоб-китоб чекининг кесиш чизиғида қолган сонлар ҳисоб-китоб чеки суммасига мос келиши учун ҳисоб-китоб чеки назорат сонлар ҳошияси бўйча корешокни ажратади ҳамда муҳр билан мустахкамлайди. Шундан сўнг, чек олувчи мижоз чекни олганлиги ҳақида корешокка ўз имзосини кўяди.

Банкнинг масъул ходими алоҳида дафтарга ҳисоб-китоб чекининг серияси, номери, номига чек ёзиб берилган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва чек суммасини ёзиб қўйиши лозим. Бунда ушбу чек омонат бўйича ҳисобварақда сақланаётган маблағлар ёки депозит ҳисобварақдан кўчирилган ёхуд нақд пулларда қўйилган маблағлар ҳисобига берилганлигини алоҳида кўрсатиб ўтиши шарт.

Банк чек берганда жисмоний шахснинг аризасига кўра чекнинг суммасига 20206 «Жисмоний шахсларнинг талаб қилингунча сақланадиган депозитлари» алоҳида ҳисобварағини очади ва тўловлар мана шу ҳисобварағдан амалга оширилади. Масъул банк ходими барча расмийлаштириш ишларини бажаргандан сўнг чекни корешоги билан биргаликда кассирга беради. Кассир масъул ижрочидан барча зарурий ҳужжатларни олгандан сўнг аввало, ҳужжатларда бажарилган ёзувларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини текширади ва уларни имзолайди. Агар ҳисоб-китоб чеки нақд пул ҳисобидан расмийлаштирилган бўлса, чекни олувчидан нақд пулларни ва чек учун тўловни қабул қилади. Пулнинг тўғрилилига ишонч ҳосил қилгач, чек ва омонат дафтарчасининг алоҳида белгиланган жойга ўз имзосини қўйиб чекни омонат дафтарчаси билан биргаликда ҳисоб-китоб чекни олувчига топширади. Чекнинг корешок қисми эса операцион кун охирига қадар кассирнинг ўзида қолади.

Операцион кун охирида банк кассири бандероллардаги ҳисоб-китоб-чекларининг корешокларида белгиланган реквезитлар билан, нақд пулларда

қабул қилинган суммани ва омонатлар бўйича ҳисобварақлардан ҳисобдан чиқарилган суммани кўрсатади. Шундан сўнг чек корешогини масъул ижрочига топширади.

Ҳисоб-китоб чекини расмийлаштириш даврида хатога йўл қўйилиши мумкин. Агарда ҳисоб-китоб-чекини тўлдиришда хатога йўл қўйилса, унда ушбу чек варақаси бузилган ҳисобланади ва унинг ўрнига ҳисоб-китоб чекининг янги варақаси тўлдирилади. Бундай ҳолларда ҳисоб-китоб чеки қуйидаги тартибда ҳисобдан чиқарилади:

-харфлар билан ёзилган «Ҳисоб-китоб» сўзидан бир қисми қирқиб олинади;

-чек варақасининг ўртасига «бузилган» деган устхат ёзилади ва ушбу ёзув ёзилган сана кўрсатилади;

-чек варағига кассир ва бош бухгалтер томонидан имзо қўйилади.

Тижорат банкларида қабул қилинган чекларнинг ҳисоби қимматбаҳо бланкларнинг харакати ҳисобини юритишга доир дафтарда олиб борилади ва балансдан ташқари кўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича 93609 «Сақланаётган қимматбаҳо буюмлар» ҳисоб варағида ҳисобга олиб борилади. Шу кун давомида ишлатилган чек варақалари чиқим ордери бўйича 93609 «Сақланаётган қимматбаҳо буюмлар» ҳисоб варағидан ҳисобдан чиқарилади.

Чекни олган жисмоний шахс сотиб олаётган товари ёки кўрсатилган хизмат учун ҳисоб-китоб чеки билан ҳисоб китоб қилиши мумкин. Ҳисоб-китоб чекини қабул қилиш ваколатига эга бўлган савдо ташкилоти ходими маҳсулот тўлови учун чекни қабул қилаётганда чек белгиланган намунадаги бланкада расмийлаштирилганлигини назорат рақамлари чекда ёзилган суммага мувофиқлигини, чек муддати ўтказиб юборилмаганини, унда банк бўлими муҳрнинг аниқ изи ва банк ходимларининг имзоси мавжудлигини текшириб кўради. Шу билан бирга, чек берувчининг паспортини ҳам олиб чекда кўрсатилган паспорт серияси ва номерлари билан солиштириб кўради. Чек бўйича текширув бажарилгандан сўнг ҳисоб-китоб чекининг орқа томонига савдо ходими савдо ташкилотининг белгисини кўяди. Чек маҳсулот учун тўлов сифатида қабул қилинган бўлиб ҳисобланади.

Ҳисоб-китоб чеки савдо ташкилотлари томонидан нақд пулга алмаштирилмайди. Лекин, сотиб олинаётган махсулот қиймати чекда кўрсатилган суммадан кам бўлса, бу ҳолда савдо ташкилоти ушбу чек суммасининг 25 фоиздан ошмаган микдордаги қийматини қайтим сифатида қайтиб беради.

Маҳсулот учун тўлов сифатида қабул қилинган чеклар савдо ташкилотлари томонидан уларда хизмат кўрсатувчи банк бўлимларига пул тушуми билан бирга инкассаторлар орқали топширилади, яъни инкассаторлар белгиланган вақтда банкка келиб савдо ташкилоти ходимлари томонидан тайёрлаб қуйилган инкассаторлик халта ёки сумкаларни олиб кетадилар. Ушбу сумкаларга олдиндан пул тушуми билан бирга ҳисоб-китоб чеклари жойлаштирилган бўлади.

Банк томонидан қабул қилинган чеклар бўйича тўловлар куйидаги тартибда амалга оширилади:

1. Чек эгаси ва чек берувчига битта банк бўлимида хизмат кўрсатилганда:

-чек суммаси савдо ташкилотининг ҳисоб варағи кредити ва «Инкассация қилинган пул тушумлари ва чеклар» ҳисоб варағи орқали чек берувчининг ҳисоб варағининг дебетидан ўтказилади. Чекнинг асл нусхаси банк масъул ижрочисининг имзоси, банкнинг тўртбурчак муҳри изи туширилан ва қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади.

2. Чек эгаси ва чек берувчига турли банк бўлимлари хизмат кўрсатса:

-чек эгасининг банки чекда кўрсатилган суммани қабул қилинган чекка асосан чек берувчининг ҳисобварағига ўтказиб беради. Бир вақтнинг ўзида тижорат банкларининг электрон ҳисоб-чеклари электрон тўлов тизими орқали чек берувчининг банкига жўнатилади. Чекнинг асл нусхаси масъул ижрочи томонидан имзо қўйилган, тўлов амалга оширилган сана, банкнинг тўртбурчак муҳр изи туширилган ва қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади.

Чек берувчи банки электрон тўлов тизими орқали электрон ҳисоб-китоб чекини қабул қилиб олади. Бу банкда чек суммаси электрон ҳисоб-китоб чеки асосида дастурий йўл билан автоматлаштирилган тарзда чек берувчининг ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилади. Электрон чек банк масъул ижрочиси томонидан имзо қўйилган, банкнинг тўртбурчак муҳр изи туширилган ҳамда тўлов амалга оширилган сана кўрсатилган ҳолда банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади ва белгиланган тартибда сақланади.

Фойдаланмаган ҳисоб-китоб чеки қайтиб банкка топширилиши мумкин. Фойдаланмаган ҳисоб-китоб чеклари банка тақдим қилинганда банкнинг масъул ижрочиси аввало чекнинг ҳақиқийлигини ва ҳужжатни кўрсатувчи шахснинг паспорти билан текшириб кўради. Агар чек хақиқий ва шу паспорт эгасиники бўлса, чекни юз томонида қуйидаги мазмундаги устхатни ёзади: «№_____ ҳисоб вараққа ўтказинг». Шундан сўнг ҳисоб-китоб чеки банкнинг бош бухгалтерига берилади, паспорт эса эгасига қайтарилади.

Банк бош бухгалтерининг рухсати асосида чекда кўрсатилган сумма банк бухгалтериясида чекда кўрсатилган ҳисобварақка ўтказиб берилади.

е) Пластик карточкалар билан ҳисоб-китоблар қилиш

Пластик карточка тегишли банкда карточка эгасининг ҳисобварағи мавжудлигини тасдиқловчи ва нақд пулсиз товарлар, ишлар ёки хизматларии сотиб олиш ҳуқуқини берувчи, шахси белгиланган, банк томонидан чиқарилган тўлов воситасини ўзида ифода этади.

Пластик карточкада, албатта бир хил маъноли идентификация қиладиган эмитентнинг номи ва логотипи қайд қилиниши шарт.

Пластик карточкалар жисмоний шахслар, юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар, бир томондан, ҳамда маҳсулотни сотувчи, иш бажарувчи ёки хизмат кўрсатувчи юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар (кейинги матнда - савдо ёки хизмат кўрсатиш корхоналари), иккинчи томондан, ўртасидаги бўладиган нақд пулсиз ҳисоб-китобларда,

шунингдек, нақд пул бериш пунктлари (НПБП) ва банкоматлардан нақд пул олишда қўлланилади.

Ваколатли банклар халқаро пластик карточкалар чиқариши ва улар бўйича хизмат кўрсатиши мумкин, бунда улар халқаро тўлов тизимлари билан тузилган шартномаларга ва мазкур Низомга мувофиқ, бажариладиган операциялар қоидаларига амал қилишлари шарт.

Пластик карточкалар бўйича хизмат кўрсатиш шартномаси қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

а) томоиларниig номлари;

б) шартнома мавзуси;

в) томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

г) томонларнинг жавобгарлиги;

д) ҳисоб-китобларни ўтказиш шартлари;

е) шартноманинг амал килиш муддати ва уни бекор қилиш шартлари;

ж) низоларни ҳал килиш тартиби;

з) томонларкинг юридик манзили.

Алоқадорлиги бўйича пластик карточкалар шахсий, оилавий ва корпоратив турларга бўлинади

а) Шахсий карточка - бу жисмоний шахсга берилган пластик карточкадир

б) Оилавий карточка - бу шахсий карточка эгасининг ишончномаси асосида фойдаланувчига берилган пластик карточкадир

в) Корпоратив карточка - бу юридик шахсларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган пластик карточкадир Корпоратив карточкалардан иш ҳақи ва ижтимоии аҳамиятга эга бўлган бошқа тўловларни, шунингдек, нақд пул маблағларини тўлашда фойдаланиш таъқиқланади

Пластик карточкалар бажарадиган вазифалари бўйича қуйидаги турларга бўлинади

а) дебет - карточкасидан фойдаланиш унинг эгасига, эмитент билан мижоз ўртасида тузилган шартнома шартларига мувофиқ, ўзининг карточкасидаги пул маблағларидан товарлар, ишлар, хизматлар ҳақини тўлаш ва/ёки нақд пул маблағларини олишда (корпоратив карточкалардан ташқари) фойдаланиш имконини беради;

б) кредит - карточкасидан фойдаланиш унинг эгасига, эмитент билан тузилган шартнома шартларига мувофиқ, эмитент томонидан товарлар, ишлар, хизматлар ҳақини тўлаш ва/еки нақд пул маблагларини олиш учун (корпоратив карточкалардан ташкари) берилган кредит линияси микдорида операцияларпи амалга ошириш имконини беради;

в) электрон ҳамён - жисмоний шахсларнинг карточкаси бўлиб, ундан фойдаланиш унинг эгасига пластик карточкадаги қолдиқ маблағлар доирасида товарлар, ишлар, хизматларга ҳақ тўлаш ва/ёки нақд пул маблағларини олишга имкон беради;

Битга электрон карточкада бир неча "электрон ҳамёнлар" жойлашган бўлиши мумкин.

Пластик карточкада, уни шахс номига бириктиришда, қуйидаги реквизитлар ёзилган бўлиши шарт.

а) идентификация белгилари (картами раками, серияси ва бошқалар);

б) банк-эмитент (карточкаларни чиқарувчи банк)нинг коди;

в) ҳисобварақ рақами ва карточка эгасининг фамилияси, исми, отасининг исми (ташкилот номи);

г) карточканинг амал қилиш муддати.

Пластик карточкада бир неча ҳамёнлар мавжуд бўлганда, идентификация белгилари ҳар бир ҳамённи бир хил маъноли идентификациялаши лозим. Кўрсатилган реквизитлардан ташқари, карточкага операцияларни амалга ошириш ва улар ҳисобини юритиш учун зарур бўлган қўшимча белгилар киритилиши мумкин.

Қайта тўлов воситаси сифатида фойдаланишга тайёрлаш (персонализация) учун қайтарилган пластик карточкалар ҳисоби 93609 - "Сақланаетган қимматликлар" кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағининг алоҳида шахсий ҳисобварақларида олиб борилади.

Пластик карточкалар билан амалга ошириладиган операциялар қоғоз кўринишида (слип, электрон терминал квитанцияси) ва/ёки электрон шаклдаги (электрон терминал журналидан ёки банкоматдан олинган ҳужжат) ҳужжатларни, шунингдек, ҳисоб-китоблар қатнашчилари ўртасида тузилган шартномаларда белгиланган бошқа ҳужжатларни (банкомат квитанцияси ва бошқалар) тузиш лозимлигини кўзда тутади.

Ҳужжатлар ҳисоб-китобларда иштирок этувчи барча томонлар учун зарур бўлган нусхалар миқдорида тузилади.

Квитанциялар ўтказилган операцчяларни қўлда тиклаш учун барча зарур маьлумотларни ўз ичига олиши керак.

Пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда, операцияларни амалга оширишда тузилган ҳужжатлар реквизитлари, пластик карточкалар реквизитлари билан карточка эгаларининг банк ҳисобвараклари, шунингдек, корхона идентификаторлари, НПБП, банкоматлар ва ташкилотларпинг банк ҳисобвараклари ўртасидаги мувофиқликни ҳаққоний белгилашга имкон берувчи томонлар ўртасида келишиб олинган белгиларпи ўз ичига олиши керак.

Электрон ҳужжатлар банк-эквайер (савдо ёки хизмат кўрсатиш корхоналарига хизмат кўрсатувчи банк)га, банк - эмитентга ёки клиринг марказига, шартномада келишилган даврийликда жўнатилади.

Битта банк бўлимлари ўртасида карточкалар бўйича ҳисоб-китоблар қилиш технологияси, Бош банк томонидан, ўз имкониятлари ва фойдаланадиган карточкалар турларидан келиб чиққан ҳолда, мустақил белгиланади.

Карточкалар бўйича банклараро ҳисоб-китоблар технологияси қуйидаги вариантларни кўзда тутади.

а) Ҳисоб-китобларни амалдаги электрон тўловлар тизими (ЭТТ) орқали ялпи ҳисоб-китоб асосда ўтказиш;

б) Ҳисоб-китобларни ҳисоб-китоблар қатнашчилари томонидан ташкил этилган процессинг марказларидаы кун давомида ўтказилиб, якуний ўзаро мажбуриятлар ҳисобланган ҳолда, тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварақларидан якуний ҳисоб-китоблар суммасини ўтказиш.

ЭТТ орқали пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда, амалга оширилган операциялар бўйича ялпи ҳисоб-китоблар қилиш, қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1) банк-эмитент томонидан авторлаштирилмаган ҳолда амалга оширилган ҳисоб-китобларда:

а) банк-эквайер хизмат кўрсатилаётган савдо ёки хизмат кўрсатиш ташкилотидан олинган, карточкалардан фойдаланган ҳолда, тузилган электрон ҳужжатларга асосан, маблағларни унинг ҳисобварағига ўтказади, бунда электрон тўловлар тизими орқали банк-эмитентга жўнатилувчи дебетли электрон мемориал ордери автоматик равишда шакллантирилади.

б) банк-эмитентда олинган дебетли электрон мемориал ордерга асосан мижознинг карточкали ҳисобварағидан дастурий равишда маблағлар ҳисобдан чиқарилади. Дебетли электрон мемориал ордер босмадан чиқарилади ва кунлик ҳужжатларга тикилади.

2) банк-эмитент томонидан олдиндан шарт бўлган тартибда авторизация қилинадиган ҳисоб-китобларда:

а) банк-эквайерда хизмат кўрсатилаётган савдо ёки хизмат кўрсатиш ташкилотидан олинган, карточкалардан фойдаланган ҳолда тузилган электрон ҳужжатларга асосан, ЭТТ орқали авторизациялаш ва ўтказмани амалга ошириш учун банк-эмитентга жўнатиладиган электрон маълумот, фойдаланилаётган технология қоидаларига мувофиқ, автоматик равишда шакллантирилади;

б) банк-эмитент, олинган электрон маълумотларга асосан, транзакциялар авторизациясини ўтказади, мижознинг карточка хисобварағидан маблағларни ҳисобдан чиқариш учун автоматик равишда электрон мемориал ордерни шакллантиради, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварагига маблағларни ўтказиш учун электрон тўловлар тизими орқали банк-эквайерга жўнатади.

в) банк-эквайерда, банк-эмитентдан олинган электрон мемориал ордерга асосан, маблағлар савдо ёки хизмат кўрсатиш ташкилотининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига ўтказилади. Мемориал ордер босмадан чиқарилади ва банкнинг кунлик ҳужжатларига тикилади.

Процессинг марказлари орқали ҳисоб-китобларни ўтказиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) кун давомида карточкалар бўйича барча транзакциялар, ҳисоб-китоблар қатнашчилари томонидан тасдиқланган тартибда, процессинг маркази орқали ўтказилади ва ҳисоб-китобларда қатнашувчи ҳар бир банк учун алоҳида очилган шахсий ҳисобвараклардa акс эттирилади;

б) ҳисоб-китоблар қатнашчилари келишувига асосан, ҳисоб-китоблар бўйича якуний суммалар (мажбуриятлар) тижорат банкларининг Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар марказида очилган вакиллик ҳисобварақлари орқали, шартномада қайд этилган даврийликда ўтказилади;

в) банклар, процессинг марказидан олинган маълумотларга асосан, карточкалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган операциялар бўйича, маблағларни мижозларнинг ҳисобварақларига киритадилар ёки чиқарадилар.

4§. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича банк назорати.

Кўпгина ривожланган мамлакатларда банк тизимлари иқтисодиётнинг бошқа тизимларига нисбатан кучайтирилган назорат ва текширув объектлари ҳисобланади, чунки тижорат банклари ўз мижозлари ҳисобланган давлат ташкилотлари, тижорат корхоналари ва хусусий шахсларнинг манфаатлари ҳимояланиши учун жавоб беради. Шу сабабли давлат республика банк тизимининг барқарорлиги, бу барқарорлик хуқуқий таъминланиши ва унинг ривожланишидан манфаатдордир. Республика иқтисодиётида давлат асосий ислоҳотчи бўлса, банк тизимида эса бу вазифа Республика Марказий банкига юклатилган. «Марказий банк тўғрисида»ги қонунининг, 3-моддасида кўрсатилгандек, Марказий банкнинг асосий вазифаларидан бири - республикада тўловларнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлашдан иборатдир.

Марказий банк тежамкор тўловлар тизимини таъминлаш мақсадида миллий тўловлар тизимининг яқин келгусидаги истиқболлари ва ривожланиш стратегиясини белгилайди. Тўловлар тизими соҳасида бош молиявий мақсад, жойларда пул маблағларини хавфсиз ва самарали ўтказишдан иборат. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўтказишдаги тежамкорлик масаласи эса тўловлар тизими самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонларидан биридир.

Иқтисодиётдаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Марказий банк томонидан «Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисида» Низом ишлаб чиқилди ва 2002 йил 12 январда Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви томонидан тасдиқланди. «Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисида»ги Низом фуқаролик кодекси. «Марказий банк тўғрисида»ги «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси корхоналари тўғрисида»ги Қонунлар ва Марказий банкнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни тартибга солувчи бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган. Ушбу Низомнинг бир маромда кўлланилиши мамлакатнинг бутун иқтисодий маконида ҳисоб-китобларнинг узлуксизлигини таъминлайди.

Иқтисодиётдаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ўтказилиши устидан назорат Низомда кўрсатиб ўтилган нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил этиш принципларнинг бажарилишини текширишдан бошланади. Корхона ва ташкилотларнинг пул маблағлари банкдаги депозитлар бўйича ҳисобварақларда сақлангани учун нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг барчаси банклардаги ҳисобварақлардан ўтказилади, бу эса, корхона ва ташкилотларнинг кунлик фаолиятининг банк томонидан назорат қилиб туришга шароит яратади. Шу билан бирга хўжаликлар ва юқори ташкилотлар ўртасида ҳам ўзаро назоратни юзага келтиради.

Мулкчлик шаклларининг хилма-хиллиги хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти товар-пул муносабатлари ривожланиши шароитида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қоидалари хўжалик органлари томонидан ҳисоб-китоб шаклларини эркин танлаш принциплардан келиб чиқади ва улар шартномаларда мустаҳкамланади. Хўжалик органларининг шартномавий

муносабатларига банк аралашмайди. Хўжаликлар ўзаро ҳисоб-китобларда Низомда кўрсатилган истаган нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклидан фойдаланишлари мумкин. Банк эса нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича назоратни нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакли бўйича операцияларни амалга ошириш даврида олиб боради. Энг аввало, ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилишда уларнинг тўғри ва тўлиқ расмийлаштирилганлиги хамда ўз вақтида тақдим этилаётганлиги текширилади.

Ҳисоб-китоб операциялари амалга оширилаётганда асосий эътибор ҳисоб-китоб ҳужжатларининг товарлилигини назорат қилишга қаратилади. Корхоналарнинг давлат тассаруфидан чиқарилаётган бир вақтда давлатга қарашли корхона ва ташкилотлардан бошқа мулкчилик шаклларига тегишли корхона ва ташкилотларга пул ўтказишни кучлироқ назорат қилишни давр тақазо этади. Шу мақсадда, давлат корхоналаридан хусусий корхоналар номига келиб тушган пул маблағлари аввал алоҳида ҳисоб варақка ўтказиб турилади, 3 кун ичида хусусий корхона раҳбарлари томонидан товар жўнатилгани, хизматлар бажарилгани ҳақидаги ва бошқа керакли ҳужжатлар тақдим қилишлари лозим. Ушбу ҳужжатлар банкка тақдим қилингандан сўнг алохида ҳисобварақдаги пул маблағлари ўтказиши лозим бўлган ҳисоб варақга ўтказилади. Агар товар жўнатилганлиги ҳақидаги ҳужжатлар банкка тақдим этилмаса, эгасига қайтарилади. Чунки, асоссиз ҳисоб-китоб ҳужжатларини тақдим қилиш тўлов тизимидаги жиддий қонунбузарчилик ҳисоблаланади, ҳамда корхона ва ташкилотларнинг мавқеини ва молиявий фаолиятини издан чиқаради. Банк агар корхона ва ташкилотлар томонидан ноконуний ҳисоб-китоблар расмийлаштирилганлигини аниқласа, жарима ундириш ва бошқа чора-тадбирлардан ташқари корхона юқори ташкилоти ва ҳуқуқий органларни ҳам бу ҳақда хабардор қилади.

Банк муассасалари корхона ва ташкилотларнинг ўзаро шартнома ва мажбуриятларининг бажарилиши устидан ҳам қисман бўлсада, назорат қиладилар. Лекин банк шартнома шартларининг бузилиш сабаблари, ёки келиб чиқиш сабабларини аниқлашга аралашмайди ва таҳлил этмайди. Шартнома шартларининг бажарилиши, ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ташкил этилишини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказиш учун корхона ва ташкилотлар рахбарлари маъсулиятини ошириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги Фармони алоҳида ўрин тутади. 1995 йил 12 майда чиқарилган ушбу Фармонга асосан, мулк шаклидан қатъий назар, ҳар қандай корхона ёки ташкилот олинадиган маҳсулот қийматининг албатта 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорини олдиндан тўлаши керак. Бу жараён ҳам банк назорати орқали ўтади. Бундан ташқари, хар қандай корхона учун у жўнатган маҳсулот ёки кўрсатган хизматнинг тўлов пули 60 кун ичида банкка келиб тушмаса, бу сумма корхонанинг дебиторлик қарзи ҳисобланади. Бундай холга йўл қўйган корхона ҳамда бош бухгалтерлари маъмурий, зарур бўлган ҳолларда эса жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Республикада корхона ва ташкилотлар ўртасида тўлов интизомини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг яна бир

«Ҳисоб-китоблар тизими ҳамда тўлов интизомини мустахкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1996 йил 24 январдаги Фармони чиқарилди. Фармонда корхона ва ташкилотлар томонидан 15 фоиздан кам бўлмаган аванс тўловлари тўланиши мажбурийлиги, тўлов топшириқномаларида қатъий равишда шартнома номери, тўлов тартиби; аванс тўловининг миқдори кўрсатилиши шарт қилиб белгиланди. Бундай Фармоннинг чиқарилишига асосий сабаб, халқ хўжалигида ўзаро дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларининг мавжудлигидир. Ўзбекистонда ўзаро дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг юзага келиши объектив ва субъектив омилларга боғлиқ бўлиб, у айрим ҳолларда хўжаликларни банкрот бўлишига олиб келмоқда ёки корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнларининг қисқаришига, ишчи-хизматчилар иш хақининг ўз вақтида беролмай қолишига сабаб бўлмоқда. Умуман, дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг кўпайиши иқтисодиётда ночор ва қолоқ корхоналарнинг сонини ошишига олиб келади, бу эса ўз навбатида бундай корхоналарга хизмат кўрсатувчи банк рейтингини пасайтиради.

Ҳозирги кунда республика иқтисодиёти олдида турган долзарб муаммолардан бири дебитор ва кредитор қарздорликлар занжирини ечишдир. Умуман олганда, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар устидан банк назоратини тўғри ташкил этиш нафақат банк ўз фаолиятини юритишда, балки бутун халқ хўжалигидаги макроиқтисодий даражадаги кўрсаткичларнинг холатига, уларнинг динамикасига таъсир кўрсатади, иқтисодиётдаги тўлов тизимини яхшилашга ёрдам беради.

5§. Нотўловлар муаммоси ва уни бартараф этиш йўллари.

Бозор иқтисодиёти шароитида тўлов мажбуриятларини ўз вақтида ва тўла ҳажмда бажариш иқтисодиётнинг турли соҳалари фаолиятининг зарур шартидир. Корхона, ташкилот, банклар ва давлат ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар муаммоси доимо долзарб шу билан бирга ҳал этилиши қийин бўлган муаммолардан бири бўлиб қолади. Чунки товар жўнатиш ёки хизмат кўрсатиш билан унга пулни тўлаш вақти бир-бирига тўғри келмайди. Бу эса дебеторлик ва кредиторлик қарзларининг юзага келтириб чиқаради. Бундай қарзлар ўз вақтида ёпилмаса узайтирилган дебеторлик ёки ноқонуний қарзлари пайдо бўлади.

Маълумки, ноқонуний кредиторлик, шу билан бирга муддати узайтирилган дебеторлик қарзлари ҳажмининг ортиши, нотўловлар ҳолатининг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бу эса шу мамлакат иқтисодининг изчиллик билан ривожланишига салбий таъсир кўрсатади ва тўсқинлик қилади.

Кредиторлик қарзлари - бу бирлашма, корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан вақтинча жалб қилинган ва мувофиқ равишда юридик ва жисмоний шахсларга қайтарилиши лозим бўлган пул маблағларидир. Мажбуриятлар ва тўлов муддатлари доирасидаги кредиторлик қарзлари қонуний қарзлардир. Ҳисоб-китоб ва тўлов тартиблари бузилганда ноқонуний кредиторлик қарзлари вужудга келади. У айланма маблағлари режадан ташқари тақсимланганлигини

билдиради. Харидор ва буюртмачиларнинг ўзаро мажбуриятларга нисбатан бефарқлик билан қарашлари ва улар томонидан шартнома шартларига риоя қилинмаслиги дебеторлик ва кредиторлик қарзлари вужудга келишининг асосий сабабидир. Корхона балансида муддати ўтган қарздорликларнинг мавжудлиги салбий аломат бўлиб ҳисобланади, чунки бу ҳолда корхона балансининг таркиби ёмонлашади. Бунда жалб этилган маблағларга эҳтиёж кучаяди. Муайян бир хўжалик юритувчи субъектнинг маҳсулот етказиб берувчилар билан ўз вақтида ҳисоб-китобларни амалга оширмасликлари нотўловлар занжирининг пайдо бўлйшига олиб келади. Ушбу нотўловлар занжирига нафақат заиф, молиявий жиҳатдан лаёқатсиз корхоналар, шу билан бирга кучли ва тўловларга лаёқатли, молиявий жиҳатдан мустаҳкам бўлган корхона ва ташкилотлар ҳам боғланиб қолишлари мумкин.

Эҳтиёж кам бўлган, омборларда меъёридан ортиқ тўпланиб қоладиган, рақобатга бардош бера олмайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳам дебеторлик ва кредиторлик қарзларининг келиб чиқишига олиб келади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг меъёридан ортиқ миқдорда омборларда йиғилиб қолиши, корхона айланма маблағларининг музлаб қолишига, кўзланган фойда миқдорининг камайишига, натижада, корхона молиявий аҳволининг ёмонлашувига олиб келади. Бу эса нотўловлар муаммосини келтириб чиқаради. Нотўловлар муаммосини келтириб чиқарувчи кўплаб омилларни келтириш мумкинки, улар қаторига нарх сиёсати, солиқ сиёсати, нормадан ортиқ бўлган инфляция даражаси ва бошқаларни киритиш мумкин. Шу билан бирга ўзаро қарздорликларни келтирувчи асосий сабаблар қуйидагилар бўлиб ҳисобланади:

1.Иқтисодиётда тўлов воситаларининг етарли эмаслиги;

2.Ҳисоб-китоблар учун энг қулай тўлов воситалари сифатида ҳозирги кунда амалиётда ишлатилаётганларига қўшимча равишда, мамлакатимизда айрим сабабларга кўра бекор қилинган чек ва векселларни ишлатилмаслиги;

3.Корхона айланма маблағларининг инфляция шароитида маълум миқдорда қадрсизланиши.

4.Мамлакат товар ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулоти доимо харидоргир бўлмаганлиги сабабидан сотишнинг қийинлиги;

5.Маркетингнинг етарли даражада ривожланмаганлиги;

6.Корхоналарни солиққа тортиш механизми камчиликлари мавжудлиги оқибатида айланма маблағларининг йўқотилиши.

Бу сабабларни давом эттириш мумкин. Лекин асосий масала ўзаро қарздорликларни тўлиқ йўқотиб бўлмайди. Аммо уларнинг умумий суммасини қисқартириш мумкин.

Республикамизда ҳозирги кунда энг долзарб муаммолардан бири ҳам айнан мана шу қарздорликлардир. Бу масала Республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида ҳамда республика иқтисодиётини ислоҳ қилиш билан боғлиқ турли йиғилишлари доимо кўриб чиқилади. Шунингдек, иқтисодиётда ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказиш ва қарздорлик муаммолари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган. 1996 йил 24 январдаги "Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги

Фармони талабларини бажариш мақсадида, тўловларнинг ўз вақтида ўтказилиши ва вакиллик ҳисобварағларининг аҳволи устидан доимий назорат ўрнатишни таъминлаш хусусидаги вазифалар белгилаб берилган. Тижорат банкларига белгилаб берилган бир қатор вазифалар билан биргаликда Марказий банкнинг бош бошқармаларига тижорат банкларининг жойлардаги ҳар бир бошқармаси ва бўлимларида йил давомида камида 1 марта Давлат солиқ бошқармаси билан келишилган, мувофиқлаштирилган текширувлар режасига мувофиқ дебетор-кредитор қарзлар юзасидан текширувлар ўтказиш топширилган.

Тижорат банклари мижозлар билан “Банк-ҳисобварағини юритиш бўйича шартнома” тузишда бир қатор ньюансларни эътиборга олишлари лозимлиги белгилаб берилган:

1. Хўжалик юритувчи субьектлар ҳар ойнинг 6 кунига ички идоравий ўзаро қарзларнинг суммасини алоҳида қаторда ажратган, барча муддати ўтган кредиторлик ва дебеторлик қарзларининг юзага келиш санаси ва уларни ундириб олиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларни кўрсатган ҳолда оператив маълумотларни тақдим этиш.
2. Ҳар чоракда тақдим этилаётган баланс билан бирга 2-шаклдаги “Дебеторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотнома”ни тақдим этиш тўғрисидаги банд мавжуд бўлиши шарт.

Корхона ва ташкилотлардан оператив, ойлик ва чораклик баланс маълумотларини, муддати ўтган дебеторлик қарзларига солиштириш далолатномаларини талаб қилиниши, маълумотларни тақдим қилинаётган мижозларга нисбатан қандай чоралар кўрилаётганини, олинган маълумотларни таҳлил қилиб ўрганилишини кўриб чиқиш лозим. Тўлов ҳужжатларида яъни тўлов талабнома, топшириқномаларида хўжалик субьектлари томонидан юборилаётган маҳсулот ҳақининг олдиндан тўланаётган миқдори тўғрисидаги ёзув мавжудлиги текширилиши керак. Хўжалик органларида дебеторлик қарзлари ҳолати бўйича ўтказилган текшириш далолатномаларининг сифатини кўриш ва текширишда аниқланган қонунбузарлик ҳолатлари бўйича кўрилган чораларни ўрганиб чиқишлари лозим.


Ҳозирги кунда банклар томонидан нотўловларни қисқартириш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Тижорат банклари филиаллари томонидан 2-картотекадаги тўлов ҳужжатлари мунтазам равишда инвентаризация қилиниб борилади ва унинг натижасида нотўғри қўйилган ҳисоб-китоб ҳужжатлари аниқланиб, мижозларга қайтарилмоқда.

Ҳисоб-китоб механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг 2000 йил 13 январдаги "Корхона ва ташкилотларнинг муддати ўтган дебеторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш чора-тадбирлари тўгрисида"ги баённомаси талабларини бажарилишини таъминлаш мақсадида хизмат кўрсатилаётган мижозлар билан ҳамкорликда мақсадли тўлов схемалари ишлаб чиқилди ва шу схемалар асосида бир кунлик кредитлар ажратилади ҳамда факторинг хизматлари кўрсатилади. Схема асосида кредитлар бериш 23202-сонли махсус ҳисобрақам орқали амалга оширилади. Корхона ва

ташкилотларнинг муддати ўтган дебетор ва кредиторлик қарздорликларини қисқартириш учун тижорат банклари томонидан аниқ мақсадлар учун кредит бериш ва факторинг хизматини кўрсатиш қуйидаги схема асосида амалга оширилади:

6-схема, минг сўм

Схема бўйича ҳисоб-китоблар



Ушбу схема бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва қарздорликларни камайтириш учун берилган сумма шу куни яна банкка қайтиб келади. Схема бўйича тўловларни ўтказиш учун инициатор банк томонидан бир қатор ҳужжатлар унга хизмат кўрсатувчи банкка тақдим этилади.

1.Схема бўйича бўладиган икки томонлама ҳисоб-китобларда корхона ёки ташкилотнинг раҳбари ва бош бухгалтери томонидан ҳужжатда қўйилган имзо ҳамда шу корхонанинг ёки ташкилотнинг муҳри банкдаги мавжуд худди шу корхона ёки ташкилотнинг раҳбари ва бош бухгалтерининг имзоси ва муҳри намунаси билан мос келиши керак.

2.Хўжалик субъекти томонидан банкка тақдим қилинган ҳужжатларда кўрсатилган хизмат тури яъни юклаб жўнатилган маҳсулот, товар, бажарилган ишлар юзасидан келиб чиққан дебеторлик қарздорлиги аниқ кўрсатилиши лозим.

3.Тайёрланган схема тижорат банкларининг бошқарувчилари томонидан тасдиқланади ва улар ўз мижозларининг дебеторлик ва кредиторлик қарздорлиги тўғри расмийлаштирилганлиги юзасидан жавобгар бўлиб ҳисобланади.

4.Аниқ мақсадга йўнатирилган схемада корхона ёки ташкилотнинг номи аниқ кўрсатилиши керак. Агар корхона ёки ташкилотнинг раҳбар ўринбосари томонидан схемага имзо қўйилган бўлса, у ҳолда имзо қўйган шахснинг мансаби ва фамилияси схемада тўлиқ кўрсатилиши лозим.

Умуман, схема бўйича кредитлаш натижасида корхона ва ташкилотларнинг фаолияти яхшиланади, уларнинг ўзаро қарздорликлари камайишига ёрдам беради.

Биз юқорида банклар томонидан дебетор ва кредитор қарздорликларни камайтириш бўйича қандай тадбирларни ўтказишлари мумкинлигини кўриб чиқдик. Лекин хўжалик юритувчи субьектларнинг ўзлари ҳам бундай қарзларни бартараф этишга қаратилган ҳаракатларни амалга оширишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Муддати ўтган қарзларни олдини олиш усулларининг ҳар бирини пухта билиш бу борада амалга оширилган ишларнинг самарали бўлиши учун етарли эмасдир, балки муайян вазиятдан келиб чиққан ҳолда бирор усулларни тадбиқ этиш кетма-кетлигини чуқур англаш лозим.

Сотувчи ва харидор ўртасида узоқ муддатли шартномаларнинг ва алоқаларнинг мавжуд бўлганлигига қарамай, сотувчи ўз навбатида харидорнинг тўлов қобилияти, молиявий натижалари ва умумий аҳволи ҳақида мунтазам равишда маълумотга эга бўлишга интилиши лозим. Сотувчи ўз навбатида харидор билан узоқ муддатли ҳамкорликка тайёрлиги ва харидорнинг муваффақиятли ривожланиши тарафдорлигини билдириб туриши мақсадга мувофиқдир. Шунда харидор ҳам сотувчига нисбатан дўстона муносабатда бўлади ва сотиб олинган товарлар учун тўловларни кечиктириш мумкин бўлган сабабларни сотувчидан яширмайди. Муддати ўтган қарздорликни вужудга келишини олдини олишнинг энг мақбул ва замонавий усулларидан бири, бу сотувчи ва харидорнинг қарздорликни бирга бартараф этишни амалга оширилишидир.

Шундай қилиб, юзаки қараганда қанчалик асоссиз бўлиб туюлса ҳам сотувчи ва харидор орасидаги ҳамкорлик ҳамда дўстона муносабатлар муддати ўтган қарздорликни бартараф этиш ва вужудга келишининг олдини олишдаги энг тезкор ва самарали йўл бўлиб ҳисобланади.

Хўжалик фаолиятида учрайдиган ҳамма ҳолатларни ҳисобга олиш қийин. Шунинг учун, қуйида санаб ўтилган муддати ўтган қарздорликни вужудга келишининг олдини олиш ва бартараф этиш усуллари тадбиркорларга мавжуд муаммони ҳал этишда ўз иш стратегиясини ишлаб чиқишда қўл келади. Чунки капиталнинг айланиш тезлигини ошириш ва харидорларнинг қарздорлигини камайтириш тадбиркорлик фаолиятининг асосий тамойиллари бўлиб ҳисобланади.

Ушбу муаммони атрофлича ва систематик равишда кўриб чиқиш мақсадида, хўжалик фаолиятида учрайдиган барча ҳолатларни катта блокларга бўлиш мумкин:

I Сотувчи ва харидор орасида узоқ муддатли муносабатларга асосланган хўжалик алоқалари (хом-ашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, эҳтпёт қисмларни етказиб бериш);

II Хом-ашё материаллар, бутловчи қисмлар етказиб бериш ва бажарилган хизматларни бажариш учун жисмоний шахслар билан тузилган якка шартномалар;

III Етказиб берилаётган асбоб-усукуналар, транспорт воситалари, ҳисоблаш ва бошқа техникани харидорлар асосий фондлар сифатида ишлатиш ҳоллари.

Ҳар бир блоклар бўйича алоҳида вазиятларни кўриб чиқамиз.

А. Сотувчи ва харидорлар орасида узоқ муддатли кооперацияга асосланган хўжалик алоқалари (хом-ашё, материаллар, ярим фабрикатлар, бутловчи қисмларни етказиб бериш);
Ушбу ҳолат учун, икки томонлама яхши алоқалар, шерикларни бир-бирини яхши билишлари, ўзаро ишонч ва ҳамкорлик аломатлари хосдир. Бунда, кейинчалик ҳам ўзаро фойдали ҳамкорликни амалга ошириш ҳамда товароборотни кўпайтириш мақсадида, аввалам бор сотувчининг манфаатини кўзлаган ҳолда, харидорларга нисбатан олдиндан тўлаш, бўнак тўловлари ва ҳатто аккредитив каби тўлов шакллари ишлатилиши тавсия этилмайди.
Қуйида сотувчи ва харидорнинг ушбу блокка киритилган вазиятлардаги амалга оширадиган тадбирлари санаб ўтилган:
А.1. Харидорда маълум бир молиявий қийинчиликларнинг вужудга келганида, сотувчи томонидан тижорат кредити берилиши мақсадга мувофиқдир. Бу вазиятда тижорат кредитини қўлланилишига сабаб шуки, иккала томон вазиятдан келиб чиққан ҳолда тўлов муддати ва суммасини мувофиқлаштиришларига имконият туғилади.
Тижорат кредити қўлланилганида, харидор кредит ҳисобидан олинган товарлардан (хом-ашёдан) тайёрланган ўз маҳсулотини сотишдан келиб тушган тушум ҳисобига ўз молиявий аҳволини яхшилаб олади, сотувчи эса ўз навбатида харидорни йўқотмаган ҳолда кредит операциясидан тушган фоизлар кўринишидаги фойдага ҳам эга бўлади.
А.2. Хом-ашё, яримфабрикатлар ҳамда бутловчи қисмларни доимий ва бир маромда етказилиб турилиши ҳолатида сотувчи банк муассасаси билан факторинг хизматларини кўрсатиш ҳақидаги шартнома имзолаши мумкин. Шунда ушбу муассаса қарзларни ундириш мажбуриятини ўз бўйнига олади. Товарлар ортиб жўнатилишига қараб ўз маблағларини олиб туради. Ҳозирда банклараро вакиллик алоқаларининг мавжудлиги, айниқса агар факторинг хизматларини кўрсатаётган банк муассасаси ва қарздор шахснинг банки орасидаги вакиллик алоқалари мавжуд бўлса, банк муассасаси томонидан қарздорлини ундириш борасидаги имкониятлари кўпроқ. Аммо бу ҳолда сотувчи ташкилот факторинг хизматлари ҳақини тўлашга мажбур бўлади ҳамда корхонанинг капиталнинг айланиш тезлигининг ошганлини, дебеторлк қарздорликни ундириш харажатларининг камайиши, кредит олиш эҳтиёжининг камайиши ва банк билан муомала шаклларининг осонлашувидан келадиган фойда миқдори факторинг хизматлари ҳақидан юқори бўлгандагина ўз самарасини беради.
А.3. Юқорида санаб ўтилган усулларнинг ҳаммаси харидор томонидан муддати ўтган дебеторлик қарздорлигини вужудга келишини олдини олишда ҳамда харидор томонидан молиявий қийинчиликларнинг мавжудлиги ҳолатларида ҳам маълум муддатдан сўнг тўловларни амалга оширилиши қўлланилиши мумкин. Агар харидор сурункали равишда ўз мажбуриятларни бузса, у ҳолда сотувчи нуфузли ва бақувват молиявий муассасаларининг тўлов амалга оширилишини кафолатловчи хатларини талаб қилиши мумкин.
Б. Хом-ашё, материаллар, бутловчи қисмлар етказиб бериш ва бажарилган хизматларни бажариш учун тузилган якка шартномалар;

Ушбу турдаги хўжалик алоқаларида, сотувчи ва харидор ўзаро олди-сотди операцияларини биринчи маротаба амалга оширадилар, айниқса бундай ҳолатлар янги тузилган ташкилотлар билан кузатилади. Шунинг учун сотувчи ўз харидори ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга бўлмайди. Бундай ҳолатларда қуйидаги кўрсатилган усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Б.1. Вазият: сотиш ҳажми кичик, харидор сифатида жисмоний шахс қатнашиши мумкин.

Бундай ҳолатда ҳисоб-китоб нақд пул ёки чеклар ёрдамида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Бироқ, харидорнинг кимлиги номаълум бўлиб унинг яна бир бор қайтиб келиши номаълум ва тўлов суммаси унчалик катта бўлмаган ҳолатларда, у тақдим этаётган чекларнинг пул билан таъминланганлигини текшириб кўрилиши лозим. Бунинг учун харидордан унга хизмат кўрсатувчи банкдан оғ заки ёки ёзма равишда банкдаги ҳисоб рақамида қанча пул мавжудлигини билиш кифоядир. Агар сотувчи чеклар билан ҳисоб-китоб шаклини хуш кўрмаса, харидордан нақд пул, кредит карточкалари орқали ҳисоб-китоб қилинишини талаб қилиши лозим.

Б.2. Вазият: улгуржи савдо.

Бундай ҳолларда фақат нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалга оширилиши лозим.

Харидор ҳақида ҳеч қандай маълумотлар мавжуд бўлмаган ҳолларда тўлов амалга оширилишини юз фоизга кафолатловчи аккредитив тўлов шаклида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бироқ, агар харидорнинг тўлов мажбуриятларини вақтида амалга оширмаслиги ҳақидаги маълумот мавжуд бўлса, бўнак ёки олдиндан тўлов шакллари ишлатилгани мақсадга мувофиқ. Харидор аккредитив ва олдиндан тўлов шаклларини амалга оширолмаслиги ва унинг тўлов қобилияти ҳақида етарлича маълумот мавжуд бўлмаса, сотувчи харидордан ўзгача кафолатларни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Акс ҳолларда харидорларни ва бозорни йўқотиш эҳтимоли каттадир.

Тўлов амалга оширилишини кафолатловчи қуйидаги ҳужжат шакллари мавжуд:

•машҳур, улкан ва ишончли ташкилотларнинг тўлов амалга оширилишини кафолатловчи хатлари;

•гаров;

•кафиллик.

Керакли ҳолларда харидор векселлардан фойдалиниши мумкин, бу ҳолларда векселни олган шахс эҳтиёж сезилганида векселни дисконтлаш асосида банкка ўтказиши ва тегишли пул маблагларини олиши имкониятига эга бўлади. Бироқ, агар банкнинг вексел берган шахснинг тўлов қобилиятига шубхаси бўлса, банк векселга авалиятларнинг имзоси қўйилишини талаб қилиши мумкин. Шундай ҳолат юзага келмаслиги учун векселни тақдим этаётган шахсдан векселда авалистнинг имзосини мавжуд бўлиши талаби қуйилади.

Бунда бошқа вариантлар ҳам мавжуд. Ўз товари эвазига олинган векселни сотувчи ўз кредиторлари билан ҳисоб-китоб воситаси сифатида ишлатилиши мумкин.

Б.3. Вазият: харидор тўлов амалга оширишда ўз мажбуриятларини вақтида бажармаяпти.

Бу ҳолларда дебеторлик қарздорлигини қисқартириш ва бартараф этиш борасида қуйидагиларни амалга оширишлари мумкин:
Биринчидан, харидорга қарздорликни тижорат кредити сифатида расмийлаштиришини таклиф қилиш мумкин, агар:
•харидор кредит муддати мобайнида етказиб берилган ва ҳали тўлови амалга оширилмаган тўловларни амалга оширишга рози бўлса;
•харидор яқин вақт оралигида вақтинчалик молиявий танг аҳволини бартараф этиши ва тўлов қобилиятига эга бўлишига ишонч бўлса.
Иккинчидан, сотувчининг зудлик билан пул маблагларига эҳтиёжини қондириш учун қарздорликни дисконтлаб сотиб юбориши мумкин. Ушбу қарздорликни сотиб олаётган шахс қарздорликни узилишига ишончи бўлиши лозим.
Умуман, ҳозирги кунда нотўловлар, энг долзарб муаммолардан бири бўлиб, бу муаммони бартараф этишнинг ягона йўли йўқ. Нотўловлар, яъни дебеторлик ва кредиторликни қарздорликнинг умуман йўқ қилиш мумкин бўлмай уларни камайтириш бўйича ҳар бир ҳолатда алоҳида йўлни танлаш нафақат алоҳида хўжаликлар, балки бутун иқтисодиёт учун фойдалидир.

1. Таянч иборалар
2. Пул обороти
3. Нақд пул обороти
4. Нақдсиз пул обороти
5. Товар операциялари
6. Нотовар операциялари
7. Акцепт
8. Аккредитив
9. Инкассо
10. Талабнома
11. Топшириқнома
12. Акцептсиз тўловлар
13. Акцепт муддати
14. Режали тўловлар
15. Тўлов топшириғи
16. Инкассо топшириғи
17. Хужжат реквизитлари
18. Хужжат нусхалари
19. Электрон ҳужжат
20. Дебет
21. Кредит
22. Депозит
23. Депозит ҳисобварақ
24. Нотўловлар
25. Реестр
26. Картотека
27. Хужжатлар айланиши
28. Схемаси

Такрорлаш учун саволлар

1. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг мазмуни ва аҳамияти нимадан иборат?
2. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш тамойилларини санаб чикинг?
3. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар Марказий банкнинг қайси меъерий ҳужжати асосида ташкил этилади?
4. Тўлов топшириқномаси бўйича ҳисоб-китобларнинг мазмуни ва аҳамияти нимадан иборат?
5. Тўлов топшириқномаси бўйича ҳисоб-китобларнинг афзаллик ва качиликлари нимадан иборат?
6. Тўлов топшириқномалари бўйича ҳисоб-китоблардаги бухгалтерия проводкаларини кўрсатинг?
7. Акцептнинг мазмуни ва турларининг тавсифини келтиринг?
8. Тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китобларнинг афзаллик ва камчиликларини санаб утинг?
9. Тўлов талабномаси бўйича операциялар ҳисобининг юритилиши кандай тартибда амалга оширилади?
10. Аккредитив бўйича ҳисоб-китобларнинг мазмуни, камчилик ва афзалликлари нималардан иборат?
11. Аккредитив бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳужжатлар айланиш схемасини кўрсатинг?
12. Инкассо топшириғи бўйича ҳисоб-китобларнинг хусусиятини тушунтиринг?
13. Тижорат банкларининг ҳисоб чеклари бўйича ҳисоб-китоблар кандай ташкил этилади?

3-Боб. Банклараро ҳисоб-китоблар ва унинг тқлов тизимидаги қрни

1§. Банклараро ҳисоб-китобларнинг мазмуни.

Иқтисодиёт ривожланиб борган сари турли мулкчилик шаклларига тегишли бўлган корхона ва ташкилотлар сони ошиб, улар ўртасидаги иқтисодий ва бошқа муносабатлар ҳам кўпаяди. Натижада уларга, хизмат кўрсатувчи муассасалар салмоғи ҳам ўсиб бориши табиий ҳолдир. Корхона ва ташкилотлар ўртасидаги муносабатларда воситачилик хизматларини бажариш банклар зиммасига юклатилган.

Ҳозирги кунда республикамиз банк тизими ўз ичига бир неча турдаги банкларни олади. Булар акциядор, хусусий, қўшма, импотека ва давлат банкларидир. Бу тижорат банкларининг ҳар бири турли мулкчилик шаклларига тегишли бўлган корхона, ташкилот, муассасаларга ҳамда юридик мақомга эга бўлмаган тадбиркорлар ва жисмоний шахсларга хизмат кўсатади. Банклар томонидан ҳалк хўжалигига хизмат кўрсатиш жараёнида банклараро муносабатлар вужудга келади. Банклараро муносабатлар банклараро ҳисоб-китоблар (оборотлар) орқали олиб борилади. Банклараро оборотларнинг мазмуни шундан иборатки, бир банк хизматидан фойдаланувчи корхонанинг талаб қилувчига сақланадиган ҳисобварағидан бошқа ҳисоб варағига ҳужжатда кўрсатилган сумма бухгалтерия ёзувлари орқали ўтказилади.

Демак, бир - бирлари билан ҳисоб-китобларни юритувчи корхоналарининг ҳисоб варақалари турли банкларда жойлашганлиги иккита банк ўртасидаги ҳисоб - китобларни юзага келтиради. Агар ўзаро алоқада бўлган корхоналарнинг ҳар иккиси битта банк хизматидан фойдалансалар, у ҳолда банклараро оборотлар вужудга келмайди. Унда пул ўтказиш операциялари бир банкнинг ўзида амалга оширилади.

Операцияларни бошлаган банкдаги оборотлар бошланғич банк оборотлари дейилади. Операцияларни тугалланган банкдаги оборотлар якуний оборотлар дейилади. Ҳар бир бошланғич оборотга якуний оборот мос келиши шарт.

Республикамиз банклари ўртасидаги банклараро ҳисоб-китобларни ўтказиш тартиби бир неча марта ўзгартирилган.

Ўтган аср 80-йилларининг охири 90-йилларнинг бошларигача барча банклар давлат мулки бўлиб бир поғонали банк тизими мавжуд эди. Банклараро ҳисоб-китобларни олиб бориш бевосита тўғридан-тўғри бир банкдан иккинчи банкка тўлов ҳужжатларини жўнатиш орқали олиб борилади. Ҳужжатларни жўнатиш почта ёки телеграф орқали амалга оширилар эди. Бунинг учун бошқа банкка жўнатилиши лозим бўлган ҳужжатлар асосида «авизо», яъни огоҳнома тузилиб керакли банкка жўнатилар эди. Авизолар дебет ва кредит авизоларга бўлинарди. Бошланғич оборотлар 830 ҳисоб варақада (жорий йилнинг бошлангич авизолари) якуний оборотлар 840 ҳисоб варақада (жорий йилнинг якуний авизолари) олиб борилар эди. Банклараро ҳисоб-китоблар ҳисоблаш марказида назорат қилинар эди.

90-йилларнинг бошларидан банклараро ҳисоб-китобларни ташкил этиш учун ҳисоб марказлари (расчетный центр) бир йил ўтгандан сўнг уларнинг ўрнида клиринг марказлари ташкил этилди. Лекин уларнинг номи ўзгаргани билан функциялари бир хил эди, яъни улар банклар ўртасидаги ҳисоб-китобларни ташкил қилар эдилар. Бир шаҳардаги ҳисоб-китобларни олиб бориш учун 871-ҳисоб рақами (Бир шаҳар ичидаги банклараро ўзаро ҳисоб-китоблар) дан фойдаланилар эди. Турли шаҳарларда жойлашган банклар бир-бирларига вакиллик ҳисобварағи очиб ўзаро муносабатлари шу ҳисоб варақалари орқали олиб борилар эди.

1995 йилда Марказий банк томонидан халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни тезлаштириш мақсадида барча ҳудудий марказий банк бошқармалари қошида ҳисоб-марказлари ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди. Клиринг марказлари тугатилди. Почта орқали жўнатиладитган огохномалар ҳам бекор қилинди. Янги ҳисоб-китоб тизими «электрон почта» тўлов тизими жорий этилди.

2§. Вакиллик ҳисобварақлари орқали банкларнинг муносабатлари.

Ҳозирги пайтда тижорат банклари ўртасидаги банклараро ҳисоб-китоблар Марказий банк орқали ўтказилади. Бунинг учун Марказий банк қошидаги ҳисоб-китоб маркази ташкил этилган.

Тижорат банклари ўзларининг банклараро муносабатларини олиб бориш учун ҳисоб-китоб марказида вакиллик ҳисоб-варағини очишлари лозим.

Тижорат банкининг вакиллик ҳисобварағи икки хил йўл билан очилиши мумкин.

- Ҳудудий бошқарма тижорат банкларининг барча бўлимлари учун марказий банк ҳудудий бош бошқармасида минтақа бўйича ягона вакиллик ҳисобварағи очади. Ҳар бир бўлимга эса алоҳида субҳисобварақалари очилади;
- Тижорат банкининг ҳар бир бўлими учун алоҳида Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармасида вакиллик варағи очилади.

Вакиллик ҳисоб варағи очилаётганда Марказий банкнинг худудий бош бошқармаси ўртасида вакиллик муносабатлари тўғрисида шартнома тузилади. Тижорат банки вакиллик ҳисоб варағи очилишини расмийлаштириш учун ҳудудий бошқармага ҳисоб варақ очиш тўғрисидаги ариза, банк уставининг нотариал тасдиқанган нусхаси, имзолар ва мухр изи туширилган варақларининг нотариал тасдиқлаган нусхаси ва бош банк аризаси ёки илтимосномаси тақдим этилади.

Вакиллик ҳисобварағи Марказий банк фармойишига кўра очилади. Вакиллик ҳисоб варақалари номерини ва банк кодини банк депозитлари Миллий Ахборот Базаси (БДМАБ) белгилайди. Вакиллик ҳисоб варағи очиш тўғрисидаги фармойиш тижорат банки ҳудудий бошқармаси ва бўлимига, унинг нусхаси Республика Марказий банкнинг тегишли худудий бош бошқармасига жўнатилади.

Шундай қилиб, банкнинг вакиллик ҳисоб варағи бу-тижорат банкига Ўзбёкистон Республикаси Марказий банки ҳудудий бош бошқармаларининг

ҳисоб - китоб марказларида очилган ҳисобварак бўлиб, у банклараро ҳисоб-китобларини ўтказишга мўжаллангандир.

Вакиллик ҳисобварағи ҳам бошқа ҳисобварақлар сингари 20 разряддан иборат. Ҳисоб-китоб марказида вакиллик ҳисобварақлари тижоарт банкларига ҳамда ҳисоб касса марказларига очилади. Бошка банкларга очилган вакиллик ҳисобварақлари 21302- баланс ҳисоб рақами бўйича, ҳисоб касса марказларига очилган вакиллик ҳисобварақлари 21304 - баланс ҳисоб рақами орқали олиб борилади. Масалан:

21302000К00000410001

бунда:

1 21302 - резидент банкларнинг вакиллик ҳисобварағи.

2 000 - валюта коди, бу 3 та ноль вакиллик ҳисобварағининг «сўм» да юритилишини билдиради.

3 К - назорат калити

4 00000410 - банкнинг уникал коди. Парвина банки бўлимининг Тошкент шаҳар коди 00410 Лекин ҳар бир ҳисоб варакда уникал код учун 8 та рақам ажратилгани сабабли, бу код ноллар билан тўлдирилади.

5 001 - ушбу банк ҳисоб варағининг тартиб номери

Юқорида кўрсатилган вакиллик ҳисоб варағи ҳисоб-китоб марказида юритилиб ХКМ учун пассив ҳисоб варақлардир. Маблағларнинг келиб тушиши ва ҳисоб варағ қолдиғи ҳисоб варақининг кредит қисмида, маблағларнинг камайиши эса унинг дебет қисмида акс эттирилади. Барча тўловлар вакиллик ҳисобварағи қолдиги чегарасида амалга оширилади.

Ҳар бир банкнинг ўзи ҳам вакиллик ҳисоб варағини юритади. Бу ҳисоб варақ банк балансининг актив қисмида юритилиб, банкнинг ички вакиллик ҳисобварағи деб номланади. Ички вакиллик ҳисобварағи 10301 баланс ҳисобварағида юритилади. Тижорат банкининг ҳисоб-китоб марказида очилган вакиллик ҳисобварағи ташки вакиллик ҳисобварағи деб юритилди. Тўловни амалга ошириш учун асосий мезон операцион куннинг бошида ички ва ташқи вакиллик ҳисобварақаларидаги оборотларнинг ва қолдик маблағларининг бир-бирига мос келиши ҳисобланади. Тўловнинг энг катта суммаси чекланмаган. Ҳар куни эрталаб ҳисоб маркази тамонидан берилган тижорат банки ҳисобварағидан кўчирмаси тижорат банки томонидан тасдиқлангандан сўнг ушбу ҳисобварак бўйича янги кун операциялари бошланади.

Шундай қилиб, банклараро ҳисоб-китоблар ҳисоб-китоб маркази орқали ташкил этилади. Ҳисоб-китоблар маркази - бу Ўзбекистон Республикаси Марказий банки худудий бош бошқармаларининг бухгалтерия ҳисоби, ҳисоб ва ҳисоб-китоблар бошқармасининг бўлими бўлиб, унинг функциясига банкларнинг вакиллик ҳисоб-китоб варақларига хизмат кўрсатиш ва банклараро ҳисоб-китобларнинг узликсизлигини таъминлаш киради.

Ҳисоб-китоб марказлари маълумотларини қабул қилиш , назорат ва узатишнинг автоматлашган тартибига эга бўлган тўлов тизимининг ишончлилиги ва хафсизлигини мустахкамлаш мақсадида ташкил этилган эди.

Ҳозирги кунда бу марказлар электрон тўловлар тизими асосида банклараро ҳисоб - китобларни олиб бормоқдалар.

3§. **Электрон тўлов тизимининг жорий этилиши.**

Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларига ўтиши билан банк тизимида бир қатор ўзгаришлари бўлиб ўтди. Икки поғонали банк тизими пайдо булди. Тижорат банкларининг шахобчалари кенгайтирилди. Бундан ташқари турли мулкчилик шаклларининг пайдо бўлиши банклар ўртасидаги муносабатларнинг кўпайишига олиб келди. Шу муносабатлар бўйича ҳисоб-китобларни ўз вақтида тезкорлик билан амалга ошириш учун янги автоматлаштирилган тизимни жорий этиш зарурати туғилди.

Илгари почта ёки телеграф орқали тўлов ҳужжатлари бир банкдан иккинчи банкка жўнатилганда тўловлар бир неча кунга, хатто 15-20 кунга чўзилиб кетар эди. Бундан ташқари, ноқонуний авизоларни жўнатиш ҳоллари ҳам кузатилган эди. Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида янги тўловлар тизимини жорий этиш масаласи кун тартибига қўйилди. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йилнинг 18 мартидаги 146-сонли «Банк тизимини ривожлантириш ва пул муомаласини барқарорлаштириш чора-тадбирлари» ҳақидаги қарорида банклараро ҳисоб-китобларни яхшилаш билан боғлиқ бўлган бир қатор вазифалар белгилаб берилган эди. Улар қуйидагилардир:

1. Компьютер марказларини жорий этиш;
2. Электрон почта тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
3. Ҳисоб ишларини автоматлаштириш;
4. Ноқонуний ҳисоб-китоб операцияларини ўтказишнинг олдини олиш;
5. Ноқонуний авизо (огоҳнома)ларни расмийлаштиришга йўл қўймаслик.

Кўпгина тижорат банкларида банкнинг ҳисоб ишларини механизациялаш даражаси жуда паст эканлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банклараро ҳисоб-китобларни электрон почта тизими орқали ташкил этишга қарор қилди. Электрон почта орқали тўловлар тизимининг техник жиҳатдан ўрнатишнинг унча қиммат эмаслиги,қисқа муддатда тадбик этилиши, кадрларни тез муддатларда укитилиши янги тизимнинг жорий этилишини тезлаштирди.Дастлаб тажриба ўтказилди. 1994 йилнинг июль-октябрь ойларида Марказий банк томонидан дастур ишлаб чиқилди ва шу йилнинг 1-октябридан эътиборан электрон почта тизимидан тажриба сифатида фойдаланила бошланди. Тажриба давомида уни ишлатиш бўйича узгаришлар киритилди. Дастлаб тўловларни 2-4 кун ичида ўтказилишга эришилди.

Иқтисодиётда ҳисоб-китобларни тезлаштириш мақсадида 1995 йил бошидан бошлаб ҳар бир вилоят Марказий банк қошида худудий ҳисоб марказларини ташкил этишга қарор қилинди. Ҳар бир райондаги илгари фаолият кўрсатиб келган клиринг марказлари ёпилиб,уларнинг фаолияти тўхтатилди.Шу муносабат билан оддий почта авизолари бекор қилинди. Республика ичидаги барча ҳисоб-китоблар узоғи билан икки кун ичида ўтказилиши белгилаб берилди. Шу тариқа электрон тўловлар тизими жорий этилди.

Электрон тўловлар тизими бу-умумдавлат тизими бўлиб, банклараро тўловларни ташкил этади ва у қоғозсиз технологияларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки электрон почта воситалари орқали ўтказилишига асослангандир. Ҳозирги кунда электрон тўловлар тизими юқори ўтказиш имкониятига эга бўлиб, тўловларнинг республика микесида 15-20 дакика мобайнида ўтишини таъминлайди. Бир худуд, яъни вилоят ичида эса тўловлар 3-5 дақиқа ичида якунланади.

Электрон тўловлар тизими қуйидаги функцияларни бажаради:

1. Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни жадаллаштириш;

2. Узатиладиган электрон тўлов ҳужжатларини рухсатсиз ташқи дахл этишдан ҳимоя қилиш:

3. Банкларнинг вақтинча пул ресурсларидан самарали фойдаланиш;

4. Кредит ва хатарлилик даражасини бошқариш;

5. Тўлов операцияларини тартибга солувчи қонун ва қоидаларга риоя қилиш;

6. Тижорат банклари томонидан амалдаги қонунчиликка ва банк фаолияти меъерий ҳужжатларига риоя қилиниши бўйича Марказий банкнинг назорат ва кузатув функцияларини бажариш;

7. Маълумотлар базасини яратиш.

Электрон тўловларни ўтказишда инициатор ва бенифициар банклар иштирок этади.Инициатор банк бу-тўлов операцияларини бошловчи банк, бенифициар банк эса тўлов операцияларини якунловчи банкдир. Банклар ўртасидаги ҳисоб-китоблар электрон тўлов ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Электрон тўлов ҳужжати Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган шаклда пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари асл нусхаси асосида яратилган «электрон» белгили ҳужжат бўлиб,унинг асосий нусхаси ҳисобланади ва асл нусха кучига эга бўлади. Электрон тўловлар тизимида узатиш учун мулжалланган ҳужжатларнинг тўғри тўлдирилганлиги учун банк мижози жавобгар бўлади. Худудий ахборотлаштириш Марказига қайта ишлаш учун узатиладиган электрон тўлов ҳужжатларини ҳисоблаб ўтказиш, ҳисобдан чиқариш ва уларнинг электрон файлларини шакллантирилиши тўғрилиги учун жавобгарлик инициатор-банкка, худудий ахборотлаштириш марказидан қабул қилинадиган тўлов ҳужжатлари учун жавобгарлик эса бенифициар банкка юклатилади. Электрон тўлов тизими бир қатор принциплар асосида фаолият кўрсатиб, улар қуйидагилардир:

1. Тўловлар бўйича трансакцияни ўтказиш ташаббуси инициатор-банкка тегишли бўлади;

2. Тўловни амалга оширишдан олдин операцион куннинг бошида тижорат банкларининг ички ва ташки вакиллик ҳисобварақларидаги оборотлар ва қолдиқ маблағлари бир-бирига мувофиқлиги текширилади;

3. Амалга оширилган трансакция қайтарилмайди.

4. Тўловларнинг энг юқори суммаси чекланмаган

5. Тўловлар инициатор - банк томонидан вакиллик ҳисоб варағидаги маблағ қолдиғи чегарасида тўланади. Ундан ортиқча маблағ сарфлаш овердрафт суммаси миқдорида амалга оширилиши мумкин.

Электрон тўловлар иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Ахборотлаш марказлари ва ҳисоб-китоб марказларидир. Электрон тўловлар тизимидан фойдаланувчилар ҳисоб-китоб касса марказлари ва тижорат банкларидир. Электрон тўловлар тизими иштирокчилари ва фойдаланувчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тижорат банклари , ахборотлаш марказлари ва ҳисоб - китоб марказлари ўртасида тузилган шартнома билан тартибга солиниб турилади.

Ҳар бир банк электрон тўловлар тизимига кўшилиши учун аввало Республика Марказий банкида руйхатга олинган ҳамда БДМАБ томонидан уникаль код берилган бўлиши лозим. Шу билан бирга ушбу банк электрон тўловлар тизимига чиқиш имкониятини берадиган тегишли дастурий мажмуага эга бўлиши лозим. Шундан сўнг банк электрон тўловлар тизимига улангунча ахборатлаштириш бош маркази ходимлари ёрдамида маълумотларни қабул қилиш, узатиш бўйича бир неча синов тажрибаларини ўтказиш йўли билан банк тайёргарлигининг ҳафталик тажриба текшируви ўтказилади. Бундай тажриба текширув ишлари ижобий натижа олгунча давом эттирилади.

Тажриба тугагандан сўнг ҳудудий ахборатлаштириш марказида банкнинг элекрон тўловлар тизимида ишлашга тайёр эканлиги тўғрисида далолатнома тузилади ва банк электрон тўловлар тизимига кўшилади.

Шундай қилиб, электрон тўлов тизими оддий почта-телеграф тизимидан бутунлай фарқ қилади. Буни электрон тўлов тизимининг қатор афзалликлари орқали яққолроқ кўриш мумкин.

1-жадвал

Электрон тўловлар тизимининг ижобий томонлари

№	Асосий кўрсаткичлар	Электрон тўлов тизими	Почта-телеграф тизими
1	Тўлов муддати	Бир неча дақиқа	2 - 7 кун (баъзан ундан кўпроқ)
2	Ишловчилар сони. Тошкент шаҳар ҲКМ.	7	20
3	Йиллик балансниng ёпилиши	Жорий йилнинг 31 декабрь куни	Келаси йилнинг март-апрель ойлари
4	Ноқонуний ўзлаштиришдан ҳимоя	- тармоқ протокол ҳимояси; - пароль химояси; - узатиладиган файлларнинг шифрланиши; - ишловчи ходимлар малакаси.	Ходимлар малакаси
5	Архивлаштириш	- электрон архивлаштириш.	Папкадаги қоғоз ҳужжатлар кўринишидаги архив

Электрон тўлов тизимининг камчиликлари ҳам мавжуд бўлиб, уларга компьютер технологияси ва телекоммуникацияларни сотиб олиш учун катта миқдордаги молиявий қўйилмалар талаб этилиши ва турли техник муаммоларнинг келиб чиқишини келтириш мумкин.

4§. Ҳисоб -китоб марказларининг 2003 йил 1 октябргача бўлган фаолияти

Ҳисоб - китоб марказлари электрон тўлов тизимига уланган тижорат банклари билан белгиланган вақт давомида алоҳида тармок орқали ахборат алмашиш тартибида иш олиб боради. Электрон тўлов тизими бўйича иш куни бошланишидан банкларнинг ички ва ташқи вакиллик ҳисобварақларининг қолдиқлари ва оборотлари қийматининг мослиги таҳлил қилингандан сўнг банкларга тизимда ишлашга рухсат этилади. Файлларни қабул қилиш қайта ишлаш ва назорат қилиш , жўнатиш автоматик режимда сеанслар бўйича амалга оширилади.

Банклардан келган ҳар бир электрон файл бир дақиқа интервал билан қайта ишлаб турилади. Келган ҳар бир файл ички назоратдан ўтказилади Текширувдан муваффақиятли ўтган файл ҳисоб-китоблар марказида қайта ишлашга рухсат этилади. Келиб тушган тўлов турига қараб ХКМда бухгалтерия проводкалари амалга оширилади. Лекин текширув жараёнида бирор бир ёзувида хато чиқса ҳам файл тўлиғича банкка қайтарилади.

Вақт ўтиши билан банклараро ҳисоб-китобларнинг тартибига ўзгаришлар киритилиб, такомиллаштирилиб борилади.

Масалан, 1996-2003 сентябргача банклараро хисоб-китоблар барча банкларга ва уларнинг филиалларига Марказий банкнинг Хисоб-китоб марказида алохида вакиллик хисобварағи орқали амалга оширилган бқлса, кейинги вақтда ягона вакиллик хисобварағи орқали ташкил этила бошланди. Қуйида 2003 йил охиригача банклараро ҳисоб-китобларни ташкил этиш тартиби билан танишиб чиқамиз.

Ҳисоб-китоб марказида банклараро оборотларни ўтказиш учун бир қатор ҳисобварақлар юритилади. Энг кўп ишлатиладиган ҳисоб варақлар ҳисоб - китоблар маркази балансининг актив қисмидаги 17400 ва баланснинг пассив қисмидаги жойлашган 27400 ҳисобварақларидир. Бу иккала ҳисобварақлар транзит ҳисобварақлар бўлиб, 17400 ҳисобварак олинадиган банклараро оборотларни, 27400 ҳисобварақ тўланадиган банклараро оборотларни ҳисобга олиш учун ишлатилади. 17400 ва 27400 ҳисобварақлар асосий ҳисобварақлар бўлиб, уларнинг ҳар бири бир нечтадан субҳисоб варақларни ўз ичига олади. Улар ҳақида қуйида тўхталиб ўтамиз.

Ҳисоб-китоблар марказидан ўтадиган барча тўловлар ҳудуд ичидаги ва ҳудудлараро тўловларга бўлинади.

Тўловларнинг ҳар бир бўлимини алоҳида кўриб чиқамиз

а) Худуд ичидаги банклараро ҳисоб-китоблар ҳисоби

Бир ҳудуд ичида банклараро ҳисоб китоблар - бу бир ҳисоб китоб марказида очилган вакиллик ҳисобварағига эга бўлган банклар орасидаги ҳисоб-китоблардир. Ҳудуд ичидаги банклараро ҳисоб-китобларни ўтказиш учун 27416 баланс ҳисобварағи ажратилган. 27416 ҳисоб варағининг номи «Бир ҳисоб китоблар Маркази ичидаги ўзаро ҳисоб китоблар»дир. Бир ҳисоб-китоб марказида хизмат кўрсатадиган банкларнинг барча электрон тўлов ҳужжатлари 27416 - баланс ҳисоб варағида ҳамда тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварағида акс эттирилади. Тижорат банкларидан электрон ҳужжатларни қабул қилиб олган ҳисоб-китоб маркази уларни банклар бўйича саралайди. Бу ҳужжатларнинг ўзи алоҳида дебет ва кредит ҳужжатларига бўлинади. Шундан кейин дебет ҳужжатлари бўйича алоҳида, кредит ҳужжатлари бўйича алоҳида бухгалтерия ёзувлари ўтказилади. Дебет ҳужжатлари бўйича дастлаб қуйидаги проводка ўтказилади.

Дебет 27416
Кредит 21302 ТБ «А»

Бир вақтнинг ўзида қуйидаги жавоб проводкасси ўтказиалади.

Дебет 21302 ТБ «Б»
Кредит 27416

Бу икки ёзув орқали биз 27416 ҳисоб варағининг транзит ҳисоб варак эканлиги ва бир вактнинг ўзида ёпилишини кўришимиз мумкин.

Ҳисоб-китоб Марказларига тижорат банкларига тушадиган ҳужжатларнинг асосий қисми кредит ҳужжатларидир. Кредит ҳужжатлари бўйича ҳам ҳисоб-китоб Маказларида бухгалтерия ёзувлари ўтказилиб улар қуйидагилардир.
Бир тижорат баанкининг вакиллик ҳисобварағида пул маблағларининг камайиши бўйича:
Дебет 21302 ТБ «А»
Кредит 27416

Иккинчи тижорат банкининг вакиллик ҳисоб варағида пул маблағларининг камайиши бўйича:

Дебет 27416
Кредит 21302 «Б»

Тижорат банкларининг вакиллик ҳисоб варағидан маблағларни ҳисобдан чиқариш ва вакиллик ҳисобварағига маблағларни ўтказиш ҳар бир келиб тушган ёзувнинг қайта ишлаш жараёни билан бир вақтда амалга оширилади, шунинг учун барча тўлов ҳужжатлари бир вақтнинг ўзида 27416 ҳисобварағининг ҳам дебети ҳам кредити бўйича акс эттирилади.

Бу ҳол ҳар бир операция бўйича ва мос равишда кун якунлари бўйича 27416 - ҳисоб варағининг автоматик равишда ёпилишига олиб келади, яъни ҳисобварақ қолдиғи нольга тенг бўлади 27416-ҳисоб рақамининг 0 га ёпилиши бир ҳисоб-китоблар Марказига қарашли тижорат банклари ўртасида ҳисоб-китобларнинг муваффақиятли якунланганлигини кўрсатади.

Бир ҳудуд ичидаги барча тўловлар тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварағи бўйича чиқариладиган кўчирмаларда 27416 - шахсий жавоб варақада ва ҳудуд ичидаги ўтказмалар журналида акс эттирилади. Уларни кун охирида мажбурий тартибда берилади. Ҳудуд ичидаги банклараро ҳисоб китоблар таққосланмайди, лекин улар бўйича ҳисоб тузиб борилади. Марказий банкка бериладиган ҳисобот учун ҳудуд ичидаги тўловлар бўйича 606 - шаклдаги тузилган ҳисобот Тошкент шаҳри ахборатлаштириш бош марказига топширилади. Унда кун бўйича ҳисоб-китоб марказидан ўтадиган ҳудуд ичидаги дебет ва кредит оборотларининг умумий суммаси сони кўрсатилади.

б) Ҳудудлараро ҳисоб - китоблар ҳисоби

Банклараро ҳисоб-китоблар бир вилоят ичидаги ҳисоб-китоблар маркази орқали амалга оширилиб қолмай вилоят ташқарисига ҳам чиқиши мумкин. Бунда банклараро ҳисоб-китоблар вилоят марказий банки бошқармалари қошида очилган Ҳисоб-Китоб марказлари орқали ўтказилган.

Турли Ҳисоб-Китоблар марказида вакиллик ҳисобварағига эга бўлган банклар ўртасидаги ҳисоб-китоблар ҳудудлараро ҳисоб-китоблар деб юритилади.

Ҳудудлараро ҳисоб-китобларда Ҳисоб-Китоблар марказларидан ўтадиган барча электрон тўловларнинг филиалларараро оборотлари ҳисоб-китоблар марказларида очиладиган қуйидаги ҳисобварақларида акс эттирилади.

27402-жорий куннинг бошланғич авизоси
17405 - жорий кунининг жавоб авизоси
17409 - жорий куннинг таққосланган авизоси

27414- таққосланмаган кредит авизоси

Ҳар бир тижорат банкидан келиб тушган барча электрон тўлов ҳужжатлари асосида ҳисоб-китоблар марказида дебет ва кредит электрон авизолар шаклланади. Ҳудудлараро ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича ҳам бухгалтерия ёзувлари алоҳида кредит ва дебет, алоҳида кредит электрон авизолар бўйича дастурий йўл билан амалга оширилади. Худудлараро банклараро тўловларни бир ҳисоб-китоб маркази бошлаб беради, иккинчи ҳисоб маркази эса уларни қабул қилади, яъни операцияларни якунлайди. Операцияларни бошлаб берувчи ҳисоб-китоблар марказида қуйидаги бухгалтерия ёзувлари ўтказилади:

Дебет 21302 ТБ «А»
Кредит 27402

Тушуниш осон бўлиши учун кредит авизолари бўйича операцияларни келтирамиз. Юқоридаги бухгалтерия ёзуви ҳам кредит авизолари бўйичадир. Бу бухгалтерия ёзуви биринчи ҳисоб-китоблар марказида тўловчи тижорат банкининг ҳисоб варағидан пул камайтирилиб куннинг боланғич авизоси ҳисоб варағига ўтказилгани ва бошланғич банклараро оборотлар бажарилганлигини билдиради.

Ҳисоб-китоблар марказида бошқа (биринчи) ҳисоб-китоблар иккинчи марказининг тижорат банкиданг олинган электрон авизолар бўйича дастурий усулда қуйидаги жавоб бухгалтерия ёзуви ўтказилади.

Дебет 17405
Кредит 21302 ТБ «Б»

Бу бухгалтерия ёзуви биринчи ҳисоб-китоблар Марказидан келган электрон авизога жавобан, электрон пулларни жорий куннинг жавоб авизоси ҳисобварағи орқали «Б» тижорат банкининг вакиллик ҳисобварағига ўтказилганлигини билдиради. Бошқача қилиб айтганда, бир ҳисоб-китоб маркази бошлаган банклараро операцияси иккинчи ҳисоб-китоб марказида якунланади.

Барча ҳудудлараро ҳисоб-китоблар тижорат банкининг вакиллик ҳисобварағларида ва 17405, 27402 - баланс ҳисобварақларининг шахсий ҳисобварақларида акс эттирилади. Ҳисоб-китоблар Марказидан жўнатилган электрон тўлов ҳужжатлари асосида «Ҳудудлараро ҳисоб-китоблар бўйича жўнатилган ҳужжатларнинг электрон авизолари рўйхати ва 606-шаклдаги ҳисобот тузилади. Олинган электрон авизолар бўйича эса «Ҳудудлараро олинган ҳисоб-китоблар бўйича олинган электрон авизолар руйхати» тузилади.

Ҳисоб-китоб марказларида яратилган (яъни тижорат банкларидан олинган ҳужжатлар асосида шакллантирилган) дебет ва кредит авизолар асосида ҳар куни 606 шаклдаги ҳисобот шаклланади. Ҳудуд ичидаги ва ҳудудлараро тўловлар мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳам ҳисобот тузилади, лекин бу ҳисобот шакли кунлик айланмаси ноль ҳолида тузилади. Бунда айланмалар йил бошидан бошлаб ҳисоботда акс эттирилади.

Ҳудудлараро ҳисоб-китоблар бўйича 606 - ҳисобот шакли тизими вақти қатъий чегараланган, чунки бундай ҳисоб-китоблар бўйича таққослаш операциялари ўтказилади. Таққослаш учун ўз вақтида олинган маълумотлар асосида электрон табуляграмма тузиш лозим бўлади.

Тузилган ҳисобот компьютер экранига чиқарилади, сўнгра маълумот тарзида қоғозга босиб чиқарилади. У рўйхат билан ёки ҳудудлараро тўловлар ва 27402 ҳисобрақамининг шахсий ҳисобварақлари билан филиаллар ҳисобварақаларини ёзиш бўйича бухгалтерия ёзувларини ҳисобга олмаган ҳолда таққосланади. Тузилган ҳисобот Ахборатлаштириш Марказига берилади. Бу ерда ҳисобот текширувдан ўтказилади ва берилган ҳисобот бўйича тасдиқ файли тузилади ҳамда ҳисоб-китоблар марказига жўнатилади. Тасдиқ файлини олгандан сўнг ҳисоб-китоб марказларида улар қайта ишланади. Қайта ишлаш жараёнида хатолар топилиши мумкин, бундай ҳолларда ҳисобот хатоларни тузатган ҳолда қайта тузилади ва Ахборотлаш бош марказига юборилади.

Умуман, ҳисобот давридаги ахборатлар жорий кун учун 27402 - ҳисоб рақам бўйича куннинг охиридаги қолдикка тенг бўлиши шарт. Йил бошидан ҳисобланган оборотлар йил бошидан бошлаб 27402-ҳисоб рақам бўйича соф оборотларга тенг бўлиши лозим

Ҳисоб-китоблар марказидан 606 ҳисобот ва электрон авизоси билан олинадиган файллар Ахборатлаш бош марказида «филиаллараро оборотлаш текшируви» бўйича кейинги босқичда қайта ишланади. Бундай текширувни ўтказишдан мақсад «таққослаш» вазифасини бажариш учун электрон табуляграммаларни шакллантиришдир.

Электрон тўловлар тизимида ҳудудлараро ҳисоб-китоларни амалга оширилишини назорат қилиш учун Ҳар бир ҳисоб-китоблар марказида таққослаш вазифаси ўрнатилган. Тоққослаш вазифасининг моҳияти кун давомида Ахборатлаштиришнинг бош марказидан олинган электрон табуляграммаларни барча жавоб электрон авизолар билан солиштиришдир. Ушбу вазифа ҳисоб-китоблар маркази амалиёт кунининг бажарилиши шарт бўлган якуний босқич бўлиб ҳисобланади. Ахборатлаштириш бош марказидан табуляграммалар олингандан сўнг ҳисоб-китоблар марказида « таққослаш» вазифасини амалга ошириш бошланади. Бу вазифани башариш жараёнида табуляграммалар тўплами ва кун давомида ҳисоб-китоблар марказидан ўтган жавоб авизолар тўпламининг маълумотлари қуйидаги асосий белгилар бўйича таққосланади.

- «А» банкнинг коди
- «Б» банкнинг коди
- мижозлар ҳисобварақалари номери
- авизо рақами, санаси, суммаси

Таққослаш натижалари бўйича филиаллараро ҳисобварақаларининг ёпилиши билан якунланадиган ҳисоб-китоблар марказининг ҳисоб варақалари бўйича тегишли бухгалтер ўтказмалари бажарилади. Юқорида кредит авизоларни мисол қилганимиз учун кредит авизолар бўйича ўтказмаларни кўриб чиқамиз. Таққослаган авизолар учун ҳисоб-китоблар марказида қуйидаги бухгалтерия ёзувлари кайд этилади.

Дебет 17409
Кредит 17405

Жавоб электрон авизолар рўйхатда топилмаса ёки икки белги бўйича қиёсланмаса бундай авизолар таққосланмаган авизолар бўлиб ҳисобланади. Таққосланмаган кредит авизолар бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари бажарилади.

Дебет 17409
Кредит 27414

Таққослаш вазифасини ҳал ҳилиш жараёнининг охирги босқичида филиаллараро оборотлар ҳисоб варақаларини ёпиш автоматик тарзда амалга оширилади. Филиаллараро оборотлар бўйича ҳисобварақалари фақат Тошкент ҳисоб-китоб марказида очилган 27418 транзит ҳисобварақалари орқали ўтказмалар асосида ёпилади.

Тошкент шаҳар ҳисоб-китоблар марказида барча ҳудудий ҳисоб-китоб маказларидан филиаллараро оборотлар ҳисобварақаларини ёпиш тўғрисида электрон авизолар олингандан сўнг дастурий тарзда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади.

Дебет 17405
Кредит 27418

Дебет 27418
Кредит 17405

606-шаклдаги ҳисобот барча ҳисоб-китоблар марказларидан ўз вақтида олинса ҳамда Тошкент шаҳар ҳисоб-китоблар марказига филиаллараро оборотлар ҳисоб иварақларини ёпиш бўйича электрон авизо юборилса, амалга оширилган ўтказмалар натижасида 27418- ҳисоб рақам ҳар куни 0 га ёпилади. Бу Республика бўйича олинган операцион кун бўйича ҳудудлараро барча ҳисоб-китоблар тўғри якунланганлигини кўрсатади.

5§. Банклараро ҳисоб-китобларнинг 2003 йил 1 октябрдан бошлаб ташкил этилиши.

Республикамизда тўлов тизими йил сайин такомиллашиб бормоқда. Бу эса банклараро ҳисоб-китобларни ўтказиш технологияларига қатор ўзгаришларни киритилишни тақозо қилмоқда. Банклараро ҳисоб-китоблар ҳам мазмуман, ҳам сифат жиҳатидан аввалги йилларига нисбатан ўзгармоқда.

Барча ҳисоб китоблар банклар орқали ўтказилади. Пул ўтказувчи ва пул олувчи томонлар бир банкнинг мижозлари бўлиб, улар ўртасидаги ҳисоб-китоблар бир банкда бошланиб шу банкнинг ўзида якунланади, яъни бир корхона ҳисобварағидан пул маблағлари суммаси камайиб ушбу сумма иккинчи корхона ҳисобварағига ўтказиб қўйилади. Ҳисоб китоблар кўпинча бир банкдан ташқарига ҳам чиқиши мумкин. Бу ҳолларда ҳисоб китоблар бир банк тизими ичида бўлиши мумкин, масалан, фақат Саноатқурилишбанки ичида. Бундай ҳолда Саноатқурилиш банкининг бирор филиали ушбу банкнинг

бошқа филиали билан ҳисоб-китобларни ўтказади. Шу билан бирга турли банклар ўртасида ҳам ҳисоб-китоблар юзага келиши мумкин. Масалан, Саноатқурилишбанки банки билан АТ Пахта банки ўртасида банклараро ҳисоб китоблар ўтказилади. Бу ҳолда пул тўловчи корхона Саноатқурилишбанкининг мижози бўлса, пул олувчи корхона эса АТ Пахта банкнинг мижози бўлади. Улар ўртасидаги ҳисоб-китоблар Саноатқурилишбанки ва Пахта банки орқали амалага оширилади.

Шундай қилиб, барча ҳисоб-китобларни 3 гурухга бўлишимиз мумкин.

1. Бир банк филиали ичидаги ҳисоб-китоблар
2. Бир банк ичидаги филиаллараро ҳисоб-китоблар
3. Турли банклар ўртасидаги банклараро ҳисоб-китоблар


Бу уч гуруҳ ҳисоб-китобларда тўловларни ўтказиш технологияси турлича бўлиб уларни хар бирини алоҳида кўриб чиқамиз

6§. Тўловларни ўтказиш технологиялари

а) Бир банкнинг мижозлари бўлган субъектлар ўртасидаги ҳисоб-китобларни ўтказиш технологияси

Бир банкнинг мижозлари ўртасидаги ҳисоб-китоблар шу банкнинг ўзида ўтказилади. Бу ҳолда банклараро ҳисоб-китоблар вужудга келмайди. Буни қуйидаги схема орқали яққолроқ кўриш мумкин.

7-схема



Ушбу схемага қуйидагича изоҳ берамиз. Тўловчи ва олувчи ўртасида шартнома имзолангандан сўнг, тўловчи ўз банкига топшириқнома топширади. Банк топшириқномага асосан тўловчининг ҳисобварағидан пулни ўтказади ва бу хақда сотувчи ва тўловчига шахсий ҳисобварақдан кўчирма беради. Сотувчи

тўловчига маҳсулот жўнатади. Шундай қилиб, ҳисоб-китоблар тез ва осон якунланади.

Энди бир банк тизимидаги филиаллараро ҳисоб-китобларни кўриб чиқамиз.

б) Бир банка тегишли филиаллар ўртасидаги банкларараро ҳисоб-китоблар

Бир банк филиаллари ўртасида ҳисоб-китоблар дебет ҳужжатлари бўйича алоҳида, кредит ҳужжатлари бўйича алоҳида бухгалтерия проводкалари ёрдамида бажарилади. Пул маблағларини ўтказиш аввало тўловчи банк филиалида амалга оширилади. Бунда тўловчи корхона ҳисобварағидан маблағлар ҳисоб-китоб ҳужжатида кўрсатилган суммага камайтирилади. Ушбу банкдан пул маблағлари чиқиб кетаётганлиги сабабли банк филиалининг банкларараро ҳисоб-китоблар ҳисобварағи ҳам камайтирилади. Бу операция қуйидаги бухгалтерия проводка ёрдамида ифодаланади.

Дебет тўловчи мижознинг ҳисобварағи

Кредит 16103 Банкларараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган ҳисобварақлар.

Бош банк ахборотни қабул қилиши билан дастурий йўл билан филиаллар ўртасида маблағларни ўтказиш бўйича бухгалтерия проводкаларини бажаради, яъни бир банк филиалининг вакиллик ҳисобварағидан иккинчи банк филиалининг ҳисобварағига пул маблағлари ўтказилади. Бу операция қуйидаги бухгалтерия проводкаси орқали бажарилади.

Дебет 22204 «А» филиали

Кредит 22204 «Б» филиали

Бу проводка иницатор банк ҳисобварағидаги пул маблағлар бенифицкор банкнинг ҳисобварағига ўтказилганини билдиради.

Бенифицкор банк Бош банкдан ўзига тегишли бўлган пул маблағларини қабул қилганда дастурий йўл билан қуйидаги бухгалтерия проводкасини бажаради.


Дебет 16103 «Банкларараро ҳисоб-китоблар» бўйича олинадиган ҳисобварақлар

Кредит 20200 Талаб қилингунга қадар сақланадиган депозит ҳисобварақлар

Юқоридагиларни қуйидаги схема орқали яққолроқ кўриш мумкин.

-схема

Бир банкнинг турли филиаллар мижозлари ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг утиш технологияси



Тўловларни ўтказиш ва қайта ишлаш автоматик тарзда бажарилади. Бош банк филиалларнинг ҳисобварағларида пул маблағларининг етарлилигини назорат қилади, маблағлар етмаганда маблағ билан таъминлаш усулларини ишлаб чиқади

в) Турли банклар ўртасидаги банкларарo ҳисоб-китоблар

Амалиётда кўп ҳолларда икки турли банкларнинг мижозлари бир - бирлари билан хўжалик муносабатларини ўрнатадилар бу эса ушбу банклар ўртасидаги банкларарo ҳисоб-китобларни ўтказишда банк типи ва банк кодига алоҳида эътибор берилади.

Бош банк электрон тўловларни қайта ишлаб ягона вакиллик ҳисобварағи орқали бенифициор банкка жўнатади. Бош банкда бу операциялар дастурий йўл билан қуйидаги проводка билан ифодаланади.

Дебет 22204 Филиалларга, филиаллар ва банкларарo ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган ҳисобварақлар

Кредит 10301 Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи

Банкларарo ҳисоб-китоблар бўйича электрон тўловлар келиб тушганда тўловни олувчи бош банкда дастурий йўл билан ушбу проводка бажарилади.

Дебет 10301

Кредит 22204

Филиаллар банкларарo операциялар бўйича электрон тўловлар келиб тушганда дастурий йўл билан мижознинг ҳисобварағига маблағни тушириш бўйича қуйидаги проводкани бажаради

Дебет 16103 Кредит мижознинг ҳисобварағи


Бош банкда клиринг натижалари бўйича якунлаш операциялари автоматик тарзда ўтказилади. Ягона балансга ўтганда 16103 ва 22204 ҳисобварақлар ўзаро ёпилади.

Турли банклар ўртасидаги ҳисоб-китоблар Тошкент шаҳар ҳисоб-китоб

маркази орқали бажарилади. Бу операцияларни қуйидаги схема орқали кўриш мумкин.

8-схема

Банклараро ҳисоб-китобларнинг ўтиш технологияси



Юқоридаги схемада турли банкларнинг мижозлари ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг 2 бош банк орқали ўтиши мужассамлашган турли банклар ўртасидаги ҳисоб-китоблар схемада кўриб турганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар ҳисоб-китоб маркази орқали ташкил этилади.

7§. Ўзбекистонда электрон ахборотларни муҳофаза қилишни ташкил этиш.

Электрон тўлов тизими буйича ҳисоб-китоблар доимий равишда бир банк вакиллик ҳисобварағидан иккинчи банк вакиллик ҳисобварағига ўтказилади, яъни бир банк мижозининг пул маблағлари камайиб, ушбу сумма бошқа банк мижозининг ҳисобварағига ўтказилади. Бундай пул ўтказиш электрон ахборот кўринишида бўлиб, махсус дастур ёрдамида алоқа каналлари орқали бажарилади. Лекин мана шу ахборотлар муҳофазаси энг долзарб масала бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам банк электрон ахборотларини муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилади. Электрон ахборотларни муҳофазасини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларда электрон ахборотларни муҳофазалашни ташкил этиш тўғрисида”ги йуриқнома ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ этилди.

Ушбу йўриқнома банклар ўртасида электрон тўлов тизими орқали ўтадиган ахборотларни муҳофазалашнинг асосий йуналишлари ва уларни

жорий этиш тартибини белгилаб беради. Мазкур йуриқномага банкларда электрон тўлов тизимида ҳисоблаш техника воситалари (кейинги ўринларда ҲТВ) билан хужжатларни тайёрлашда риоя этилиши шарт.

Банк муассасаларида электрон тўлов тизими орқали қабул қилинадиган ва узатиладиган ахборотлар билан ишлаш учун рухсат қуйидаги шахсларга берилади:

а) Банк раҳбари билан амалдаги меҳнат шартномасига мувофиқ тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида ёзма шартнома тузилган ходимга;

б) Бош бухгалтерга (бош бухгалтер бўлмаган ҳолларда, унинг ўринбосарига).

ҲТВ га техник хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган шахслар ҳамда ҲТВдан фойдаланувчилар “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларда электрон ахборотларни муҳофазалашни ташкил этиш тўғрисида”ги йўриқнома, техник воситаларини ишлатиш буйича йуриқномалар, шунингдек, ахборотларни муҳофаза қилиш тартибини белгиловчи бошқа меъёрий хужжатларни ўрганиб чиққач, уларнинг билими текшириб кўрилгандан кейингина ишга қўйилади.

ҲТВ шовқиндан тўсилган, ташқаридан бегоналарни кузатиши мумкин бўлмаган, ишончли ҳимояланган хоналарда ўрнатилади. Ушбу хоналар қуйидаги жиҳозланиш талабларига жавоб бериши шарт:

а) Мустаҳкам деворлар ва ишончли тўсиқларга эга бўлиши;

б) Махсус кодли қулфлар ёки бошқа ишончли қулфлар ўрнатилган мустаҳкам эшиклар билан жиҳозланиши;

в) Деразалар хонага киришдан ҳимоя қилиш воситаларига эга бўлиши, шунингдек бегона шахсларнинг кўз ёки махсус қурилмалар билан кузатишидан ҳимоя қилувчи дераза пардалари, зарур ҳолларда, Ички Ишлар органлари қўриқлаш бўлинмалари билан боғланган огоҳлантириш қўрилмалари билан жиҳозланган бўлиши;

д) ғнғин хавфсизлиги талабларига жавоб бериши.

ҲТВ ўрнатилган хоналарга радио нуқталар, электр соатлар ва бошқа кам қувватли қурилмаларни ўрнатиш, ҳамда улардан фойдаланиш тақиқланади.

ҲТВ ўрнатиладиган хоналар ахборотни ишончли муҳофазалаш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда танланиши лозим. Алоқа технологик участкалар бир – биридан ажратилади. Ҳар бир хонада фақат унга кириш ҳуқуқига эга бўлган кишиларгина ишлашлари зарур.

Банк сири маълумотлари ёзилган ташқи магнит ташувчиларни (дискетлар, CD дисклари, стриммер ленталари ва ҳ.к) сақлашга мўлжалланган хоналар эса махсус металл шкафлар ёки сейфлар билан жиҳозланган бўлиши керак.

Иш фаолияти ҲТВ билан боғлиқ бўлган раҳбарлар тегишли мутахасислар ва юридик хизмат ходимлари билан биргаликда қуйидаги тадбирларни амалга оширилишини таъминлашлари зарур:

а) Тегишли банкка ёки унинг бўлинмасига тааълуқли бўлган банк сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхатини аниқлаш;

б) Зарур ҳолларда, етказилган зарарни қоплаш мақсадида қонунчилик

талабларидан келиб чиққан ҳолда, кўрсатилган ахборотларга эга бўлган ҳар бир ходим билан «Банк сири» ва бошқа хизмат маълумотларини сир сақлаш буйича мажбуриятномани имзолаш;

в) Банк сири ахборотлари ҲТВ дан чиқиб кетиши, бундай маълумотлар ошкор қилинишини ҳамда ҲТВларни йуқолиши ёки ўғирланишининг олдини олиш, қушимча нурланиш ва кузатишлар бўлмаслиги чораларини кўриш.

г) ҲТВ да ишлайдиган шахслар сонини чеклаш чораларини кўриш, банк сири ахборотларидан фойдаланиш учун белгиланган тартибга риоя қилиш;

д) ҲТВни “вируслар” дан ҳимоя қилиш мақсадида компьютер ташкил этувчи қисмларни ва дастурларни рухсатсиз ўзгартиришга, эксперт тасдиғидан ўтмаган ва фойдаланишга тавсия этилмаган дастурларни, шунингдек, компьютер ўйинларини ўрнатишга йўл кўймаслик;

е) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ҲТВ ларни ишлатиш жараёнида ахборотларни муҳофазалаш бўйича меъёрий хужжатлари талабларига риоя қилишни назорат этиш;

ж) Мунтазам равишда ходимларнинг малакасини оширишга доир тадбирларни амалга ошириш ва бошқалар.

Бундай тадбирлар ҳар бир банкда электрон ахборотлар муҳофазасини таъкинлашга ёрдам беради.

Таянч иборалар

Электрон тўлов
Электрон тизим
Электрон почта
Электрон ахборот
Банкларaро оборотлар
Банк коди
Вакиллик ҳисобварағи
Ахборотлар маркази
Бош банк
Банк филиали
Ахборотлар муҳофазаси

Назорат саволлари

1. Банкларaро ҳисоб-китоблар деганда нимани тушунасиз?
2. Банкларaро ҳисоб-китобларнинг ривожланиш тарихи қандай?
3. Вакиллик ҳисобварағиочиш тартиби қандай
4. 2003 йил 1 октябргача банкларaро ҳисоб-китоблар қандай ташкил этилган?
5. Ҳозирги кунда банкларaро ҳисоб-китобларнинг хусусиятини тушунтиринг.
6. Ҳисоб-китобларни ўтказиш технологияларига тавсиф беринг.
7. Электрон ахборотларни муҳофазалаш қандай тартибда амалга оширилади?

4 Боб. Тижорат банкларининг ягона вакиллик ҳисобварағи бўйича ҳисоб-китоблари

1§. Тўлов тизимида ягона вакиллик ҳисобрақамининг тутган ўрни, аҳамияти ва унга ўтилиши.

Республика Марказий банки билан жаҳон банки ўртасида 1998 йил декабрь ойида тузилган шартномага мувофиқ Республика Молия соҳасини ривожлантириш учун кредит ажратилган. Бу лойиха беш йўналишга бўлиниб амалга оширилмоқда. Бу йўналишларнинг бири «Ўзбекистон молия сохасининг ахборот тизимини такомиллаштириш» бўлиб, у ўз ичига қуйидаги вазифаларни олади:

1. Тўлов тизимини такомиллаштириш;
2. Бошқариш учун ахборот тизимини яратиш;
3. Банк телекоммуникация тизимини ривожлантириш;
4. Ахборот тизимининг мухофазасини яратиш.

Юқорида белгилаб берилган вазифаларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан охирги 10 йилда бир қатор ишлар қилинди. Бу борада ривожланган давлатларнинг тажрибаси ўрганилди ва амалиётга татбиқ қилинди.

Жаҳон банки маслаҳатчилари ва экспертлари Ўзбекистонга ташриф буюришганда барча банкларнинг ягона вакиллик ҳисобварағига ва ягона балансга ўтишлари лозимлиги белгилаб берилди.

Маълумки, йирик масштабдаги банклар ресурсларини битта ҳисобрақамга тез йиғиши ва бу рақамдан катта даромад келтирувчи йирик лойиҳаларни молиялаштириш анча қийинчилик туғдиради. Ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон бозорига интеграциялашуви ва янги технологияларнинг ривожланиши ссуда капиталининг банклараро бозорда сотилиши ва сотиб олиниши илгаригига нисбатан анча тезроқ амалга оширишни талаб қила бошлади. Йирик банклар Япониядаги биржалар ёпилганда, Европа ва АҚШ биржалари фаолияти учун 1 соатдан 12 соатгача бўлган кредитлардан фойдаланиши, бундан ташқари трансмиллий банклар учун бир давлатдан иккинчи давлатга овернайт кредитларини амалга ошириш учун катта пул маблағларини тез кўчириш имконини берувчи технологиялар бош банкда ягона бухгалтерия баланси, ягона вакиллик рақами тизимига ўтишга ундади.

Тижорат банкларининг илк бор ягона вакиллик ҳисобрақамларига ўтиши «Федуайр»[1] тизими мультикорпорацион ва трансмиллий банкларининг ягона вакиллик рақамлари тизимига ўтиш тавсиясига кўра АҚШда амалга оширилди. Республикамиз тижорат банкларининг ягона вакиллик хисобрақамларига

[1] Федуайр тизими А¡Шнинг Федерал резерв тизимида иштирокчи банклар учун кутиш ёки четга ¢¤йиш режимида эмас, реал ва¢т режимида ¦исоб-китобларни амалга ошириш имконини беради.

ўтиши билан эса мазкур масалалар янада жадаллашди. Шунинг учун жаҳон тажрибасини ўрганиш алоҳида долзарблик касб этади ва банк ликвидлигини бошқариш соҳасида амалий билимлар тизими ҳамда йиғилган тажриба таҳлиллари ва хулосаларини самарали қўллаш имконини беради.

Ягона вакиллик ҳисобрақами орқали бошқаришнинг моҳияти шундан иборатки, йирик тижорат банклари бўлимлари ўзларининг вакиллик ҳисобрақамларини бош банкда очадилар ва бош банк орқали амалга оширадилар. Ушбу тизимнинг бир қанча устунлик ва қулайлик томонлари мавжуд бўлиб уларнинг асосийлари қуйидагалардан иборат:

> Тизим ичидаги амалга оширилувчи операциялар тезлашади ҳамда реал вақт режимида ишлайди;

> Катта даромад келтирувчи йирик лойихаларни молиялаштириш учун ресурсларни тез жамлаш имкони пайдо бўлади;

> Тизим ичида бўлимлар ресурсларини актив операцияларга жойлаштирилиши туфайли вакилллик рақамидаги минимал даражада сақлай олади ва ҳатто дебет қолдиқ бўлганда ҳам ишлай олади;

> Банкларараро бозорда ресурслар қайта тақсимотида ҳам банкнинг рақобатбардошлигини оширади;

Демак, банк муассасаси учун вакиллик хисобраками шундай ҳисоб-китоб рақамики, унда тижорат банкининг барча маблағлари яъни, ўз маблағлари ҳам, хизмат кўрсатилаётган мижозлар маблағлари ҳам, шунингдек бошқа жалб этилган ресурслар ҳам сақланади. Вакиллик ҳисобрақами орқали банклар мижозларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган барча операцияларни, шунингдек хўжалик субъекти сифатида банк операцияларининг ўзини ҳам амалга оширади. Ҳозирги вақтгача ана шу жараёнларнинг барчаси жуда катта бир схема кўринишида амалга ошириларди.

Айтайлик, тўловчи ёки маблағни олувчига турли банкларда хизмат кўрсатилаётган бўлса ёки банклар бир-бирини кредитлаш билан боғлиқ бўлган банкларараро операциялар ҳамда нақд пулларнинг жойини алмаштиришга доир вазият содир бўлди деб фараз қилайлик. Бундай ҳисоб-китоблар ҳар бир тижорат банкининг балансида очилган вакиллик ҳисобрақамлари орқали амалга оширилади. Ўз навбатида тижорат банклари филиалларининг вакиллик ҳисобрақамлари Марказий банкнинг Ҳисоб-китоб марказида очилган. Шундай қилиб ҳар қандай тўлов пул маблағларини ўтказишнинг кўп босқичли тизимидан ўтиши лозим бўлади. Битта банкнинг ўртасида тўловлар амалга оширилаётганида ҳам ҳисоб-китобларнинг ана шу схемаси амал қилади. Бу банкларараро ҳисоб-китобларни ташкил этишнинг марказлашган варианти бўлиб, у самарасиз усул бўлиб ҳисобланади. Банкларараро ҳисоб-китоблар 2002 йилгача шу схема асосида ўтказилган. Илгари бундан воз кечишга техникавий жиҳатларга оид бир қанча жиддий муаммолар имкон бермас эди.

Ҳозирги кунга келиб барча кўпгина тижорат банклари ягона вакиллик ҳисобрақамига ўтиш бўйича ишларни амалга оширганлар ва банклар ўртасидаги ҳисоб-китоблар ягона ҳисобварағи орқали ўтказилмаокда. Ягона вакиллик ҳисобрақами орқали бошқарувни амалга ошириш тизимини жорий қилиш учун қуйидаги ишлар амалга оширилиши керак эди:

- Бош банк учун янги банк коди олинади. Масалан, Ўзсаноатқурилиш банки учун банк коди 09003 берилган.
- Бош банкда ўтиш кунига қадар барча бўлимлари учун, шу жумладан ўзидаги амалиёт бошқармасига ҳам 22204 - «Банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган маблағлар», баланс ҳисобрақами очилади ва ҳар бир бўлимга шу ҳақда хабар берилади. Ўз навбатида ҳар бир бўлим -«Банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлар» баланс ҳисобрақамини очади ва бош банкка хабар беради.
- Сўнгра банкнинг бўлимлари мемориал ордер орқали 10301 - «Марказий банкдаги вакиллик ҳисобрақами -Ностро» ҳисобрақамидаги қолдиғини Бош банкда очилган 22204 - ҳисобрақамига, шу жумладан Бош банкнинг бошқармасига ҳам ўтказади.

Бунда қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Дебет: 16103

Кредит: 22204

Масалан, Ўзсаноатқурилиш банкининг бўлимларидаги 10301-ҳисобрақамларидаги қолдиғини Марказий банкнинг бошқармалари ёрдамида Ўзсаноатқурилиш банкининг бош банкига кўчириб, бўлимларда бу операция бўйича тўғирлаш проводкаси амалга оширилади.

- Банк бўлимларидан вакиллик ҳисобрақами 09003 га 10301 даги қолдиқни ўтказгандан сўнг, бундай бухгалтерия ёзуви бошқа амалга оширилмаслигини чекловчи дастурга қўйилиб уни банкнинг хавфсизлик хизмати текшириб банки бўлимларининг тўлов рейслари ишланмаслиги учун Марказий банкнинг Ахборотлаштириш Бош Маркази белгалаган тартибда уларнинг почта қутисини ёпади.
- Марказий банкдаги Тўлов тизими ва ахборотлаштириш маркази «Банк бўлимлари» банки учун 09003 банк коди киритилганлиги ҳақида ўзгартириш киритади.
- Ўзсаноатқурилишбанки тизимида Марказий Банк ички электрон виртуал тармоқ ташкил қиланади.
- Банк маълумотларининг муҳофазасини таъминловчи крипто ҳимоя ва шифрация, шунингдек барча бўлимларнинг дешифрация калитлари бош банкка ўрнатилади.
- Бош банк учун бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўйича норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилади.
- Тижорат банкларининг хусусиятига қараб ҳамда банк бошқарувининг эҳтиёжига қараб дастурий воситада информацион бошқарув тизими тузилади.

Тижорат банкларининг ягона баланс технологиясига ўтиши билан банкнинг ички тузилиши ҳам, норматив ва ҳисоботлари ҳам тубдан ўзгара бошлайди. Шунингдек, жалб қилинган маблағлар бўйича заҳира фондига ажратмаси бош Банкда амалга оширилади. Бу билан ресурсларнинг ишлатилишида янада оптималлаштириш пайдо бўлади ва банкларнинг рентабеллик кўрсаткичларини оширишда ҳамда банк активларининг оборотини тезлаштириб банкнинг юқори даромад олишига олиб келади. Бу тизимнинг яна

шундай хусусияти мавжудки, бунда Марказий Банк учун пул муомаласини тартибга солишда ва иқтисодиётда пул массасини бошқаришда маълум қулайлик ва имкониятларни юзага чиқаради.

2§. Ўзбекистон Республикаси Ўзсаноатқурилишбанкининг ягона вакиллик ҳисобварағига ўтиш тажрибаси.

«Ўзсаноатқурилишбанки» Internet технологиялари маълумотларини қайта ишлаш ва сақлашнинг тизимига ўтиш борасида ўз ишини ташкил этаётган республикадаги дастлабки банклардан бири бўлди. 2002 йилнинг июлидан бошлаб мазкур банк ўз фаолиятини кейинчалик ягона балансга ўтишни мўлжаллаб ягона вакиллик ҳисобрақами асосида амалга оширмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 март «Банк ахборот тизимини ривожлантириш тўғрисидаги ПФ-3080-сонли Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги «Компьютерлаштиришни ривожлантириш ва технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги 200-сонли Қарори банк ахборот тизимини ривожлантиришга янги омил бахш этди. Ушбу ҳужжатларга «Ўзсаноатқурилишбанк» Бошқаруви алоҳида аҳамият берди.

«Ўзсаноатқурилишбанк»и ягона вакиллик ҳисобрақамини жорий қилиши Бошқарув белгилаб берган йуналишларидан бирининг рўёбга чиқиши бўлиб ҳисобланади.

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг ягона вакиллик ҳисобрақамига ўтиши билан банк бошқаришнинг энг замонавий сифат даражаси билан таъминланди. Банк активларини самарали бошқариш учун методологик ва технологик негиз модернизация қилинди ҳамда мижозларга тақдим этилаётган хизматлар тури кўпайди.

Ягона вакиллик ҳисобрақамини йўлга қўйишдан илгари «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг бутун тизимида ресурслар ва хатарларни қулай бошқариш имконияти йўқ эди. Шуни таъкидлаш лозимки, филиаллар бўйича банк хизмати турлари шартларини танлаб олишда аслида банк ресурсларини тезкорлик билан қайта тақсимлаш даражасига кўра олдиндан белгилаб қўйилган, филиалларнинг даромадлилиги ва ликвидлигини бошқариш, турли-туман хатарларни имкон борича камайтиришга эътибор берилган.

Бундай тизимда ишлашда Бош банк оддий вазифаларни бажариш билан бирга, ўзига хос юмушларни ҳам адо этишига тўғри келади. Масалан, кредит портфели шакллантираётганда филиалларнинг мижозлари тўғрисидаги маълумотларни (филиаллар эса кўпинча турли минтақаларда жойлашгандир) филиалларда берилган кредитлар ҳақида, мазкур кредитларнинг холати тўғрисида маълумотларни жамлаш зарурати пайдо бўлади. Бунинг устига олинаётган жами ахборот янги бўлиши лозим. Шу боисдан ҳам банкнинг барча филиалларида ягона ҳисоб сиёсатини юритиш зарурдир. Ҳисобрақамлар режасини ташкил этиш, ҳисобрақамлар очиш қоидаларини ишлаб чиқиш ва банк операциялари амалга оширилаётганда проводкаларни бажаришни, шунингдек, жамланган ички ва фискал ҳисоботни тайёрлашни шулар жумласига киритиш лозим.

Банк хизматларининг таркиби ва шартларини бошқариш ҳам муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қандай хизматларни, қандай ҳажмда ва қайси шаклда кўрсатилиши лозимлигини аниқлаб олиш талаб этилади. Мижозларнинг у ёки бу гуруҳларига кредитларнинг қайси турларини бериш ва бериладиган бўлса, фоиз ставкасини қандай бўлишини белгилаб олиш ҳам зарур бўлади. Филиаллар учун валюта таркиби, валюталар билан бўладиган операциялар ҳамда шу валюталар операциялари ижро этиладиган савдо курслари «йўлларини» тайин этиб олишда табақалиштирилган ёндашув даркор. Юқорида санаб ўтилган вазифалар ягона вакиллик ҳисобрақами орқали амалга оширилади.

Агар «Ўзсаноатқурилишбанк» солномасини варақлайдиган бўлсак, шуни таъкидлаш лозимки, банк мутахассислари вакиллик ҳисобрақами технологиясига жуда ўхшаб кетадиган тизимда ишлаб, етарлича тажриба орттиришган. Лекин илгари ахборот технологиялари ўз тараққиётининг бошланғич босқичини бошидан кечираётган эди. Телекоммуникациялар ахборотни зарур даражада зудлик билан кузатишга имкон бермас эди. Лекин шунга қарамасдан банк мутахассислари ишда катта тажриба тўплаганлар, бу тажриба эса техникавий лойиҳалар тузиш ва янги технологиялар механизмини қайта ишлашда ёрдам беради.

Ўзсаноатқурилишбанк учун интеграллашган автоматлаштирил-ган банк тизими "Фидо-Бизнес" компанияси томонидан тақдим этилган. Шу компания мутахассислари Ўзсаноатқурилишбанкда мазкур тизимни босқичма-босқич жорий этишда фаол катнашмоқда.

Банк фаолияти самарадорлигини кўтариш, катта фойда олиш, капиталлаштиришда энг кам самара берадиган соҳаларга қўйилган банк активларининг камайиб боришига жуда боғлиқ. Ҳозиргача ҳам бўлиб турган амалиёт, яъни Марказий банкнинг вакиллик ҳисобрақамларида тижорат банки ҳар бир филиалининг маблағларини резерв қилиб ушлаб туриш активларининг оборотдан чиқишига олиб келади. Шу муносабат билан Бош ягона вакиллик ҳисобрақами ҳамда ягона баланс асосида ишлашини таъминлаш тижорат банки фаолиятининг даромадлилигини кўтаради. Ягона вакиллик ҳисобрақамини жорий этишдан кўриладиган самара кўп қирралидир. Агар унинг афзаллиги ҳақида гапирадиган бўлсак, бу банк ресурсларини енгиллик билан қайта тақсимлаш имконияти ҳамда шу ресурсларни тўплаш орқали банк ишининг самараси ошаётганидан далолатдир.

Дастлабки босқич ҳам якунланиб қолди, бу маълумотларни марказлаштирилган тарзда қайта ишлаш ва сақлашга, яъни ягона баланс билан ишлашга ўтиш демакдир. Ана шу лойихаларнинг амалга оширилиши билан банк фаолиятини бошқаришнинг сифат жиҳатидан янги даражасига кўтарилади.

Бугунги кунда ягона вакиллик тизимига ўтиш банк тизимини ислоҳ қилишда жуда муҳим натижа бўлди. Хусусан, тижорат банкларининг Марказий банкдан мустақиллигини ва ўз харажатларини камайтиришни таъминлашда ушбу тизимнинг аҳамияти катта. Бундан ташқари, банкларнинг активларини ўз оборотидан ташқарида қолиши, яъни Марказий банкдаги вакиллик

ҳисобварағидаги қолиши мажбур бўлган қолдиқ суммасидан банк ўз оборотида фойдаланиши мумкин.

3§. Ягона вакиллик ҳисобрақамини юритиш тартиби.

Ягона вакиллик ҳисобварағини юритиш тартиби барча банкларда деярли бир хилдир.

Ягона вакиллик ҳисобварағини тижорат банкда амал қилиши учун «Ягона вакиллик ҳисобварағи орқали филиаллар ва бошқа банклар ўртасида электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги» Низом ишлаб чиқилган ва банкнинг Бошқарув раиси томонидан тасдиқланган. Ягона вакиллик ҳисобварақ орқали тўловларни амалга ошириш учун Бухгалтерия ва молия ҳисоби Бошқармаси қошида алоҳида сектор ташкил қилинган. Ушбу сектор тижорат банкининг тўлов маркази деб аталади. Ҳар бир филиал ушбу тўлов марказида ўзининг вакиллик ҳисобварағини очган.

Ягона вакиллик ҳисобварағи орқали тўловларни амалга ошириш учун ташкил қилинган секторнинг асосий функциялари қуйидагилар бўлиб ҳисобланади:

- Тижорат банкининг ўз филиаллари ҳамда бошқа банклар ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш;
- Электрон тўловларни амалга ошириш борасида филиаллар ва бошқа банклар билан файллар ва маълумотларни автоматик равишда алмашиш;
- Филиалларни уларнинг вакиллик ҳисобварағининг тўлов марказидаги ҳолати тўғрисида огоҳлантириб туриш;
- Ягона вакиллик ҳисобварақ ва филиалларнинг ҳисобварақларининг ҳолатини назорат қилиш;
- Тўловларни амалга оширилиши устидан назорат;
- Амалга оширилаётган тўловларни бухгалтерияда акс эттириш;
- Маълумот функцияси;
- Ҳар кун охирида барча маълумотларни архивлаш;
- Филиаллар ва банклараро амалга оширилаётган тўловлар ва маълумотларни ҳимоя қилиш;

Тўлов маркази тўловлар ва бошқа операциялар учун филиалларга маълум бир вақтлар оралиғини белгилаб беради, филиаллар ушбу вақтлар оралиғида операцияларни амалга оширади.

Ҳар бир филиал ўзининг мижозлари билан улар билан тузган шартномалари асосида мустақил равишда хизмат кўрсатади.

Филиалнинг мижозларга хизмат кўрсатувчи масъул ходими пул ҳсоб-китоб ҳужжатини қабул қилганда уни текширади ва электрон тўлов тизимига киритади. Ушбу холда тизимга киритилган маълумотлар ҳисоб-китоб хужжатининг асл нусхаси билан бир хил бўлиши лозим. Ушбу маълумотлар тизимга киритилгандан сўнг филиалда электрон файл вужудга келади ҳамда бош бухгалтернинг уникал электрон имзосидан сўнг бу файл тўлов марказига юборилади.

Филиалнинг вакиллик ҳисобварағи баланснинг 16103 – «Банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлар» ҳисобварағида ҳисобга олинади. Филиал ушбу ҳисобварақ қолдиғи доирасида операцияларни амалга ошириши мумкин. Операция амалга оширилганда қуйидаги проводка бажарилади:

Дт 20200 Мижознинг ёки банкнинг ички ҳисобварағи

Кт 16103 «Банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлар»

Тўлов марказидан тўловни қабул қилган филиалларда эса қуйидагича проводка амалга оширилади:

Дт 16103 «Банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлар»

Кт 20200 Мижознинг ёки банкнинг ички ҳисобварағи

Агарда тўловни қабул қилиши лозим бўлган ҳисобрақам нотўғри ёзилган бўлса, келган маблағ 23206 «Аниқланаётган трансакция» ҳисобварағига олиб қўйилади, ҳамда 3 кун ичида ўзининг мақсадига йўналтиради.

Агарда филиалнинг вакиллик ҳисобварақамида операцияларни амалга ошириш учун маблағ камлик қилса, ушбу филиал Тижорат банк §азначилик Бошқармаси орқали бошқа филиаллардан молиявий ёрдам пули олиши мумкин.

Тижорат банк тўлов марказида ҳар бир филиалнинг вакиллик ҳисобварағидаги қолдиқ 22204-«Банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган маблағлар» баланс ҳисобрақамида ҳисобга олинади. Барча банклараро ва филиалларараро тўловлар ушбу ҳисобрақамлар орқали амалга оширилади.

Филиалларнинг бошқа банкларга пул ўтказиш бўйича тўлов топшириқлари тўлов маркази томонидан дешифровка қилинади ҳамда лимитдан катта ўтказмалар кўриб чиқиш учун §азначилик Бошқармасига юборилади. Агарда тўловлар ссуда ҳисобварағидан юборилган бўлса лимитдан катта ўтказмаларни тегишли Кредит Бошқармаларидан бирига кўриб чиқиш учун юборилади. §азначилик Бошқармаси тўловнинг мақсадини ўрганиб чиқиб, зарур бўлса тўловни бекор қилиши ёки тўхтатиб туриши мумкин (мижозларнинг талаб қилиб олинувчи ҳисобварағидан ўтаёган пуллар бундан мустасно). Кредит бошқармалари ҳам ссуда счетидан ўтаётган тўловларни ўрганиб чиқиб, тижорат банкининг Кредит сиёсати талаблари бузилаётган бўлса, ўтаётган тўловни бекор қилиш, ҳамда тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга.

§азначилик ва Кредит Бошқармалари томонидан тўхтатилмаган тўловлар шифровка қилинади, ҳамда ўз мақсади бўйича юборилади. Бунда қуйидаги проводкалар амалга оширилади:

Филиал номидан бошқа банкларга пул ўтказилса

Дт	22204	«Банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган маблағлар»
Кт	10301	Марказий Банкдаги ягона вакиллик ҳисобварағи

Филиал номига бошқа банклардан пул келса

Дт	10301	Марказий Банкдаги ягона вакиллик ҳисобварағи
Кт	22204	«Банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган маблағлар»

Филиал томонидан бошқа филиалларга пул ўтказилса

Дт	22204	«Банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган маблағлар» А-филиал
Кт	22204	«Банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган маблағлар» Б-филиал

Тижорат банкининг тўлов маркази банк номидан қуйидаги операцияларга пул ўтказиши мумкин:

- Мажбурий резерв жамғармасига пул ўтказиш;
- Депозитларга маблағ жойлаштириш;
- Филиалларга молиявий ёрдам кўрсатиш;
- Электрон тўловлар хизмати учун пул ўтказиш;
- Марказий банк томонидан қўйиладиган жарима тўловларини тўлаш;
- Ва бошқа тўловлар.

Тўлов маркази филиалларнинг вакиллик ҳисобварағидан мемориал ордер орқали мажбурий равишда қуйидаги мақсадлар учун маблағларни олиб қўйиши мумкин:

- Мажбурий резерв жамғармасига ажратмалар;
- Тўлов маркази кўрсатадиган хизматлари учун тўланадиган маблағлар;
- Олдинги берилган молиявий ёрдамлар;
- Марказий банкка тўланган жарималарни қоплаш учун маблағлар;
- Ва бошқа мақсадлар учун.

Тижорат банки тўлов маркази солиқ тўловчи субъект мақомига эга эмаслиги туфайли унинг хўжалик фаолиятидан келадиган барча даромад ва харажатлари тижорат банкининг Бош Амалиёт Бошқармаси балансида акс этади. Агарда филиаллар бош банк олдидаги мажбуриятларни бажармаси, тўлов маркази филиал томонидан узатиладиган электрон тўловларни тўхтатиб қўйиши мумкин.

Ҳар бир тижорат банкининг тўлов маркази доимо Марказий банк ҳисоб-китоб маркази билан алоқада бўлади.

Ягона вакиллик ҳисобварағи бўйича тўлов хужжатларини тўғри тўлдириш учун филиалнинг мижози жавобгар ҳисобланади. Электрон хужжатларни яратиш, уни сифатли тўлдириш, юбориш ва қабул қилишга

филиаллар жавобгардирлар. Филиаллар томонидан юбориладиган хужжатларни ўз вақтида ижро этиш, уларнинг ҳисобини тўғри юритишга тўлов маркази жавобгардир. Ссуда ҳисобварағидан амалга оширилаётган тўловларни ўз вақтида кўриб чиқишга Кредит бошқармалари жавобгардир. Ягона вакиллик ҳисобварағини ҳамда филиалларнинг тўлов марказидаги вакиллик ҳисобварағини ликвидлигини таъминлаш ва вақтинча тўхтатилган тўловларни куннинг охиригача ўтказиб юбориш банкнинг §азначилик Бошқармаси зиммасига юклатилган. Шундай қилиб, кўп филиалли барча тижорат банклари филиалларарo операцияларни юқорида кўрсатилган тарзда амалга ошириб борадилар.

Таянч иборалар

1. Ягона вакиллик ҳисобварағи
2. Ягона баланс
3. Банк ликвидлиги
4. Банкларарo тўловлар
5. Филиалларарo тўловлар
6. Овердрафт
7. Контокоррент
8. Тўловлар маркази

Назорат саволлари

1. Ягона вакиллик ҳисобварағининг мазмуни нимадан иборат?
2. Ягона вакиллик ҳисобварағи орқали бошқаришнининг моҳияти нимадан иборат?
3. Ягона вакиллик ҳисобварағи бўйича тизимнинг афзалликларини санаб ўтинг?
4. Оддий вакиллик ҳисобварағидан ягона вакиллик ҳисобварағи бўйича тизимга ўтиш қандай тартибда амалга оширилган?
5. Баъзи тижорат банкларининг ягона вакиллик ҳисобварағи бўйича операцияларини ўтказиш тажрибаси қандай?
6. Тўлов марказининг вазифалари нималардан иборат?

5 Боб. Давлат бюджетининг касса ижроси бўйича операцияларни расмийлаштириш ва ҳисобга олиш

1§. Давлат бюджетини кассавий ижро этишнинг мазмуни

Ўзбекистон Республикаси Марказ.ий банки Давлат бюджетининг касса ижросини ташкил этади. Давлат бюджети - бу молиявий режа бўлиб икки қисмдан: даромадлар ва харажатлар қисмидан иборат.

Мулкчилик шаклидан қаътий назар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан Давлат бюджетига турли хил солиқ ва тўловлар ўтказилади. Бундан ташқари, барча мулкчилик шаклидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ва бошқа хужалик юритувчи субьектлар томонидан жисмоний шахсларга бериладиган иш хақи, рағбатлантириш ҳамда мукофот суммаларидан ва меҳнат қонунчилигида белгиланган тартибда тузилган меҳнат шартномасида кўрсатилган бошқа даромадлар ҳисобидан даромад солиғи ва бадал суммаларини ушлаб қоладилар .

Булар билан биргаликда божхона тўловлари ҳам жорий қилинган. Юридик ва жисмоний шахслар давлат божини тўловчилар бўлиб ҳисобланади. Юқорида кўрсатиб ўтилган барча даромад ва тушумлар давлат бюджетининг даромадлар қисмини ташкил этади. Давлат бюджетининг иккинчи қисми бу - харажатлар қисмидир. Давлат бюджетининг харажатлари ўз ичига мудофаа харажатларини, маориф, фан, техника, соғлиқни сақлаш, маданий муассасалари ва маданий тадбирлар харажатларини олади. Шу билан бирга давлат бюджети харажатларига давлат аппаратини ушлаб туриш харажатлари киради.

Демак, давлат бюджети молиявий режа бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилади. Давлат бюджети бир йилга тузилади ва муҳокама қилиниб, тасдиқлаш учун Олий Мажлис сессиясига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ўз ичига республика бюджетини, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини, вилоят, шаҳар, туманлар бюджетларини бирлаштиради Умумлашган давлат бюджетини Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фонд маблағлари" ташкил этади.

ЎзбекистонРеспубликаси Марказий банкининг асосий вазифаларидан бири - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда Давлат бюджетининг касса ижросини таьминлашдир. Бу вазифани амалга ошириш учун Марказий банк томонидан «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг, касса ижроси тўғрисида» 1009-сонли йўриқнома ишлаб чиқилган. Бу йўриқнома Марказий банк бошқаруви томонидан 2001 йил 12 январда тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқнома «Ўзбекистон .Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасига, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 27-моддасига асосан Давлат бюджетининг касса ижросини амалга ошириш ва

унинг ҳисобини юритиш қонун-қоидаларни белгилайди.

Давлат бюджетини кассавий ижро этиш операциялари деб барча тижорат банклари томонидан юридик ва жисмоний шахслар томонидан республика ва махаллий бюджет фойдасига ўтказиладиган солиқларни, тушумларни, бюджетдан ташқари фондларга тўланадиган тўловларни қабул қилиш, келиб тушган республика бюджети маблағларидан маҳаллий бюджетга ажратма қилиш, бюджет кредитларини очиш, уларни банкка ўтказиш, бюджет харажатларини амалга ошириш, юқорида санаб ўтилган операцияларнинг барчаси бўйича ҳисобини юритиш кабилар тушунилади.

Лекин Марказий банк давлат бюджетининг касса ижро қилиш операцияларини ўзи бевосита бажара олмайди. Бу операциялар тижорат банкларига юклатилган, чунки халқ хўжалигининг турли мулкчилик шаклларига асосланган хўжалик юритувчи субъектлар ўз ҳисобварағларини Марказий банкда эмас, балки тижорат банкларида очганлар. Шу сабабли Марказий банк ўзининг давлат бюджетининг кассавий ижроси бўйича операцияларини тижорат банклари орқали амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси банкларида Давлат бюджетининг касса ижроси бўйича операцияларнинг ҳисоби қуйидаги баланс ҳисобварақларида юритилади:

Марказий банкнинг Ҳисоб-китоб марказларида:

21502 «Хукумат бошқарув органларининг талаб қилиб олингунча депозитлари»

21506 «Бошқа вазирликлар ва муассасаларниинг талаб қилиб олингунча депозитлари»

21508 «Бюджетдан ташқари ташкилотларнинг талаб қилиб олингунча депозитлари»

Тижорат банкларида:

20202 «Ҳукуматнинг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олингунча депозитлари» ■

20203 «Республика қарамоғидаги бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олингунча депозитлари»

20204 «Маҳаллий бюджет қарамоғидаги бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олингунча депозитлари»

Марказий банкнинг Хисоб-китоб касса марказларида ва тижорат банкларида:

23402 «Республика бюджетининг маблағлари»

23404 «Республика қарамоғидаги бюджет муассасаларининг маблағлари» ■

23426 «Туман, шаҳар бюджет бюджет маблағлари»

23430 «Вилоят бюджет маблағлари»

23432 «Қорақалпоғистон Республикаси бюджети маблағлари» ■

Ушбу ҳисобварақалар бўйича операцияларнинг ўтказилиши ва бухгалтерия проводкаларнинг акс эттирилиши билан кейинги параграфларда танишамиз.

2§. Республика бюджетининг даромадлари бўйича операцияларнинг кассавий ижро этилиши, уларнинг ҳисоби ва расмийлаштирилиши.

Бюджетнинг даромадлар қисми корхона ташкилот ва тадбиркорлик билан шуғулланувчилардан олинадиган, ҳамда аҳолидан келиб тушадиган солиқ ва тушумлардан иборатдир.

Давлат бюджетига келиб тушадиган солиқ турлари ундан ортиқ бқлиб улар қуйидагилардир:

-қўшимча қиймат солиғи;

-корхоналардан даромадидан олинадиган солиқ;

-амортизация фондидан ажратма;

-корхона, ташкилотлар томонидан ишчи-хизматчиларнинг даромадидан олинадиган солиқнинг ўтказилиши;

-меҳнат хақи фондидан ажратма;

-мулк солиғи;

-республикадан ташқарига чиқариладиган товарлардан олинадиган солиқ;

-ер солиғи.

-давлат божлари;

-тадбиркорлик билан шуғулланувчилар даромадидан солиқ;

-транспорт эгаларидан олинадиган солиқлар;

-реклама учун солиқлар.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар юридик ва жисмоний шахслар томонидан Давлат бюджетиға ўтказиладиган барча тўловлар Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан қабул қилинади.

Бюджетга тўланадиган солиқ ва бошқа тушумлар ўз-ўзини бошқариш идоралар томонидан қабул қилиниши ва банкларга топширилиши мумкин.

Солиқ идоралари алоҳида шаҳар ва туманлар бўйича солиқ тўловчиларнинг рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 1993 йил 2 февралдаги 11-сонли "Ўзбекистон Республикаси бюджети даромадлари ва харажатлари таснифлагичи" да кўрсатилган бўлимлари бўйича кўрсатган ҳолда, кейинги ҳисобот йил учун жорий йилнинг декабр ойида, бюджетнинг даромадлари ҳисобварақаларига хизмат кўрсатувчи банкларга тақдим этишлари лозим.

Маҳаллий солиқлар ва даромадлар бўйича солиқ тўловчиларнинг рўйхатида, улар томонидан тўланадиган солиқлар ва даромадларнинг номи, тўловлар қайси маҳаллий бюджетга ўтказилиши ва молия бўлимларининг (вилоят, шахар ва туман) тегишли ҳисобварақалари кўрсатилган бўлиши лозим.

Солиқ идоралари йил давомида солиқ тўловчилар, шунинггдек солиқлар таркибидаги ўзгаришлар тўғрисида банкларга ёзма равишда хабар беришлари шарт.

Бюджетга ўтказиладиган солиқлар тўловчилар, яъни юридик шахслар томонидан, тўлов. суммасидан қатъий назар пул ўтказиш

йўли би.лан амалга оширилади. ■

Жисмоний шахслар солиқ ва бошқа тўловларни, тўлов суммаларидан қатъий назар, нақд пул орқали ёки пул ўтказиш йўли билан тўлаши мумкин.

Бюджетга ўтказилиши лозим бўлган барча турдаги тўловлар, тўловчилар жойлашган жойнинг .ўзида республика ва махаллий бюджетларнинг ҳисобварақлари очилган банкларга ўтказиб борилади.

Ўзбекистон Реепубликаси Адлия Вазирлиги томонидан 2002 йил 12 январда рўйхатга олинган 60-сонли "Ўзбекистон Республикаси нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида"ги Низомга асосан айрим турдаги тўловлар бўйича қўшимча қиймат солиғи ва акциз солиғи суммалари товар етказиб берувчилар тўлов талабномаларида, тўлов топшириқромаларида, бундан ташқари аккредетивлардан олинган маблағлар ҳисобварақлари реестрларида алоҳида ажратиб кўрсатилади ва ўрнатилган тартибда тўловчи ёки товар етказиб берувчи жойлашган жойнинг ўзида бюджетга ўтказилади.

Маҳаллий бюджетларга ажратиладиган маблағлар тегишли бюджетларнинг шахсий ҳисобварақаларига кирим қилинади.

Молия вазирлигининг 23402 «Республика бюджети маблағлари» ҳисобварағига қуйидаги маблағлар кирим қилинади:

- Давлат бюджетига келиб тушадиган солиқлар ва даромадлар ҳисобидан белгиланган миқдорда қилинган ажратмалар суммаси;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган қисқа муддатли қарз суммаси;
- Давлат қисқа муддатли облигацияларини сотишдан келиб тушган маблағлар;
- Молия вазирлигининг бошқа ҳисобварақаларидаги маблағлар.

Республика бюджети ҳисобидан қилинадиган барча харажатлар Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 23402 "Республика бюджетининг маблағлари" ҳисобварағидаги қолдиқ миқдорида амалга оширилади.

Бюджетга тўловларни ўтказиш учун тўловчилар, товар етказиб берувчилар ва солиқ идоралари томонидан банкларга тақдим этилган тўлов хужжатларида (тўлов топшириқномаси, тўлов талабномаси, инкассо топшириқномаси) солиқ тўловчининг иденти-фикация рақами (ИНН), солиқ олувчиниг идентификация рақами, бундан ташқари тўлов текстида тўловнинг тўртта белгили символини ва «Давлат Солиқ қўмитаси тўловлар маълумотномаси»га асосан тўловнинг номи кўрсатилиши лозим.

Банк бухгалтери тўлов топшириқномасининг тўғри тўлдирилганлигига ишонч ҳосил қилиб, уни тўловга қабул қилади.

Солиқ тўловчиларнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақаларида маблағ мавжуд бўлса, уларнинг тақдим этган тўлов топшириқномаларига асосан солиқ ва даромадлар бюджетга ўтказиб берилади.

Бунда қуйидаги бухгалтерия проводкалари амалга оширилади:

Дебет 20208, 20210, 20212, 20214, 20216, 20218, яъни тўловчиларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари.

Кредит 23402, республика бюджетииинг маблағлари.

Агар келиб тушаётган солиқлар ва бошка тўловлар. махаллий бюджетга келиб тушаётган бўлса, у ҳолда тегишли бюджет ҳисобварақалари кредитланади.

Дебет 20206, 20208, 20210, 20212, 20214, 20216, 20218

Кредит 23426, 23430, 23432 :

Солиқ тўловчиларнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларида маблағлари етарли бўлмаса банкларга тақдим этилтан тўлов ҳужжатлари 2-сонли картотекага ва кўзда тутилмаган ҳолатлар 90963 «Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари» ҳисобварағига кирим қилинади.

Солиқ тўловчиларнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларига келиб тушган пул маблағлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 11 февралдаги 406-сонли «Хўжалик субъектларининг банк ҳисобварақларидан пул маблағларина ҳисобдан-чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»га асосан тўловлар амалга оширилади.

Молия бўлимлари ва солиқ органлари ўз вақтида бюджетга ўтказмаган, муддати ўтган тўловларни ундириш ва боқимандаларни бюджет даромадларига киритиш учун банкларга инкассо топшириқномаларини тўлов муддатини кўрсатган ҳолда тақдим этишлари лозим. Солиқ тўловчиларнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларида маблағи бўлмаса банкларга тақдим этилган инкассо топшириқномалари 2-сонли картотекага ва кўзда тутилмаган ҳолатлар 90963 «Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари» ҳисобварағига кирим қилинади ва ўрнатилган тартибда тўловлар амалга оширилади.

Банкларнинг айби билан солиқ тўловчиларнинг тўлов топшириқномалари ва солиқ-молия идораларинниг инкассо топшириқномалари ўз вақтида ижро этилмаса, банклар ҳар бир муддати ўтган кун учун қонунда белгиланган тартибда ва миқдорда пеня тўлайди.

Давлат бюджетига ўтказиладиган солиқлар ва даромадлар, алоҳида ёзилган тўлов ҳужжатларига асосан пул ўтказиш йўли билан ва нақд пул тқлаш йқли билан бюджет даромадларининг шахсий ҳисобварақларига кирим қилинади.

Махаллий бюджетларга ажратиладиган маблағлар тегишли бюджетларнинг шахсий ҳисобварақларига кирим қилинади.

Бюджет даромадларининг ҳисобварақлари орқали операциялар амалга оширилса, шу ҳисобрақамлардан кўчирма ва иловалар солиқ идораларига ва тегишли даромадларни бошқарадиган ташкилотларга ўрнатилган тартибда ҳар куни берилади.

Бюджет даромадлари ҳисобварақларидан кўчирмалар қилинган кундан бошлаб, уч кун мобайнида банкларга ёзма эътирознома билдирилмаса, кўчирмалар тасдиқланган деб ҳисобланади.

Солиқ идоралари ва даромадларни бошқарадиган бошқа ташкилотлар ва муассасалар томонидан тўловларни бюджетга ўтказишда йўл қўйилган камчиликлар аниқланганда, улар ўзларига хизмат кўрсатувчи банкларга бу хақда ёзма равишда хабар қилишлар шарт. Шахсий ҳисобварақлар бўйича йўл қўйилган камчиликлар, тузатиш ордерлари билан бартараф этилади.

Бюджетга ўтказилган маблағларни кирим қилишда ва ҳисобдан чиқаришда йўл қўйилган камчиликлар банклар томонидан аниқланганда, бу камчиликлар тузатиш ордерлари билан мустақил равишда бартараф қилинади.

3§. Давлат бюджетининг харажатлари бўйича касса ижросининг ташкил этилиши

Республика бюджети харажатларига соғлиқни сақлаш, маориф, фан-техника, физкультура ва спорт, маданият, мудофаа, ижтимоий таъминот, давлат аппаратини сақлаб туриш билан боғлиқ харажатлар киритилади.

Республика бюджети ҳисобидан қилинадиган барча операциялар бўйича харажатлар Молия вазирлиги томонидан тақдим қилинган тўлов топшириқномаларига асосан амалга оширилади. Харажатлар Республика бюджети даромадлари ҳисобварағидаги қолдиқ доирасида, Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб касса марказида очилган Молия вазирлигининг 23402 "Республика бюджети маблағлари" ҳисобварағи орқали амалга оширилади.

Молия вазирлигининг 23402 “Республика бюджети маблағлари” ҳисобварағида харажатларни амалга ошириш учун маблағлар етарли бўлмаганда, ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бир ой муддатга қисқа муддатли кредит ажратиши мумкин. Лекин 2003 йилдан эътиборан бу операция вақтинча тқхтатилган.

Республика бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган вазирликлар, муассасалар ва бошқа хўжалик субъектларининг ҳисобварақларига ўтказиладиган маблағлар Молия вазирлиги тўлов топшириқномаларига асосан ўтказилади. Тўлов топшириқномалари "тўлов мақсади"да харажатларнинг бўлими, параграфи ва тури, ҳисоби ва аналитик ҳисоби кўрсатилиши лозим.

Вазирликлар ва муассасалар ўзларининг қарамоғидаги корхоналар ва ташкилотларга, бюджет маблағларини ўтказиш учун тақдим этган тўлов топшириқномаларида, тўлов мақсади ва маълумотнома бўйича бюджет бўлинмаларини кўрсатишлари лозим.

Республика қарамоғидаги корхоналар ва ташкилотларга бюджет маблағларини ҳисобга олиш учун банклар томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан, 2001 йил 6 октябрида рўйхатга олинган "Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақалари тўғрисидаги" йўриқномасига асосан алоҳида талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақаларини очадилар. Ҳисобварақларнинг тартиб рақами Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 16-ноябрда рўйхатга олинган 533-сонли, "Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари тўғрисида"ги йўриқноманинг 5-иловаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 1993 йил 2 февралдаги 11-сонли "Ўзбекистон Республикаси бюджети даромадлари ва

харажатлари таснифлагичи"да кўрсатилган тартибда очилади.

Бюджет ташкилотлари талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақаларидан қилинадиган харажатлар ҳисобварақларидаги қолдиқ сумма доирасида амалга оширадилар.

Дебеторлик қарзларини, ҳисобдор шахсларнинг қарзларини ундириш учун ва бюджет маблағларини тасарруф эттирувчилар томонидан товар – моддий бойликларини сотишдан келиб тушган маблағлар ҳисобдор шахсларга ва дебеторлик қарзлари қачон вужудга келганлигидан ҳамда товар моддий бойликлар қачон сотиб олинганидан қатъий назар бюджет муассасаларининг банклардаги тегишли бюджет ҳисобварақаларига ўтказилади. ■

Пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 2002 йил 12 январдаги 60-сонли “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги Низомга асосан банкларга тақдим этилади. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда ҳолатлар Вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси, Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисмлари пул ҳисоб-китоб ҳужжатларида тўлов мақсадларини кўрсатмайдилар.

Республика бюджети қарамоғидаги ташкилотлар ва муассасаларга иш ҳақи тўлаш учун маблағлар, Молия вазирлиги ёки тегишли молия бўлимларидан рўйхатдан ўтказилган ходимлар рўйхати жадвали ва харажатлар сметасига асосан белгиланган муддатларда берилади. Иш ҳақи бериш учун пул маблағлари берилганда банклар ўрнатилган тартибда ишчи ва хизматчиларнинг ушлаб қолинган солиқларини бюджетга шунингдек, пенсия фондига бадал суммаларини ва бошқа тўловларни ўтказиш учун тўлов топшириқномаларини талаб қиладилар.

Ташкилот ва муассасаларнинг 23404 "Реепублика қарамоғидаги бюджет муассасаларининг маблағлари" ҳисобварақлардан бюджет маблағларини уларнинг бюджетдан ташқари талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларига ўтказишга рухсат этилмайди. Бюджет муассасаларининг бир ҳисобварақларидан уларнинг иккинчи ҳисобварақарига маблағлар ўтказиш ҳар бир ҳолатда бош бухгалтернинг ёки унинг ўринбосарининг рухсати бўйича амалга оширилади ва тўлов топшириқномалари уларнинг имзоси билан расмийлаштирилади. Харажатларнинг сметаларида кўрсатилган моддалар бўйича маблағларнинг мақсадли ишлатилиши учун бюджет муассасаси раҳбарлари жавобгардирлар. Банк ходимлари тақдим этилган тўлов топшириқномаларида барча реквизитлар тўғри тўлдирилганлигини текшириб ҳисобварақларида маблағлари бўлган ҳолда ижрога қабул этадилар. ■

Бюджет маблағларини тасарруф этувчилар яъни вазирликлар муассасалар, бошқармалар бюджет маблағлари ҳисобидан марказий бошқарув аппаратини сақлаш, марказлашган тадбирларни амалга ошириш учун харажатлар қилишга шунингдек, Молия Вазирлиги томонидан ўтказилган маблағларни қуйи поғонадаги бюджет маблағларини тасарруф этувчилар ўртасида тақсимлаш ҳуқуқи берилган. Қуйи поғонадаги бюджет маблағларини тасарруф этувчилар уларга берилган ҳуқуқ доирасига қараб бўлиниши мумкин.

Молия Вазирлиги Ўздавлатзаҳирасини Республика бюджети ҳисобидан молиялаштиради ва маблағлар 23416 "Махсус мақсадлар фонди" баланс ҳисобварағига корхоналар ва ташкилотлар билан товар-моддий бойликлари учун ҳисоб-китоб қилиш ва сафарбар этилган заҳираларни тўлдириш учун ўтказилади. Ўздавлатзаҳираси мавжуд маблағлар доирасида жавобгар сақловчилар билан ҳисоб-китоб қилади. Ўздавлатзаҳираси жавобгар сақловчилар билан ҳисоб-китоб қилиш учун ҳар бир жавобгар сақловчиларга 23416 "Махсус мақсадлар фонди" баланс ҳисобварағида алоҳида шахсий ҳисобварақлар очилади. Ссудалар расмийлаштириш учун 17515 "Республика бюджетининг махсус харажатлари" ҳисобварағидан фойдаланилади.

4§. Маҳаллий бюджетнинг кассавий ижроси бўйича операцияларнинг расмийлаштирилиши ва ҳисоби.

Ўзбекистон Республикаси банклари Қорақалпоғистон Республи-каси бюджети ва маҳаллий (вилоят, шаҳар, туман) бюджетларнинг касса ижросини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси банклари тегишли бюджетлар учун қуйидаги 23426, 23430, 23432 асосий талаб қилиб олгунча депозит варақларини очадилар. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларининг асосий талаб қилиб олгунча депозит варақларига қуйидаги маблағлар ўтказилади:

- тегишли бюджетларнинг даромадлари ва молия бўлимларининг иккиламчи талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварақаларидаги маблағлар;
- маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштириш учун ажратилган маблағларни тассарруф этувчиларнинг ҳисобварақларидан ҳамда маҳаллий бюджет ҳисобидан инвестицияларни молиялаштиришга ажратилган маблағлар, молия бўлимлари томонидан қайтариб олинганда;
- бошқа юқори ва қуйи бюджетлардан келиб тушган маблағлар;
- бошқа белгиланган даромадлар;
- мақсадли субвенция тушумлари;
- белгиланган норматив бўйича ажратмалар.

Молия бўлимлари томонидан банкларга тақдим этилган солиқ тўловчиларнинг рўйхатида кўрсатилган солиқлар ва даромадлар келиб тушганда, ушбу солиқлар ва даромадлар тегишли молия бўлимларининг ҳисобварақларига тўғри ўтказилиш лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва бошқа маҳаллий бюджетларнинг асосий талаб қилиб олгунча депозит варақларидан харажатлар тасдиқланган сметаларга асосан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Мустақил равишда бухгалтерия ҳисобини юритадиган маҳаллий бюджетлар қарамоғидаги ташкилотлар ва муассасаларга талаб қилиб олингунча депозит варақлар очилади.

Бюджет маблағларини тасарруф этувчи ташкилотлар ва муассасаларга талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлар, тегишли маҳаллий бюджетларнинг мос ҳисобварақлари очилади ва умумий қабул қилинган

тартибга асосан расмийлаштирилади.

Ҳокимият ва унинг бўлимлари, қошида ташкил этилган, операцияларни марказлаштирилган бухгалтерия ҳисоби бўйича амалга ошириш учун талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварақлар шу бўлимлар номи билан тегишли маҳаллий бюджетларнинг мос ҳисобварақларида очилади. Бу ҳисобварақлар бўйича биринчи имзо қўйиш ҳуқуқи шу бўлимларнинг бошлиғига ва иккинчи имзо қўйиш ҳуқуқи марказлаштирилган бухгалтериянинг бош бухгалтерига берилади.

Маҳаллий бюджетлар ва бюджет муассасаларининг талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварақларидаги мавжуд қолдиқ суммалари йил охирида ёпилмайди ва янги йил ҳисобига қолдиқ бўлиб ўтказилади. Маҳаллий бюджет ҳисобидан инвестициялар бўйича ажратилган маблағларнинг ва молия бўлимларининг транзит ҳисобварақларидаги қолдиқлар мижоз топшириғини олмасдан маҳаллий бюджетларнинг талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварақларига ўтказилади.

Ташкилотлар ва муассасаларнинг сметалар бўйича белгиланган маблағлар миқдорида бюджет маблағларидан харажатлар амалга оширилади, жорий йилнинг биринчи январидан бошлаб, бюджет ташкилотлари ва муассасаларига иш ҳақи тўлаш учун маблағлар ходимлар рўйхати жадвалини ва харажатлар сметасини тегишли молия бўлимларидан рўйхатдан ўтказгандан кейингина банклар томонидан берилади. Ташкилотлар ва муассалар ўзларига хизмат кўрсатувчи банкларга молия бўлимлари томонидан рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметасининг нусхасини тақдим этишлари лозим.

Иш ҳақи берилганда банклар ўрнатилган тартибда ушлаб қолинган солиқларнинг ва пенсия фондига бадал суммаларининг ўз вақтида ўтказилишини назорат қилишлари лозим.

Молия бўлимларининг тўлов топшириқномаларига асосан маҳаллий бюджетларнинг асосий талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварақларидан маблағлар бюджет маблағларининг тасарруф этувчиларнинг талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварақларига ўтказилади.

Марказлаштирилган бухгалтерия ҳисобини юритадиган бюджет муассасаларига етказиб бериладиган товар-моддий бойликлар ва кўрсатилган хизматлар учун уларга хизмат кўрсатадиган бюджет муассасалари томонидан тўловларни ўтказиш учун банкларга тўлов топшириқномалари тақдим этилади.

Бюджет муассасаларининг талаб, қилиб олгунча депозит ҳисобварақаларига қуйидаги маблағларини ўтказилиши мумкин:

- товар-моддий бойликларни сотишдан олинган маблағлар;

- дебеторлик қарзлари ва қачон сотиб олганидан қатъий назар, товар-моддий бойликларни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган ҳисобдор шахсларнинг мажбуриятлари бўйича келиб тушган суммалар.

Болалар муассасаларининг талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварақларига ота-оналар томонидан болаларни тарбиялаш ва ўқитиш учун келиб тушган маблағлар, корхоналар, ташкилотларнинг фондлари ҳисобидан болаларнинг

овқатланишини яхшилаш учун ажратилган маблағлар, шунингдек, ишчиларни рағбатлантириш, болалар муссасаларини капитал таъмирлаш, инвентарлар ва ускуналарни сотиб олиш учун белгиланган тартибда тушадиган бошқа маблағлар киритилади.

5§. Йил охирида бюджет ҳисобварақларининг ёпилиши.

Ўзбекистон Республикаси банклари бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари асосида Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисида оператив, ойлик ва йиллик ҳисоботларни тузади. Ҳисоботларнинг ҳажми ва шакли Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Молия Вазирлиги билан келишилган ҳолда ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетиининг касса ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар банклар томонидан Марказий банкнинг Ҳудудий Бош бошқармаларига тақдим этилади.

Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари банклардан қабул қилиб олган ҳисоботлар асосида йиғма ҳисоботларни тузадилар ва уларни Республика Марказий банкига белгиланган муддатларда тақдим этадилар. Йиғма ҳисоботлар ўрнатилган муддатларда топширилиши шарт.

Марказий банкнинг Ҳудудий Бош бошқармалари ва республика банклари учун ҳисоботларни топшириш тартиби ва муддати Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилади,

Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги ҳисобот нормативларининг тўғрилиги ҳамда ҳисоботнинг ўз вақтида, ўрнатилган тартибда топширилиши бўйича банк раҳбарлари ва бош бухгалтерлари жавобгардирлар.

Давлат бюджетинниг касса ижроси тўғрисидаги йиғма ҳисоботлар Молия Вазирлиги, Давлат Солиқ қўмитаси ва Марказий банкнинг Ҳудудий Бош бошқармалари томомидан тегишли молия ва солиқ бошқармаларига тақдим этилади.

Республика бюджети маблағлари ҳисобидан бюджет қарамоғидаги ташкилотлар ва муассасаларга маблағлар банклар томонидан жорий йил учун 31 декабрни ҳисобга олган ҳолда ажратилади.

Республика бюджети қарамоғидаги ташкилотлар ва муассасалар томонидан фойдаланилмаган бюджети маблағларининг фойдаланилмаган қолдиқ суммалари Республика бюджет даромадларининг тегишли ҳисобварақларига ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг махсус кўрсатмасига асосан 23404 "Республика. қарамоғидаги бюджет муассасаларининг ■ маблағалари" ҳисобварағидаги фойдаланилмаган бюджет маблағларининг қолдиқ суммалари банклар томонидан 31 декабр куни охирги рейс билан Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ҳисоб-китоб касса марказида очилган Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 23402 баланс ҳисобварағига ўтказилади.

Шунингдек, 23422 «Республика бюджетидан молиялаштирилади-ган инвестициялар» ҳисобварағидаги фойдаланилмаган бюджет маблағларининг қолдиқ суммалари ҳам Молия Вазирлигининг ҳисобварағига ўтказилади.

Йил якуни бўйича бюджет маблағларидан фойдаланилмаганлиги ва олинган даромадларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини ҳисоботларда акс эттириш тартиби ишлаб чиқилади ва банкларга етказилади.

Таянч иборалар

Бюджет
Касса ижроси
Бюджет хисобварақлари
Республика бюджети
Махаллий бюджет
Солиқлар
Тушумлар
Бюджетдан ташқари жамгармалар
Бюджет маблагларининг тақсимланиши
Бюджет даромадлари
Бюджет харажатлари

Назорат саволлари

1. Давлат бюджетининг даромаларига нималар киради?
2. Давлат бюджетининг харажатларининг структураси қандай?
3. Давлат бюджетининг касса ижроси бқйича операцияларига нималар киради?
4. Давлат бюджетининг касса ижроси ким томонидан ташкил этилади?
5. Давлат бюджетининг касса ижроси бқйича операциялар қайси хисобрақамларида хисобга олинади?
6. Бюджет даромадлари бқйича операцияларнинг хисоби ва расмийлаштириш тартибини тушунтиринг?
7. Бюджет харажатлари бқйича операцияларнинг хисоби ва расмийлаштириш тартиби қандай?
8. Йил бошида бюджет хисобварақларини ёпиш тартиби қандай?

6 Боб. Янги банк технологиялари

1§. Банк технологиялари ва уларнинг турлари

Тижорат банклари фаолиятларнинг асосий тамойиллари жалб этилган ресурслар доирасида иш олиб бориш, иқтисодий мустақиллик, пул бозорларидаги ҳолатга йўналтирилаётган мустақил кредит, депозит ва фоиз сиёсатини юритиш, шунингдек, банклар ва уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатларни бозор иқтисодиёти талабларига мослаштиришдан иборат.

Банк технологиялари деганда банклар ўз фаолиятини юритишда компьютер технологиялари, тизимлари, уларга ёрдамчи электрон воситалар ва дастурлар тизими тушунилади. Масалан, банк технологияларига бугунги кунда жаҳон банк тизимида қўлланилаётган, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам

жорий қилинган электрон тўловлар тизими, «Банк-мижоз» дастури, халқаро пул тўловлари тизими, SWIFT ва Western Union, Internet Banking, пластик карточкалар, банкоматлар ва бошқа бир қанча банк фаолиятини юритиш учун қўлланиладиган технологиялари ҳам шулар жумласидандир.

Электрон тўловлар тизими – бу банклараро нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг энг замонавий кўринишидир. Бу тизим орқали банклараро нақд пулсиз тўловлар тез ва аниқ амалга оширилади. Бундан электрон пуллар мамлакатнинг исталган бурчагига саноқли дақиқалар ичида ўтказилади. Тўловларни амалга оширишда ушбу тизим аъзолари орасида махсус электрон ускуналар орқали тармоққа уланган банкнинг ҳисоб рақамига пул маблағлари келиб тушади. Натижада вақт ҳам тежалади, харажатлар ҳам камайтирилади.

СВИФТ – бу халқаро компьютер алоқасидир. СВИФТ сўзи – «Халқаро банклараро телекоммуникациялар жамияти» (Society for Worldwide Interbank Financial Telekommunication) маъносини англатади ва аъзо банклар ўртасида маълумот юборувчи восита хизматини бажаради. СВИФТ 1977 йил ташкил топган бўлиб, ҳозирги кунда 30дан ортиқ мамлакатлардаги банкларни бир-бири билан боғлаб туради. Шу билан бирга фақат Европада эмас, балки Шимолий ва Жанубий Америка, Япония, Гонгонгда ҳам кенг қўлланилади. Англиянинг барча йирик банклари СВИФТ тармоғига уланган.

СВИФТ маълумотлари маълумот юборувчи банкнинг компьютерлари терминалида терилади. Текширишлардан ва рухсат берилгандан сўнг маълумотлар тизимининг компьютер марказларидан бири (марказлар – Белгия, Голландия ва АҚШда жойлашган) орқали қабул қилувчи банкка юборилгандан бир неча дақиқа ичида етиб боради. Тизимнинг афзаллик томонлари унинг тезлиги ва ҳимояланганлигидадир. Маълумотлар фақат юборувчининг ҳужжати билан юборилади. Қабул қилиб олувчи келган маълумотларнинг ҳақиқийлиги тўғрисида ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Янги банк технологияларининг кашф қилиниши билан бирга янги банк маҳсулотлари ва хизматлари сони ҳам кўпайиб бормоқда. Уларнинг энг асосийси, электрон ҳисоб-китоблар механизмини ҳаракатда бўлишини таъминловчи восита - пластик карточкалардир. Пластик карточкалар бўйича операциялар ўз ичига қуйидагиларни олади:

- банклар ёрдамида амалга ошириладиган операциялар;
- аҳолининг савдо ташкилотлари билан ҳисоб-китоблар электрон тизими;
- мижозларга уйда ва иш жойида банк хизматлари кўрсатиш.

Пластик карточкалар ҳисоб-китоблар учун чиқарилган бўлиб, улар бир қанча турларга бўлинади. Пластик карточкалар ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, уларда маълум бир ахборотлар тўплами сақланади ва турли қўшимча дастурлар билан биргаликда қўлланилади. Карточкалар ёрдамида бинога кириб чиқишга рухсатнома сифатида, компьютерга ишлашга рухсат, ҳайдовчилик гувоҳномаси, телефон сўзлашувлари учун тўлашда ва бошқа мақсадларда қўллаш мумкин. Пул муомаласи соҳасида пластик карточкалар нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилишда прогрессив воситалардан

бири бўлади.

Банк технологиларига банк-мижоз дастурий мажмуасини киритиш мумкин. Бу дастур банк ва мижознинг автоматлаштирилган алоқаси учун белгиланган бўлиб, мижоз билан банк ўртасида коммуникацион алоқа тармоғи орқали файлда маълумотлар алмашинувига асосланган. Банк-мижоз дастури кўрсатиладиган банк хизматларининг барча асосий турларини ўз ичига олади. Бунда ҳужжатлар айланиши қоғоз ишлатилмасдан компьютер орқали электрон ахборот алмашиш ва қайта ишлаш кўринишида амалга ошрилади. Янги банк технологияларининг ҳар бири ҳақида кейинги параграфларда фикр юритамиз.

2§. «Банк-Мижоз» тизимининг мазмуни ва аҳамияти.

Ҳозирги кундаги энг замонавий банк хизматларидан бири мижозларга олисдан туриб хизмат кўрсатишдир. «Банк-Мижоз»деб номланган бу тизим энг юксак халқаро андозаларга мосдир.

«Банк-Мижоз» тизими буйича ккрсатиладиган хизматлар доираси банк хизматларининг барча асосий турларини ўз ичига олади. Булар, хусусан, тўловлар ўтказиш, банкдаги ҳисобварқалар ҳолати, улардаги тушумлар ва чиқимлар тўғрисида муфассал ахборот олиш, банкнинг тегишли хизматлари билан амалий ёзишмалар олиб бориш кабилардир.

Мижозга хизмат кўрсатиш вақти максимал даражада кенгаяди. Тизимдан фойдаланувчиларга банк дам олиш кунларисиз, кечаю кундуз хизмат кўрсатади.

Бундан буён мижоз ҳар куни банкка бориши шарт эмас. Энди у бевосита офисда ёки уйда туриб унинг хизматларидан фойдаланиши мумкин. «Банк-Мижоз» тизими банкка бориш учун сарфлайдиган вақт ва харажатни анча камайтиради ҳамда банк қаерда жойлашгани мутлақо фарқсиз бўлиб қолади.

«Банк-Мижоз» тизимидаги барча маълумотлар электрон ҳужжатлар кўринишида бўлади. Улар компьютерлар хотирасида сақланади ва электрон каналлар орқали жўнатилади. Банк мижознинг электрон имзоси билан тасдиқланган электрон рақам шаклдаги тўлов ҳужжатларини олиши юридик жиҳатдан қоғоздаги тўлов ҳужжатлари олиши билан тенг ҳисобланади.

«Банк-Мижоз» тизими банк олдидаги қуйидаги масалаларни ҳал қилиш учун ишлатилади:

- мижоз учун навбатга туришга хожат қолмайди;
- мижоз учун банкнинг операциялар залига келиш харажатлари бўлмайди;
- мижоз ҳисоб рақамидаги операцияларни амалга ошириш вақтини камайтиради;
- ҳужжатларни компьютерга киритишдаги, текширишдаги ва қайта ишлашдаги хатоликларга йўл қўйилиши хатарини камайтиради;
- банк ходимини меҳнати енгиллашади ва иш сифати ошади;
- мижоз учун кенг кўламдаги хизмат турлари таклиф қилинади ва бу хизмат турлари ривожлантирилади;

- мижозлар банкдан суткасига 24 соат мобайнида ва ҳафтасига 7 кун мобайнида маълумот олишлари мумкин ва бунинг учун банкда 3 сменали ишни ташкил қилиш шарт эмас;

- банкни ривожлантириш учун қўшимча инвестициялар қилмасдан мижозларни жалб қилиш.

Шу билан бирга мижоз қуйидаги имкониятларга эга:

- банк билан келишган ҳолда бу тизимга боғланган ишчи учун иш жойига, уйига ёки махсус хизмат кўрсатиш пунктларига ўрнатиб бериш;

- банкга келиб кетиш билан боғлиқ бўлган харажатларни камайиши;

- ҳужжатлар тўлдирилаётгандаги хатоликларга йул қуйилмаслик хавфини камайтириш;

- ишончли ва хавф-хатарсиз банк операцияларини амалга ошириш ва унинг натижасини тезда кўриш;

- ҳисобрақами тўғрисидаги, кирувчи ва чиқувчи тўловлар ҳақидаги аниқ ва ишончли маълумотларни олиш;

- банк ҳақидаги ҳар хил маълумотларни олиш;

- банк қаерда жойлашгани эмас, балки у қай даражада хизмат кўрсатиши зарур.

«Банк-Мижоз» тизимидаги ҳужжатлар айланиши бу оддий қоғозли ҳужжат айланишининг техника воситалари орқали амалга ошириш воситасидир.

Электрон ҳужжат айланиши - бу қоғоз ҳужжатлар ишлатмасдан компьютер орқали ахборот алмашиш ва уни қайта ишлашдир. Электрон ҳужжат айланишидан фойдаланганда ахборотни қайта ишланиши тезлашади ва аниқлашади, ушбу ахборотларни ҳажми катталашиб кетмаслиги учун қўшимча ахборотлар олиш учун манбалар очилади. Бундан ташқари, ҳужжатлар қалбакиланишининг олди олинади ва бу ҳужжатларнинг ҳақиқийлигига ишонч ҳосил бўлади.

«Банк-Мижоз» тизимидаги барча ахборот электрон ҳужжат тарзида таклиф этилади. Электрон ҳужжатлар бу асли қоғоз ҳужжатларнинг электрон версияси бўлиб, у компьютер хотирасида сақланади ва электрон коммуникация каналлари орқали жўнатилади. Агарда керак бўлса ушбу ҳужжатларни электрон версиясини қоғозга тушириб олиш мумкин.

«Банк-Мижоз» тизимида асосан гипертекстли программалар қўлланган бўлиб, бу программалар ҳозирги кунда Internet тармоғида кенг фойдаланилмоқда.

Ушбу тизим мижоз учун банкнинг Web-серверига уланиб у орқали On-line режимида банк операцияларини амалга ошириш, ва қўшимча ахборотлар олиш имконини беради.

Алоқа воситаси сифатида оддий телефондан фойдаланиш мумкин. Программа таъминоти сифатида стандарт Web-Brayzer Microsoft Internet Exployer дастуридан фойдаланиш мумкин. Мижозда ҳеч қандай қўшимча банк дастурлари бўлмайди ва ҳеч қандай база маълумотлари сақланмайди. Ҳамма программа таъминоти, бизнес мантиқ ва база маълумотлари банкнинг R-Bank тизими билан банк серверида сақланади. Мижоз қачон банк билан боғланса ўшанда барча ишларини амалга ошириши мумкин.

«Банк-Мижоз» тизими бу мижоз ва банк ўртасидаги ҳимояланган электрон ҳужжатлар алмашишнинг Web-технологиялар асосида яратилган тизимидир.

«Банк-Мижоз» тизимида мижоз оператив ҳолатда On-line режимида ўзининг ҳисобварақларини бошқаради, банкдан жорий вақтдаги ҳисобрақамидаги қолдиқ ҳақида маълумот олиш ва улардан кўчирмалар қилиш, бошқа ҳар хил вақтлар учун кўчирмалар қилиш имкони ва бошқа молиявий маълумотлар олиш имконини беради.

Ушбу тизим мижоз учун банк ичидаги ва банк ташқарисидаги барча тўловларни амалга ошириш ва асосий тўлов ҳужжатлари билан ишлаш имконини беради:

1) миллий валютада:

- тўлов топшириқномаси;
- тўлов топшириқномасини қайтариб олиш;

2) чет эл валютасида:

- валютани кўчириш учун ариза;
- валютани мажбурий сотиш учун топшириқнома;
- валюта сотиш учун ариза;
- валюта сотиб олиш учун ариза;
- аккредитив учун ариза.

Тўлов хужжатлари билан ишлашда тизим қуйидагиларни амалга оширишга рухсат беради:

- янги ҳужжатни янгидан ва намуна бўйича тўлдириш. Бу дегани мижоз бўш бланкани олгандан кейин уни уч хил йўл билан тўлдириши мумкин. Биринчиси - қўл билан янгидан маълумотларни киритиш. Иккинчиси - шаблон ҳужжатлар справочнигини чақириш орқали. Учинчидан - олдин қилинган ҳужжатни кўчириб олиш орқали, яъни олдин қилинган ҳужжат рўйхатдан топилади ва кўчириб олинади. Шу билан бирга мижоз кўчириб олган ҳужжатини ўзгартириш имконига эга бўлади.

- Агар мижоз Off-line режимида бошқа бухгалтерия дастурлари орқали тўлов ҳужжатларини тайёрлаб қўйган бўлса, уларни «Банк-Мижоз» тизимига кўчириши ёки ушбу икки программани боғлаши мумкин, лекин бунда ушбу электрон ҳужжатлар қаттиқ текширувдан ўтказилади.

- Кўпгина тўлов ҳужжатларининг моделлари доимо сақланиб туради ва уларни қайтадан киритиш шарт эмас. Масалан ҳужжатнинг номери, олувчининг реквизитлари ва бошқалар.

- Мижоз томонидан справочник юритиш. Бунда мижоз тез-тез қайтарилиб турадиган ҳужжатларни справочникка киритиб қўяди ва у керак бўлганда справочникдан чақириб олади ва ишлатиши мумкин.

- Тўлов ҳужжатларини мижоз томонидан бирма-бир имзоланиши мумкин, ёки бирданига ҳаммаси филтр орқали ёки корреспонденция орқали имзоланади.

- Жўнатилган ҳужжатларни қайтариб олиш имкони, яъни агар мижоз электрон ҳужжатни жўнатган бўлса-ю, банк томонидан ушбу ҳужжат бўйича ҳали тўлов амалга оширилмаган бўлса, ҳисоб рақамида ўзгаришлар бўлмаган бўлса, мижоз тўловни бекор қилиши мумкин.

- Электрон ҳужжатларни принтердан чиқариб олиш имкони, яъни мижоз

барча электрон ҳужжатларни, кўчирмаларни ўзига қулай ҳолда принтердан чиқариб олиши мумкин ва уни ўзида сақлаб ўтириши шарт эмас.

- тизимга улангандан буён амалга оширилган барча ахборотлар архивига, яъни банк серверида ахборотлар сақлаш имкони. Бунда мижоз ўзинг компьютеридаги диск хотирасини сақлайди, яна ушбу ахборотларни билмасдан ёки атайлаб ўчирилиб кетмаслиги имконини беради.

- Берилган реквизитлари буйича архивдан керакли ҳужжатларни тезда топиш имкони, яъни ҳисобрақамлар бўйича, корреспондентлар бўйича, валюта турлари бўйича топиш имкони.

- Ахборотни филтрлаш ва сортировка килиш. Бунда мижоз қидириш маълумотлари киритилса бўлди топиш тезлашади.

Ушбу тизим мижоз учун ҳақиқий вақт режимида қуйидагиларни олиш имкони беради:

- Қзининг барча ҳисобрақамларидаги қолдиқлар ҳақидаги маълумотлар;

- Сўров берилган вақтгача бўлган барча оборотлари ҳақидаги барча ҳисобрақамларидан экспресс кўчирмалар олиш;

- Ҳамма ҳисобрақамлари бўйича банк операцион куни ёпилгандан кейин кўчирма олиш имкони;

- Ҳар қандай ҳисобрақамидан ҳар қандай давр учун кўчирма олиш имкони;

- On-line режимида турган ҳолда ўтказган тўловлари, банкнинг молиявий ҳолати ҳақида аниқ маълумот олиш имкони;

- Аниқ On-line режимида турган ҳолда 2-картотекада турган ҳужжатлар ҳақида маълумот олиш имкони;

- Барча ссуда ва депозитлар бўйича ҳисобланган фоизлар ҳақида ва уларни тўлаш вақти тўғрисида маълумот;

- Ссуда бўйича ҳисобланган қарзлари бўйича охирги маълумотларни олиш;

- Ўзбекистон Республикаси банклари тўғрисидаги справочникдан маълумот олиш;

- МБ томонидан белгиланган жорий ва олдинги валюта курслари ҳақида маълумот.

Бундан ташқари «Банк-Мижоз» тизими:

- келажакда амалга оширилиши керак бўлган тўловларни ушлаб
туриш;

- кўп қиррали электрон имзони қабул қилиш имкони, яъни оператор-бухгалтер-директор;

Тизим банк билан почта алмашиш имконини беради:

- банкка текст ҳолатидаги ахборотни жўнатиш ёки банкдан қабул қилиб олиш имкони;

- банкка ихтиёрий ҳолатдаги файлларни жўнатиш ва қабул қилиб олиш;

- банкнинг эълонлар доскаси билан боғланиб туриш ва у ердан ахборотлар олиш имкони.

Мижоз тизим билан хоҳлаган вақтида, хоҳлаган жойидан туриб, меҳмонхонадами, уйидами, ишхонасидами ёки бошқа шаҳарда бўлса ҳам системага уланган компьютери ва модем орқали тўловларни амалга ошириши

мумкин. Ушбу тизим кўпчилик томонидан бирданига фойдаланса бўладиган имконга эга, яъни мижоз томонидан ҳам банк томонидан ҳам. Тўлов ҳужжатларини бир ерда тўлдириб бухгалтер ёки директор бошқа ердан туриб имзолаши ҳам мумкин.

Ушбу тизим юқори даражали ҳимояга эга бўлиб, алоқа йўллари орқали мижоз томонидан ёки банк томонидан ноқонуний киришлардан ҳимояланган. Мижоз ва банк томонидан киритилган ахборотлар шифрланади ва электрон имзо билан тасдиқланади.

3§. Ҳисоб-китобларни «Банк-Мижоз» тизими орқали ўтказиш тартиби.

Ўзбекистонда банк тизими ривожланиб борган сари банклар томонидан мижозларга хизмат кўрсатиш сифати яхшиланмоқда, уларга янги банк хизматлари таклиф этилмоқда. Шулардан бири янги технология бўлиб ҳисобланган «Банк-Мижоз» дастури бўйича ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 1998 йил 497-сонли билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 27 июнда 402-сон билан тасдиқланган «Ҳисоб-китобларни «Банк-Мижоз» дастурий мажмуаси орқали амалга ошириш тўғрисида»ги Низом асосида олиб борилади.

“Банк мижоз” дастурий мажмуаси (дастур) банк ва мижознинг автоматлаштирилган ўзаро алоқаси учун белгиланган бўлиб, пул маблағларининг оператив бошқаришнинг ўсишига ва қуйидагиларга имкониятлар яратади:

- мижознинг ҳар куни банкка қатнамаслиги ҳисобига ўз вақтини ва маблағини тежашга;
- минзалнинг узоқ яқинлигига қарамасдан мижознинг банкни ўзи ихтиёрий равишда танлашига;
- банк мижозлари бўлган фуқароларга уларнинг уйида, юридик ташкилотларга эса уларнинг идораларида автоматлаштирилган иш жойини ташкил қилган ҳолда банк хизматини кўрсатишга;
- операцион ва ахборотлар соҳасида мижозга кўрсатиладиган хизмат доирасини кенгайтиришга;
- банк бухгалтерларининг меҳнат унумдорлигини оширишга;
- операцияларнинг юқори тезликда ва сифатли рўйхат қилинишини таъминлашга.

Банк мижоз дастурий мажмуасининг ишлаши банк билан мижоз ўртасида коммуникацион алоқа тармоғи орқали файлда маълумотлар алмашинувига асосланган.

Мижозлар билан маълумотларни алмашиш учун банкда мижозлар учун почта қутиси ташкил қилинади, унга пароль ва идентификатор орқали кирилади.

Мижозларнинг сўровларини қайта ишлаш, маълумотларни қабул қилиш, узатиш автоматлашган ҳолда амалга оширилади.

Банк мижоз дастурининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- электрон пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини тайёрлаш;
- сўровномлар ва хабарномаларни шакллантириш;
- электрон имзо ва маълумотларни рақамлаш;
- банк билан модем алоқаси;
- маълумотларни қабул қилиш ва узатиш;
- қабул қилинган маълумотларни қайта ишлаш;
- керакли маълумот ва ҳисобот шаклларни қайта ишлаш;
- керакли маълумот ва ҳисобот шаклларини босмадан чиқариш;
- маълумотларни архивлаш.

Мижозларнинг электрон пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини банкнинг маълумотлар базасига киритиш қуйидаги схема бўйича амалга оширилади:

- схема

9 - схема


Хужжатларни маълумот базасига
киритиш схемаси



Банк мижоз дастури банкнинг шахсий мулки ҳисобланади. Банк мижозлари ушбу дастурнинг асосий фойдаланувчилари ҳисобланиб, улар муносабатлари тартибга солиниши учун шартнома тузилади. Лекин “Банк мижоз” дастури орқали операцияларни амалга оширишдан аввал мижозлар бир қатор техник воситалар билан таъминланган бўлиши лозим.

10 - схема

Мижоз учун талаб этиладиган техник воситалар



Шундай қилиб, схемада кўриниб турганимиздек дастурий мажмуага уланишлари учун мижозларда қуйидагилар бўлиши талаб этилади:

- шахсий компьютер;
- модем;
- принтер;
- мос дастурий таъминот, яъни Windows 98, 2000; Win NT4, NT Server, Windows XP, Millennium ва хоказолардан бири.

Электрон пул ҳисоб ҳужжатларининг тўғри шакллантирилиши, шифрланиши ва уларнинг алоқа каналлари орқали банкка узатилиши бўйича жавобгарлик мижоз зиммасига юклатилади.

Банк мижознинг ҳисобварағидан маблағларни тўғри ҳисобдан чиқарилганлиги ва ўтказилганлиги, ҳамда электрон тўловлар тизими бўйича ахборотни ўз вақтида узатиш учун жавобгардир.

Алоқа каналлари орқали мижоз билан банк ўртасидаги ахборот алмашинуви шартномада келишилган вақтда амалга оширилади. Янги амалиёт куни бошланишдан олдин мижоз ўтган кун бўйича ўз депозит ҳисобварағидаги ҳаракатлар (оборотлар) ва қолдиқларни банк билан таққослаб текшириб олиши шарт. Агар ҳаракатлар ва қолдиқлар мос келса, мижозга янги амалиёт кунини бошлаш ва ҳужжатларни киритиш учун рухсат берилади. Акс ҳолда улар ўртасидаги фарқ сабаблари аниқланади ва мижоз ахборот билан мувофиқлаштирилади. Шахсий ҳисобварақлардаги ҳаракатлар ва қолдиқларнинг таққослаш натижаларидан қатъий назар банк билан мижоз ўртасидаги ахборот сўровномалари ва ҳабарлар алмашиниши амалга оширилади.

Бу тизим орқали ҳисоб-китоб қилишда мижоз ўз ҳисобварағидан маблағларни фақат тўлов топшириқномаси шаклида амалга оширади.

Банкда мижозлардан алоқа каналлари орқали олинган электрон пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари, тўловлар амалга оширилгандан кейин икки нусхада босмага чиқарилади:

- бир нусхаси умумий тартибда банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади;
- иккинчи нусхаси эса таққослаш учун пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл нусхаларини олингунча банкда қолдирилади.

Мижоз алоқа каналлари орқали жўнатилган пул ҳисоб ҳужжатларининг асл нусхаларини банкка шартномада кўрсатилган муддатларда етказиши лозим, бунда электрон ҳужжатлар асл нусха билан солиштирилиб, бухгалтер имзоси ва унга бириктирилган банк штампи билан тасдиқланади ва электрон ҳужжатларнинг нусхалари билан биргаликда банкнинг кунлик ҳужжатларига тикиб қўйилади. Дастурдан фойдаланувчи мижозларнинг пул ҳужжатларининг асл нусхаларини юритиш учун банкда алоҳида ҳужжат папкалари юритилади.

Дастур орқали мижознинг иш тартиби қуйидагича бўлади:

Мижоз пул ҳужжатларини 60-йўриқномага асосан расмийлаштиради. Мижознинг маълумотларини ҳисоб-китоб ҳужжатининг асл нусхасига

асосланган ҳолда компьютерга киритишни амалга оширади. Компьютерга киритилган ҳужжатларнинг рўйхати босмадан чиқарилиши зарур. Жавобгар ходим, яъни бош бухгалтер ёки мажбурият юкланган бошқа бир шахс ушбу рўйхатларни пул ҳужжатларининг асл нусхалари билан таққослаши, уларнинг мослигини тасдиқлаши ва банкка жўнатиш учун рухсат бериши лозим. Ахборотлар электрон имзо билан тасдиқлангандан кейин у криптографик ҳимояга ўтади ва алоқа канали орқали хизмат кўрсатувчи тижорат банкига узатиладиган электрон файл шакллантирилади. Криптографик ҳимоядан ўтган файл, мижлзни даҳл қилиш имкониятидан маҳрум қилади.

Тижорат банкида қабул қилинган ахборотлар дастурий равишда қайта ишланади ва келиб тушган ҳужжатлар, электрон пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари, шахсий ҳисобварақлар рўйхати шаклланади.

Мижоз қабул қилиган маълумотни компьютер экранида кўриши ва уни босмага чиқариши мумкин. Мижоз уни ўчириш ёки ўзгартириш имконига эга эмас. Пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича банкдан жўнатилган ва қабул қилинган барча ахборотлар дастурий равишда архивланади ҳамда ўрнатилган тартибда сақланади. Ахборотларни сақлаш муддати тугаши билан дастурий равишда архивдан ўчирилади. Архивга фақат корхонанинг жавобгар ёки рухсат берилган ходимигина кириши мумкин.

“Банк мижоз” дастури орқали банкнинг иш тартибини кўриб чиқамиз. Мижозлар билан ахборотлар алмашиниш учун банкда хар битта мижозга алоҳида почта қутиси ташкил этилади. Мижозлардан келиб тушган барча ахборотлар дастурий равишда дешифрация қилиниб, реквизитли назоратдан ўтади ва банкнинг маълумотлар базасига “киритилган” мақоми остида туширилади. Зарур ҳолларда банкнинг жавобгар ходими ўз иш жойида қўшимча текширилиши лозим бўлган элктрон ҳужжатларни босмадан чиқаради ва банкнинг тегишли бўлимлари билан келишади. Пул ҳужжатлари ўрнатилган тартибда текширилгач, улар тасдиқланади ва банкнинг амалиёт кунига қайта ишлаш учун юборилади, кейин эса электрон тўловлар тизими бўйича олувчига жўнатилади. Мижознинг ҳисобварағида маблағлар йўқ бўлган ҳолларда, пул ҳужжатлари билан бутун файл қайта ишлашдан чиқариб ташланади ва мижознинг почта қутисига қайтарилади, агар шартномада ёки бошқа меърий ҳужжатларда бошқаси назарда тутилмаган бўлса.

Электрон тўловлар тизими орқали келиб тушган пул ҳужжатлари ижро этилгандан сўнг мижознинг почта қутисига жойлаштирилади. Кун давомида мижозлардан олинган барча маълумотлар архивланади ва ўрнатилган тартибда сақланади.

4§. Электрон-банк хизмати

Ҳозирги кунда банк хизматларининг турлари тобора кўпайиб бормоқда. Шулардан бири «электрон-банк» хизматларидир.

“Электрон банк” – банкнинг мижози бўлган юридик ва жисмоний шахсларга “Интернет” электрон тармоғи орқали ўзларининг ҳисобварақлари бўйича банк хизматларидан фойдаланишга имкон яратиб берувчи рақамлардан

иборат хизматдир.

Бу хизмат тури бўйича операцияларни ўтказиш тартибини ёритишдан аввал ушбу хизмат бўйича баъзи терминларни келтирамиз:

Ушбу услубий тавсиялар мақсадида қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

а) “Internet” (Интернет) – Жаҳон компьютер тармоғи, яъни глобал мулоқот муҳити;

б) Web-сайт – молиявий операцияларнинг дастурий маҳсулот жойлашган Интернет-сайт;

в) Web-браузер – Интернетда ишлаш учун дастурий маҳсулот (Интернет бўйича йўл кўрсатувчи);

г) модуллик – тармоқнинг нисбий мустақиллиги;

д) очиқ архитектура – осон лойиҳалаштиришнинг имконияти;

е) крипто-жараён – маълумотларнинг шифрлаш ва дешифрлаш жараёни;

ё) АИЖ – автоматлаштирилган иш жойи;

ж) SSL (Secure Sockets Layer) – маълумотларни ўтказишда қўлланиладиган хафвсиз протокол;

з) аунтенфикация – ҳақиқийликни (тасдиқлаш) ўрнатиш;

и) ягона сессион калитнинг яратилиши – маълумотлар муҳофазасини таъминлайдиган нодир код (рақамлар йиғиндиси ёки белгилар)нинг қайта ишлаб чиқилиши;

к) IP – ахборотлар алмашинувини амалга оширадиган тармоқлараро протокол.

“Электрон банк” веб-саҳифа ва веб-браузер орқали мижозларга турли операцияларни амалга оширишга имкон беради. “Электрон банк” мижозларга ўз ҳисобрақамларининг ҳолатини, шунингдек, унинг тарихини (барча тўловлар ва тушумлар ёзувлари) реал вақт тартибида батафсил ўрганишга ва зарурат туғилганда, мижозлар билан ишловчи, яъни нақд пул олишдан ташқари, барча банк ва консультатив хизматларни ўз ичига оладиган хизмат бўлимига мурожаат қилишга имкон беради.

“Электрон банк” тизимининг асосий қоидалари қуйидагилардир:

а) мижоз-сервер;

б) модуллик;

в) очиқ архитектура;

г) реал вақт тартиби;

д) мосланувчанлик.

“Электрон банк” тизими таркибий қисмлари жаҳатидан учта қуйидаги кичик тизимлардан иборат бўлиши мумкин:

- “InternetBank” электрон тўловлари” кичик тизими;
- “PhoneBank” телефон орқали банк” кичик тизими;
- “MailBank” электрон тўловлари” кичик тизими.

“Электрон банк” дастурий таъминоти банкнинг ўзи ёки компьютер дастурий таъминотларини ишлаб чиқишга ихтисосланган компаниянинг маҳсулоти бўлиши мумкин ва у мақсадлари бўйича банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ҳамда тегишли тартибда сертификатлашлари лозим.

Банклар Интернет тармоғига уланган компьютерларнинг банк корпоратив

тармоғидан ва банк компьютерларидан алоҳида ажратилган бўлиши шарти билан, Интернет тармоғидан “Электрон банк”нинг иш жараёни воситаси сифатида фойдаланиш мумкин.

Интернет тармоғига чиқадиган компьютерларда антивирус дастурий таъминотлари ўз вақтида янгиланиб туриши зарур.

“InternetBank” (Интернет банк) – мижоз томонидан ўз ҳисобрақамини Интернет орқали масофадан бошқариш тизими, яъни банк ва мижознинг ўзаро мажмуавий интерактив фаолияти бўлиб, у қуйидагилардан иборатдир:

а) ўз ҳисобварақлари ҳолати ва барча операциялар тарихи ҳақида маълумотлар олиш;

б) ҳисобрақамларни очишда уларни захиралаш имконияти;

в) ностандарт вазиятлар ҳақида банкни тезкор огоҳлантириш, масалан, тўловда йўл қўйилган хато бўлган ҳолда;

г) банк, унинг маҳсулотлари ва хизматлари ҳақида тезкор ахборот олиш, банкдан электрон кўринишда маълумотлар (масалан, битим ва шартномалар шакллари) ёки дастурий маҳсулотларни, онлайн консультацияларни олиш ва ҳ.к.

Интернет банки уланиш учун мижоз қуйидагиларга эга бўлиши лозим:

а) интернет тармоғига уланган компьютер ёки бошқа қурилма;

б) браузер дастури;

в) ахборот муҳофазасини қўшимча даражада таъминлайдиган қуйидаги воситалар:

- кодлаш даражасини ошириш мақсадида қўшимча дастурий модулни ёки кўмакчи дастурни ёхуд смарт карталар технологиясини қўллайдиган тизимларни ўрнатиш;

- идентификатор ва рўйхатдаги номи билан бир қаторда, транзакциялар рақамлари рўйхатидан (TAN), яъни фақат битта банк операцияси учун бир марталик қўлланиладиган пароллар йиғиндисидан фойдаланиш.

Овозли ахборот “Phonebank” (телефон орқали банк) кичик тизими банк мижозларига аниқ вақт тартибида қуйидаги ахборот ва тўлов хизматларини кўрсатади:

Универсал парол бўйича барча фойдаланиши мумкин бўлган хизматлар:

а) банкнинг ахборот маълумот хабарлари, зарурат туғилганда операторга уланиш;

б) жорий санага бўлган валюта курслари, зарурат бўлганда эса, курслар жадвалини факс-аппаратига юбориш.

Мижозларни доимий ёки бир сеанс кодлари орқали идентификация қилувчи норасмий хизмат:

а) аниқ мижозлар учун ахборот;

б) ҳар қандай санага валюта курслари;

в) мижознинг ҳисобварақлари ҳолати (ҳар қандай санага қодиқлар ва айланмалар);

г) тўлов ҳужжатларидан кўчирма ва нусхаларни факс-аппаратидан олиш.

Тизимдан фойдаланиш учун мижозга овозли териш режимига ўтиш имкониятига эга бўлган телефон аппарати керак бўлади. Мижоз банкка

қўнғироқ қилади, у ерда компьютер телефония платаси ўрнатилган компьютер телефон “гўшагини кўтаради”. Овоз тизими ва инсоннинг мулоқоти мижознинг телефон аппаратидаги рақамли тугмачаларни босиш ҳамда таклиф этиладиган буйруқлар орқали амалга оширилади, масалан: “ҳисобрақамингиз ҳолати тўғрисидаги маълумотни олмоқчи бўлсангиз, 1 рақамни босинг, чет эл валюталар курслари тўғрисидаги маълумотни олмоқчи бўлсангиз, 2 ни босинг ...” Мижоз ўз телефон аппаратидаги тегишли тугмачаларни босади, шундан кейин, унга тизим ёки янги хизматлар рўйхатини таклиф этади ёки қизиқтирган маълумотни хабар қилади. Ахборотни мухофаза қилиш, ҳисобрақамларни кодлаш, шифрнинг турли алгоритмлари ва пароллаш орқали амалга оширилади.

“Minibank” кичик тизими банк мижозига тегишли тўловларни қоғозсиз электрон усуллардан фойдаланган ҳолда амалга оширишдан иборат. Бундан ташқари, банк мижозига қўшимча равишда унинг ҳисобрақами ҳолати тўғрисида ахборот ҳамда банк фаолияти ва у кўрсатаётган хизмат турлари ҳақида маълумот бериши мумкин.

“Mailbank” функционал жиҳатдан икки қисмдан иборат:

а) электрон тўловлар сервери (тизимнинг кичик банк қисми);

б) банк мижозининг АРМи (кичик тизимнинг мижозлар қисми).

“Mailbank”нинг банк қисми қуйидагилардан иборат:

а) сўровномаларни қайта ишловчи;

б) “Mailbank” администратори;

в) бухгалтернинг иш жойи;

г) операторнинг иш жойи.

Сўровномаларни қайта ишловчи қисм мижозлардан келган сўровларни қабул қилади, уларни расшифровка қилади, қайта ишлаб чиқади, жавобларни шифрлайди ва уларни мижозга юборади.

“Mailbank” администратори, мижозларга ҳисобрақамлар ва сўровномалар маълумотларига кириб боришга рухсат, мижозлар билан ишлаш бўйича тизимдаги статистикани кўриб чиқишга имкон беради, мижозларга кўчирмаларни шакллантиради ва юборади, “Mailbank” хизматидан фойдаланганлиги учун абонент ҳақини ундиради ва ҳақ ёзади.

Интернет орқали мижозга хизмат кўрсатганда хавфсизлик масалалари қуйидаги тизимлар ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида ҳал этилган бўлиши керак:

а) фойдаланувчилар ҳуқуқларини чеклаш;

б) тармоқ орқали юборишда ахборотлар муҳофазаси;

в) ахборотларни ҳаққонийлигини тасдиқлаш.

Фойдаланувчилар ҳуқуқини чеклаш деганда, фойдаланувчилар тизимининг аниқ маълумотларига кириб боришга рухсат назорати, шунингдек, фойдаланувчиларнинг аниқ маълумотлар билан бўлиши мумкин бқлган ҳаракатлари устидан назорат тушунилади.

ҳар бир фойдаланувчи банк ҳужжатларга уларнинг хусусиятлари (пареметрлари) йиғиндиси бўйича мурожаат қилиши ва тизим ҳужжатларига қўшимча қилиши, модификациялаш ва ҳужжатларни олиб ташлаш имкониятини акс эттирувчи ўзига хос ягона ҳуқуқлар йиғиндисига эга. Тизимда

барча ҳаракатлар, албатта, фақат фойдаланувчи ҳуқуқларининг текширилишидан кейин амалга оширилиши керак.

Тизимда шарт бўлган равишда у ёки бу ҳаракатларнинг аниқ ташаббускорини аниқлаш учун фойдаланувчининг мухим маънога эга бўлган амаллари дафтари юритилади.

Тармоқ бўйича юбориладиган маълумотлар ҳимояси деганда, очиқ тармоқ алоқаси орқали юбориладиган маълумотлар таҳлили асосида тизимнинг аниқ маълумотини яшириш фойдаланувчиларга тўсқинлик кўрсатувчи чоралар йиғиндиси тушунилади.

Ушбу мақсадларда SSL (Secure Sockets Layer) протоколидан фойдаланилади, бу қуйидаги вазифаларни бажаришга имкон беради:

а) веб-серверни ҳақиқийлигини тасдиқлаш. Мижоз халқаро сертификатга эга бўлган тизимнинг аниқ сервери билан боғланишини кафолатлайди;

б) ягона бир сеансли калитни юзага келтириш. Бир сеансли калит маълум бир даврда (алоқанинг бир сеансида) алоқа узилиб қолганда ҳам, ахборотларни муҳофаза қилади;

в) маълумотлар хавфсизлигини кафолатлайдиган ҳимоялаш турида Интернет бўйича маълумотлар юбориш.

Бундан ташқари, ахборотни криптомуҳофаза қилишнинг сертификатланган воситаларидан фойдаланиш мумкин.

5§. SWIFT халқаро тўловлар тизими

Ҳозирги пайтда фойдаланилаётган банк электрон тизими банк хабарлари ва ҳисоб-китоб тизимидан таркиб топган. Иккаласининг яъни банк хабарлари ва ҳисоб-китоб тизимининг фарқи шундан иборатки, биринчисидан оператив жўнатмалар ва ҳужжатларни сақлаш, иккинчисидан эса аъзолари ўзаро талаб ва мажбуриятларини сўндириш мақсадида фойдаланилади. Биринчи гурухга SWIFT ва Bank Wire - банкларнинг хусусий капитал электрон сет тизими, иккинчисига эса Fed Wire – АҚШ федерал заҳира тизимига тегишли тизим; CHIPS – Нью-йорк халқаро ҳисоб -китоб тўлов тизими; CHAPS - Лондон автоматлашган хисоб -китоб тўлов тизими палатаси мисол бўла олади. Японияда эса «ЗЕНЧЕКИО» халқаро нақд пулсиз ўтказмалар банклараро тизими фаолият юритади. Буларнинг барчаси телекоммуникация билан боғлиқ тизимлар ҳисобланади.

Банк тизимида электрон ҳисоб-китобларни ташкил этиш хусусида сўз борар экан, телекоммуникация тизимлари хақида тўхталмасдан мумкин эмас. Биз қуйида жахондаги махсуслаштирилган телекоммуникация тизимларидан бири хақида тўхталиб ўтамиз.

Зарур ускуналар ва дастурий мажмуалардан фойдаланган ҳолда махсуслаштирилган телекоммуникация тармоқларини яратиш мумкин. Махсуслаштирилган телекоммуникация тармоғи деганда банклараро электрон ахборотлар ва тўловлар, шунингдек, пластик карточкаларга

асосланган нақд пулсиз ҳисоб — китоблар тизими тушинилади.

SWIFT (Society for World-Wide Interbank Financial Telecommunication) - жаҳон банклараро молиявий телекоммуни-кация уюшмаси бўлиб, жаҳондаги молиявий телекоммуникация тармоқлари ичида етакчи ўринда туради.

1950 йилларнинг охирларида халқаро савдонинг шиддат билан ривожланиши оқибатида банк операциялари сони ортиб, алоқанинг анъанавий шакллари (почта, телеграф) банклар талабига жавоб бермай қолди. Банклараро тўловларнинг ўтишида ҳар-хил муоммолар ва хатоликлар пайдо бўла бошлади.

Банклараро тўловларда операцияларнинг ортиши билан жуда кўп қоғозларнинг ишлатилиши кўп ноқулайликларни келтириб чиқарар эди. Бунинг оқибатида ахборотларни қоғозсиз тарзда узатишга эҳтиёж сезила бошланди.

1960 йилга келиб 60 та Америка ва Европа банклари халқаро банк тизимлари ишини андозалаштириш мақсадида муҳокамага йиғилди.

Бу йиғилишда банклараро тўловларни ўтказишда компьютер техникаларидан ва телекоммуникация ускуналаридан фойдаланиш келишиб олинди. Ушбу ускуналар асосида тез ва ҳавфсиз ахборот узатиш тизимини яратишга келишилди.

Бу лойиҳа қуйидагиларга жавоб бериши лозим эди;

■ Тўлов муомалалари қоғозсиз тарзда ва имкон даражада рационал ишлаши;

■ Телекоммуникация ускуналаридан фойдаланган ҳолда банклараро ахборотларни алмашишини тезлашиши;

■ Банк хатарлари минималлашуви (масалан йўқотишлар, тўловларнинг хато кетиши, қалбаки тўловлар ва ҳакозо);

1973 йил май ойида Бельгия қонунчилиги асосида 15 та давлатнинг 239та банки SWIFTни таъсис этдилар. Кейинги 4 йил ташкилий ва техникавий масалаларни хал этишга қаратилди.

1977 йилга келиб SWIFTнинг очилиши, яъни тармоқнинг ишга туширилиши бўлди. Шу йилнинг охиригача банк аъзолари сони 586тага етди. Бир кунда трафик 50000 та ахборот узатилиши таъминланди. .

Ҳозирги вақтда SWIFTдан 155 давлатнинг 4800та банклари ва банк бўлмаган молия ташкилотлари фойдаланадилар. Булардан 2700таси банклар ҳисобланади. Бу банк ва молия ташкилотлари жойлашган ҳудудлардан қатьий назар 365 кун давомида кеча-кундуз бир-бири билан алоқа ўрнатиши мумкин. Ҳозир SWIFT орқали бир кунда 5 миллион молиявий ахборот узатилади.

SWIFT - бу эгалари банк - аъзолари бўлган акционерлик жамият ҳисобланади. Юқорида айтилгандек, бу жамият Белъгияда рўйхатга олинган. Штаб - квартираси Брюсселдан унча узоқ бўлмаган Ла-Ульп шаҳрида жойлашган. Ушбу акционерлик жамияти Бельгия қонунчилиги асосида фаолият юритади. Юқори органи банк аъзоларининг умумий

йиғилиши ҳисобланади.

Барча қарорлар ассамблеянинг қатнашувчиларининг кўпчилик овози орқали қабул қилинади. Бунда бир акция - бир овоз ҳисобланади. Акциялар ахборотларни узатиш сонига қараб тақсимланади. АҚШ, Германия, Швейцария, Франция, Буюк Британия каби давлатларда акциялар сони бирмунча кўп.

SWIFTга миллий қонунчилигида халқаро банк муомалаларини амалга оширишга рухсати бор ҳар бир давлатнинг банки аъзо бўлиши мумкин.

Ўзбекистоннинг Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки SWIFTда биринчи транзакцияларини 1993 йилнинг сентябр ойида амалга оширди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг энг йирик банкларидан Халқ банки ҳам ушбу тизимга аъзога бўлди.

SWIFTга аъзо бўлиш икки босқичда амалга оширилади:

•■Биринчи босқичда жамият аъзолигига кириш ва банкнинг тармоққа қўшилиш учун тайёргарлик ишларини амалга ошиши. Бу босқичда аъзолик бўйича ариза тақдим этилади, жамиятнинг муомала харажатлари учун тўловларни ўтказади, банк манзилиллари бўйича пакет ҳужжатларни жамиятга жўнатади. SWIFTнинг Директорлар кенгаши бу ҳужжатларни кўриб чиқади ва жамиятга банкнинг қабул қилиш ёки қабул қилмаслик бўйича ўз қарорларини қабул қилади. Ушбу қарор ижобий бўлса, банк номзод бир маротабалик тўловни амалга ошириши ва бир дона акцияни сотиб олиш ҳуқуқини қўлга киритади. SWIFTга аъзо бўлиш жуда қиммат туради. Бир маротабалик бадал 400000 Бельгия франкини ташкил этади. Бундан ташқари банк аъзо бир дона жамият акциясини сотиб олиши зарурлиги хусусида тўхталиб ўтган эдик. Ушбу жамиятнинг акциясининг нархи 55000 Бельгия франки миқдорида туради.

• ■Иккинчи босқичда банкнинг тармоққа уланиши билан боғлиқ масала ҳал этилади. Бу барча техник масалалар, шунингдек, банк телекоммуникация ускуналарини ҳарид қилиш (бу ускуналарга тахминан 100000 АҚШ доллари атрофида маблағ сарфлаш лозим бўлади) ва ушбу тармоқда ишлаш учун ҳодимларни тайёрлаш, яъни ўқитиш ишларини амалга ошиш масалалари ҳисобланади.

Тармоққа қўшилиш вақти йилнинг март, июн, сентябр ва декабр ойларининг биринчи душанбаси ҳисобланади.

SWIFTнинг камчиликлари ва авфзалликлари мавжуд.

SWIFT фойдаланувчиларга қуйидаги имкониятларни яратади;

■ Тармоқ ахборотларни узатишда физик, техник ва ташкилий усуллар орқали тўлиқ хавфсизликни таъминлайди;

■ Ахборотларни узатишнинг ишончлилиги мавжуд;

■ Алоқалар арзон нархда;

■ Жаҳоннинг исталган нуқтасидан ахборотларни тез узатиш имконияти мавжуд бўлиб, бу ахборотларни узатиш 20 минутни ташкил этади. Ахборотларнинг заруриятига караб бу муддат 1-5 минутни ташкил этиши мумкин.

■ Барча тўлов ҳужжатлари бир андозада бўлади. Бу эса маълумотларни ишлашда енгилликлар туғдиради.

■ SWIFT ўз фойдаланувчилари учун молиявий ҳимояни кафолатлайди. Агар SWIFTнинг айби билан кун давомида белгиланган жойга тўлов етиб бормаса, шу тўлов билан боғлиқ барча харажатларни тармоқ ўз зиммасига олади.

SWIFTнинг катта камчилиги бўлиб, фойдаланувчилар нуқтаи назаридан қараганда бу тизимга киришнинг ўта қимматлигидир. SWIFTга кириш учун банк **160-200** минг АҚШ доллари миқдорида харажат қилишга тўғри келади. Бу эса ўрта ва кичик банкларга қийинчилик ва бир қанча муаоммоларни туғдиради. Бундан ташқари, ички ташкилий техник тизимнинг мураккаблигидир. (бузилишлар ва бошқа техник муаммоларнинг келиб чиқиши мумкинлиги)

6§. Пластик карточкалар

Пластик карточка – бу умумлаштирилган термин бўлиб, у ҳамма тур карточкаларни бажарадиган функциялари, уларнинг бирор-бир белгиланиши, техник имкониятларини умумлаштирилган холатдир. Ҳамма турдаги карточкаларнинг асосий хусусиятлари шундаки, бунда алоҳида ахборот жамланмаси ва алоҳида ёрдамчи дастурлардан фойдаланади.

Шундай қилиб, пластик карточка - бу шахсий тўлов воситаси бўлиб, уни карточкадан фойдаланувчи шахс маҳсулот ва хизматлар учун нақд пулсиз тўловни амалга ошириши учун тақдим этади, шунингдек банклар ва банкоматлардан нақд маблағларни олиш учун ишлатилади.

Тўлов карточкалари ишлатилиши вақтида юзага келувчи тўлов мажбуриятларини бажарилишини карточкани чиқарган банк эмитент кафолатлайди. Шунинг учун карточкалар ўзининг амал қилиш муддати давомида банкнинг мулки бўлиб қолади, мижозлар уни фақатгина фойдаланиш учун оладилар .

Карточкани мижозга берилиши вақтида унинг шахсийлаштирилиши амалга оширилади унга маълумотлар киритилади. Бу маълумотлар карточкани ва унинг эгасини идентификация қилади, шунингдек тўлов ва нақд пул берилиши вақтида карточкалар тўловга лаёқатлилигини текширишга ёрдам беради .

Карточкадан фойдаланиш жараёнида сотувнинг тасдиқланиши ва карточка бўйича нақд пул берилиши авторизация дейилади. Авторизацияни амалга ошириш учун хизмат кўрсатувчи нуқталар тўлов тизимига карточка эгасининг хуқуқлари ва молиявий имкониятларини тасдиқлаш учун сўров юборади.

Авторизациянинг ўтказилиши тўлов тизимига карточка турига ва хизмат нуқтасининг техник жиҳозланишига боғлиқ. Одатда авторизация қўлда бажарилади. Бунда сотувчи ёки кассир телефон орқали операторга сўров юборади ёки автомат тарзда карточка POS - терминалга ўрнатилади. Маълумотлар карточкадан

ҳисобланиб кассир томонидан тўлов суммаси киритилади. Карточка эгаси томонидан эса махсус клавиатура орқали махфий пин код (ПИН персональный идентификационный номер) киритилади. Бундан сўнг терминал авторизацияни ё тўлов тизимининг маълумотлар базаси билан уланган ҳолда (on – line режими) ёки карточканинг ўзи билан қўшимча маълумот алмашиниш (of - line режими) билан амалга оширади.

Ҳисоб-китоб вақтида карточка эгаси бир қанча лимитлар билан чегараланади.

Мисол учун, дебет карточка эгаси ўз счётига олдиндан маблағ киритиши лозим. Маблағлар ҳисобига караб карточка эгасининг лимити аниқланади. Яъни мижоз ўз карточкасидаги маблағлар чегарасида ҳаракат қилиши лозим ва ҳисобидаги маблағларни тўлдириб туриши мумкин.

Тўловнинг таъминланиши учун карточка эгаси олдиндан ўз ҳисобига маблағ киритмасдан, кредит олиши мумкин. Кредит карточкани чиқарган банк эмитентдан олади. Бундай карточка кредит карточкаси деб аталади. Бу ҳолда лимит тақдим этилган кредитнинг суммасига боғлиқ бўлади. Кредит бир марталик ёки қайта тикланадиган бўлади. Кредитни қайта тиклаш қарздорлик суммасини ҳаммасини ёки унинг маълум бир қисмини тўлагандан сўнг амалга оширилади.

Бу иккала карточка ҳам ўз навбатида корпоратив карточка бўлиши мумкин. Корпоратив карточкалар компания томонидан ўз ишчиларига командировка ва иш сафарлари харажатларини қоплаш учун тақдим этилади

Оилавий карточкалар - бунда карточка билан фойдаланиш хуқуқи карточка эгасининг оила аъзоларига ҳам тақдим этилади. Бунда ҳар бир оила аъзосига алоҳида карточка тақдим этилади .

Карточкани чиқарувчи банк эмитент деб аталади. Эмитент банк карточканинг чиқарилиши, унинг тўлов воситаси сифатида ишлатилиши билан боғлиқ молиявий мажбуриятларининг бажарилишини кафолатлайди. Лекин савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан қабул қилинишини таъминламайди. Бу масалаларни банк эквайер бажаради ва савдо нуқталари билан карточка ўртасидаги амалга ошириладиган операцияларни бажаради. Авторизация учун талабларни кўриб чиқади. Савдо нуқталари ҳисоб-китоб счетига товар ва хизматлар учун тўловларни ўтказиб беради, ҳужжатларни қабул қилиш, ажратиш ва юбориш билан шуғулланади. Бундан ташқари, банк эквайер ўзида ва ўз бўлимларида ўрнатилган банкоматлар орқали нақд пул берилишини амалга оширади.

Шуни кўрсатиб ўтиш керакки, банк эквайернинг асосий функцияларидан бири хизмат кўрсатиш нуқталарига ҳисоб-китоб ва тўлов амалга оширишидир.

Барча тўловлар маълум бир тўлов тизими асосида амалга оширилади. Пластик карточкаларнинг тўлов жараёнида маълум бир стандартга асосланиши ва уни амалга оширувчи субъектлар ва усуллар барчаси тўлов тизимини ташкил қилади.

Тўлов тизимининг яратилишида асосий вазифалардан бири тизим таркибига кирувчи эмитентларнинг карточкаларига хизмат курсатиш қоидаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ўзаро ҳисоб-ктоблар ва

тўловларни амалга оширишдир. Бу қоидаларга карточкалар бўйича операцияларни техник томонини қамраб олиб берилган маълумотлар стандарти авторизация ва бошқалар, шунингдек молиявий томонлари савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталари билан ўзаро ҳисоб-китоблар, банклар ўртасидаги ҳисоб-китоб қоидалари, тарифлар ва бошқалар киради.

Тўлов тизими яхши ривожланиши учун карточкаларга хизмат кўрсатишда техник қўллаб-қувватлашни амалга оширувчи номолиявий ташкилот процессини ва коммуникация марказлари техник хизмат кўрсатиш марказлари ва бошқалар муҳим.

Процессинг маркази - бу махсус хизмат кўрсатувчи ташкилот бўлиб, эквайерлардан келиб тушувчи авторизация учун талаблар ва ўзида карточка билан амалга ошган тўловлар ва нақд пул берилган маълумотларни акс эттирувчи протоколларни қабул қилди. Бунинг учун марказ маълумотлар базасини олиб бориб унда тўлов тизими аъзолари ва карточка эгалари акс эттирилган.

Агар банк эмитент ўзида базаси бўлмаса (of-line банк) марказ ўзида карточка эгаларининг лимитлари ҳақида маълумот ва авторизация учун талабларни бажаради. Акс ҳолда (on-line банк) процессинг маркази қабул қилинган талабни банк эмитентга юборади.

Марказ шунингдек, банк эквайерга ҳам жавобини юборади. Бундан ташқари бир кунда йиғилган транзакция протоколлари асосида процессинг маркази тўлов тизимининг иштирок этувчи банклари ўртасида ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун охирги маълумотларни йиғади ва тарқатади. Шунингдек процессинг марказлари банк эмитентларнинг бошқа янги карточкаларига бўлган талабини қондириши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, ривожланган тўлов тизими бир қанча процессинг марказларига эга бўлиши мумкин уларнинг ролини банк эквайерлар ҳам бажариши мумкин.

Коммуникация марказлари тўлов тизими субъектларига маълумотларни тарқатувчи тармоқ дастурни таъминлайди.

Пластик карточкаларни ўз хусусиятлари ва функцияларига қараб қуйидаги турларга бўлиниши мумкин.

1. Ишлаб чиқарилган материалларига қараб:
    - Қоғозли (картонли);
    - Пластик;
    - Металл.
2. Картага маълумотлар ёзилишига қараб:
    - График ёзув;
    - Штрих-кодлаштириш;
    - Магнит чизиқдаги кодлаштириш;
    - Чип;
    - Лазер ёзув.
3. Эмитентларига қараб:
    - Банк карточлари;
    - Хусусий карточкалар;

4. Мижозларга қараб:
    - Оддий карта;
    - Кумуш карта;
    - Олтин карта;
    - Электрон карта.

Техник белгиларига қараб карточкалар 2 йирик турга бўлинади:

1. Магнит лентали карточкалар. Ҳозирги пайтда карточкада 4 та магнит йўл бўлиши мумкин. Уларнинг бирида карточка номери, амал қилиш муддати, иш коди, шахсий кодни текширувчи зона, бўш кодлар жойлашади. Чизиқ ўзида эгасининг исми ва анологик маълумотни акс эттиради. Францияда 2 чизиқ Т2 ва Т3 чизиқлари ишлатилади. Чунки бир ёзилган маълумот бошқа ўзгармайди. Шунинг учун ҳар бир ҳисоб-китобда мижознинг счетида маблағ бўлишини текшириш учун ва у ёки бу суммада тўловни амалга оширишга рухсат олиш учун карточканиинг идентификациясини амалга оширувчи авторизация маркази билан боғланиш керак. Энг асосий камчиликлардан бири, маълумотни янгилаш имконияти йўқ ва магнит чизиқ тез ишдан чиқади. Шунинг учун ҳам банк карточканинг 1 йиллик ишигагина кафолат беради. Бу камчиликлардан электрон кашелеклар яъни смарт - карталар холидир.

2. Микросхема ўрнатилган карточкалар, «смарт карталар». Улар 1974 йили француз инженери Ролан Монеро томонидан яратилган ўз ўрнида смарт карталар 2 турга бўлинади:

- хотирали карталар уларда ПЗУ микросхемалар ўрнатилади ҳажми 32 Бт дан 8 Кбтгача.

- асл смарт карталар таркибида микропроцессор хотира маълумотнинг кирим-чиқим қурилмаси, шунингдек ўз операцион тизимини ўзида мужассам этган микросхема билан таъминланган.

Смарт карталар ўз ишончлилиги ва ишлатиш характеристикаси билан оддий магнит карталардан устун туради.

Смарт карталар оф-лайн режимида ишлайди Смарт карталарнинг ишлаши молиявий таъминланган мижозларнинг харидини назорат қилишга ёрдам беради. Карточка эгаси томонидан карточкага маълум маблағ ёзилади. Сотиб олинган товар учун тўлов ридер орқали амалга оширилади у картада бор маблағларни текширади ва керакли суммани олади.

Ҳозирги вақтда 200 дан ортиқ давлатларда пластик карточкалардан тўлов ҳисоб-китобларда фойдаланилмоқда.

Пластик карточкаларнинг бунчалик оммавийлигининг сабаби нимада, унинг афзаликлари нимадан иборат деган саволлар туғилади. Унинг афзалликлари албатта оммавийлигини таъминлайди. Улар қуйидагилардан иборат.

1. Хавфсизликнинг пасайиши, яъни фойдаланувчи ўзи билан жуда кўп миқдорда нақд пул олиб юрмаслиги, бошқа томондан тўловни тезда амалга ошириши.
2. Валюта конвертациясидан хавотир олмаслик, буни банкнинг ўзи амалга оширади.
3. Бюджет режаси ва назорати янада ошади.

4. Пластик карточка йўқолса, банкка хабар бериб ўз ҳисоб-китоб рақамини музлатиб қўйиш мумкин.
5. Банкка қўйилган қўйилмаларга банк фоиз тулайди.
6. Карточка эгаси нақд пул эгасидан кўпроқ савдони амалга ошириши мумкин ва ҳаказолар.

Пластик карточкаларининг ўзига яраша камчиликлари мавжуд. Мижозлар учун кредит карточкаларининг салбий томони шундаки, у харажатлар билан боғлиқ бўлади. Улар қуйидагилар:

1. Пластик карточка яратган афзалликлар учун ҳақ тўланиши керак бўлади.
2. Карточка ҳамма магазинлар савдо ва хизмат кўрсатиш доирасида хизмат қилавермайди.
3. Карточкадан фақат 18 ёшга тўлганлар фойдаланиши мумкин.

Кредит карточкага эга бўлиши учун аввал банк мижозга бир қанча саволлар мажмуасидан иборат махсус бланка тўлдиришини талаб этади.

Унда мижоз ҳақида, унинг молиявий аҳволи ҳақида саволлар мавжуд бўлади. Ана шу манбаларга асосланиб, банк молиявий аҳволга эътибор бериб, сальдо белгилайди. Агар мижознинг молиявий аҳволи банкни қаноатлантирса мижоз кредит карточка эгасига айланади.

Мана шу каби жараёнлар Ўзбекистонда ҳам ривож топмоқда. Деярли мавжуд барча банкларнинг ҳаммасида пластик карточка эмиссияси мавжуд. Бу борада «Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият миллий банки», «Тадбиркор банк», «Асака банк» каби банклар бошқа банкларга нисбатан бу каби кредит карточкалар эмиссияси, карточка турлари кўплиги билан ажралиб туради.

Таянч иборалар

Банк технологиялари
СВИФТ
Пластик карточкалар
Дебет карточка
Кредит карточка
Электрон хамён
Банк-мижоз дастури

Саволлар

1. Банклараро электрон ҳисоб-китобларни амалга оширишда телекомуникация тармоқларининг ўрни нимадан иборат?
2. Пластик карточкаларнинг афзалликлари нимадан иборат?
3. Пластик карточкаларнинг камчиликлари-чи?
4. Ўзбекистонга пластик карточкаларнинг кириб келиши.
5. Тижорат банкларининг пластик карточкалари бўйича операцияларини ўтказиш тартибини тушунтириб беринг?
6. СВИФТ тизимининг мазмуни нимадан иборат?
7. СВИФТга аъзо бўлиш қандай босқичларда амалга оширилади?
8. СВИФТнинг афзаллик ва камчиликларини нималардан иборат?

9. Банк-мижоз компьютер дастурининг мазмуни, афзаллик ва камчиликлари нимадан иборат?
10. Банк-мижоз дастурининг Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари?

Адабиётлар рқйхати.

1. Ўзбекистон Республикасининг «Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни. (1995 й. 26 декабр).

2. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги»ги Қонуни. (1996 й. 25 апрел).

3. Қзбекистон Республикасининг «Электрон рақамли имзо тқғрисида»ги Қонуни. 2003 й. 11 декабрь.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва республика ҳамда маҳаллий бюджетларга тўловларнинг ўз вақтида келиб тушишини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. 1998 й. 4 февраль.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тқғрисида»ги Қарори. 2005 й. 15 апрель.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бухгалтерия ҳисобининг ҳисоб варақалар режаси.

7. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг бухгалтерия ҳисобининг ҳисоб варақалар режаси. 2004 й.

8. Ўзбекистон Республикасида «Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш ҳақида»ги 60-сонли Низом. 2002 йил, 12 январь.

9. Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисоб варақалари ҳақидаги 1-сонли йўриқнома. 2001 йил, 6 октябрь.

